O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MUDOFAA VAZIRLIGI

Ватан ҳимояси — иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

2009 йил, **8** май, жума № **19** (2302). | Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Пятница, **8** мая, **2009** год, № **19** (2302). | Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда келишилган нархда

E-mail: vatan@rol.uz

В розницу - цена договорная

ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ ДЕГАНДА БИЗ, АВВАЛО, ЎЗИМИЗНИ ИНСОН СИФАТИДА АНГЛАШНИ, ОДАМИЙЛИК ФАЗИЛАТЛАРИМИЗНИ УЛУҒЛАШНИ НАЗАРДА ТУТАМИЗ. ЭНГ МУҲИМИ, БУ ҲАЯЖОНЛИ ВА ИЗТИРОБЛИ САНА ЎРНИМИЗГА КЕЛАДИГАН ЁШ АВЛОДНИ МАНА ШУ РУҲДА ТАРБИЯЛАШГА, УЛАР ҚАЛБИДА ВАТАН ВА ЮРТ УЧУН ҒУРУР ВА ИФТИХОР ТУЙҒУЛАРИНИ УЙҒОТИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ.

Ислом КАРИМОВ

ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИ МУСТАҲКАМ

Ўзбекистон дунёнинг кўплаб мамлакатлари билан ҳамкорлик қилади. Лекин мамлакатимизнинг халқаро муносабатларида Корея Республикаси алоҳида ўрин тутади. Халқларимизни қадимда савдо алоқалари ва маданий алмашув яқинлаштирган бўлса, бугун сиёсий ва иқтисодий манфаатлар муштараклиги, давлат раҳбарларининг ҳамфикрлик ва ҳамжиҳатлиги мамлакатларимизни яқин дўст ва ишончли шерикларга айлантирди.

Тонг бокиралиги ўлкаси Ўзбекистон мустақиллигини биринчилар қаторида тан олганини, юртимизда бошланган иқтисодий ислоҳотларни кенг миқёсда қўллаб-қувватлаб келаётганини таъкидлаш жоиз. Корея Республикаси Ўзбекистон Республикасининг энг йирик сармоявий шерикларидан. Унинг мамлакатимиз иқтисодиётига киритган сармояси ҳажми 2 миллиард АҚШ долларидан ошади. Ўзбекистон Жанубий Корея билан ҳамкорликда ишлаб чиқаришнинг ўта мураккаб, энг илғор технологиялар талаб қиладиган, тайёр маҳсулоти юксак даражадаги қўшимча қийматга эга бўлган турини ўзлаштириб, дунёдаги саноқли автомобилсоз давлатлар қаторидан ўрин олди.

Умуман, икки томонлама иқтисодий ҳамкорлик ҳақида сўз юритганда, бу алоқалар замон руҳи ва давр талабларига мос йўналишда ривожланаётганини қайд этиш жоиз. Ўзбекистон пахтачиликда катта имкониятларга эга. Жанубий Корея тўқимачилик технологиялари соҳасида кўп ютуқларни қўлга киритган. Бу икки омил ҳисобга олиниб, юртимизда тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган қўшма корхоналар тузилди.

Яна бир йўналиш – юқори технологиялар. Ўзбекистон ва Корея бу йўналишда ҳам ўзаро ҳамкорликни изчил ривожлантирмоқда.

Навоий шаҳридаги халқаро аэропорт негизида барпо этилаётган қитъалараро интермодал логистика маркази – Ўзбекистон учун, автомобилсозлик каби, мутлақо янги соҳани ўзлаштириш имконини беради. МДҲда ягона бўлган бу марказда юклар тезкорлик билан туширилади ва ортилади, тақсимланади, махсус омборларга жойлаштирилади. Яқин келажакда Навоийдаги эркин индустриал-иқтисодий зона глобал юк ташиш тармоғининг муҳим бўғинига айланади.

Шу билан бирга, мамлакатларимиз электроника маҳсулотлари ишлаб чиқариш, нефть-газ саноати ва кончилик соҳаларида ҳам яқиндан ҳамкорлик қиляптики, бу йўналишларнинг сердаромадлиги, долзарблиги ва аҳамиятини алоҳида таъкидламоқ жоиз.

Корея Республикаси сиёсий соҳада ҳам Ўзбекистоннинг ишончли шерикларидан. Хусусан, расмий Сеул Ўзбекистон Республикасини Осиёда ҳамкорлик бўйича мулоқотга (ACD) аъзо бўлишда ёқлади. Минтақалараро ҳамкорликнинг янги механизмларини ўзида мужассам этган бу тузилма АСЕАН давлатлари билан Форс кўрфази, Шарқий ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари, шунингдек, Австралия, Янги Зеландия ўртасида алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Эътиборли яна бир жиҳат, 2005 йил 10 май куни Корея Республикасининг ўша вақтдаги Президенти Но Му Хён давлат ташрифи билан Ўзбекистонга келган эди. Жорий йил 10 май куни ушбу мамлакатнинг янги Президенти Ли Мён Бакнинг Ўзбекистонга давлат ташрифи бошланади. Яъни, икки ташриф ҳам юртимизда Хотира ва қадрлаш куни нишонланаётган кезларга тўғри келмоқда. Бунда ўзига хос рамзий маъно бор. Зеро, Жанубий Корея аҳли ўтган асрнинг суронли йилларида мажбуран кўчирилган минглаб корейслар Ўзбекистондан паноҳ топганини, бағрикенг ўзбек халқининг оғир дамлардаги саховатини асло унутмайди. Бугун корейс миллатига мансуб минглаб ўзбекистонликлар барча юртдошларимиз қатори мамлакатимиз равнақи йўлида фаол меҳнат қилмоқда. Ўзбекистонни ўзининг Ватани деб билади. Бу ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам гуманитар алоқаларни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган омилдир. Халқларимизнинг маънавий яқинлиги, бирдамлиги, шарқона тафаккури ўзаро ишончни мустаҳкамлашга, ҳурматни оширишга, барча соҳаларда ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

...Мамлакатларимиз ўртасида қарор топган олий даражадаги дўстлик алоҳида аҳамиятга эга. Президент Ислом Каримов 2008 йилнинг февраль ойида Сеулга ташриф буюриб, Корея Республикасининг янги сайланган Президенти Ли Мён Бакнинг инаугурация маросимида иштирок этди. Ўзбекистон-Корея муносабатларида ҳали кузатилмаган бу воқеа Корея раҳбарияти ва халқининг Ўзбекистонга юксак ҳурмати белгиси бўлди. Айни пайтда бу воқеа Ли Мён Бак Ўзбекистон раҳбарияти томонидан самимий қутланганини ҳам англатади.

2008 йилнинг август ойида XXIX Олимпия ўйинларининг тантанали очилиш маросимида қатнашган Ислом Каримов ва Ли Мён Бак Пекинда музокара ўтказдилар. Аслида бу шахсий дўстлик муносабатлари анча аввал бошланган. 2006 йил март ойида Президент Ислом Каримовнинг Корея Республикасига давлат ташрифи асносида ўша кезлари Сеул мэри лавозимида ишлаган Ли Мён Бак Ўзбекистон раҳбарига икки мамлакат халқларининг дўстлигини мустаҳкамлашга қўшган улкан ҳиссаси учун "Сеулнинг фахрий фуқароси" унвонини топширган эди.

Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг Ўзбекистонга давлат ташрифи мамлакатларимиз ўртасида қарор топган ўзаро ҳамкорликнинг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

Баҳром АБДУРАХИМОВ суратга олган.

Қалбимизда уйғоқ туйғу — хотира, қадр!

ШУ СОНДА

- **В карауле — близнецы** 2
- **От — йигитнинг йўлдоши** 6
- **Оила гулшани** 8
- **«Олтин қалам»ли ижодкор** 9
- **Бензин ўрнига... ҳаво** 11
- **TV дастур** 12-13
- **Йўловчининг таксида қолдирган 35 минг доллари** 16
- **Улар ҳамон сафда** 19
- **Лейтенант Хильконинг олтин медали** 22
- **Пойтахтлик шунқорлар ғолиб** 23

5 ЖАРАЁН

САКРАШ –МАҲОРАТ, САКРАШ – ЖАСОРАТ

6 САРҲАД

СЕРГАК ПОСБОННИНГ ЖАСОРАТИ

7 АРМИЯ В МОЕЙ СУДЬБЕ

«Я БУДУ ОФИЦЕРОМ, МАМА!»

23 «ШУНҚОРЛАР» ҲАРБИЙ-СПОРТ ЎЙИНЛАРИ

РУҲИЙ ВА ЖИСМОНИЙ ЧИНИҚИШ МАКТАБИ

МАЛАКА

HAFTADAN HAFTAGACHA

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ва «Korean Air» компанияси ўртасида иккита юк ташувчи ҳаво кемасини лизинг асосида етказиб бериш тўғрисидаги шартномага мувофиқ, «Навоий» аэропортига Сеулдан иккинчи «А-300-600F» самолёти келди.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси матбуот хизматининг маълум қилишича, «Навоий» халқаро аэропорти, қўшма глобал тармоқни шакллантириш лойиҳасига мувофиқ, юк ташувчи самолётлар учун қўналға сифатида белгиланди. Ушбу тармоқ, ўз навбатида, Осиёдан Европага ва Европадан Осиёга жўнатиладиган юклар оқимини «Навоий» аэропортидаги мультимодал логистика маркази орқали бирлаштиришга хизмат қилади. Ушбу минтақавий логистика маркази Президент Ислом Каримов ташаббуси билан Ўзбекистонда ташкил этилаётган биринчи эркин индустриал-иқтисодий зонада муҳим боғловчи бўғинга айланади.

●

«Ўзэкспомарказ»да «Uzbekistan Agrominitech Expo-2009» қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг тўртинчи Халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдоси очилди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ва Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмаси томонидан ташкил этилди.

Унинг очилиш маросимида мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида иқтисодиётнинг қишлоқ хўжалик соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ва самарали ислоҳотлар фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш, соҳада замонавий технологиялардан оқилона фойдаланишни кенгайтиришга хизмат қилаётгани таъкидланди.

«Uzbekistan Agrominitech Expo-2009» кўргазмасининг мавзуси ва экспозиция режаси мева-сабзавот ва гўшт-сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда қайта ишлаш бўйича ихчам ускуналар, ун ва омухта ем ишлаб чиқариш учун ускуналар, боғдорчилик ва узумчилик учун минитехника ҳамда мини-ускуналар, қадоқлаш ва ўраш ускуналари, ўсимликларни ҳимоя қилиш бўйича кимё препаратлари, ветеринария, қоракўлчилик ва терини қайта ишлаш, иссиқхона хўжаликларини ташкил этиш каби қарийб юз йўналишни ўз ичига олади.

●

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида уруш ва меҳнат фахрийлари, нуроний отахон ва онахонлар, узоқ йиллардан буён олий таълим тизимида самарали меҳнат қилиб келаётган ўқитувчилар, олимларнинг талаба-ёшлар билан учрашуви бўлиб ўтди.

Республика «Нуроний» жамғармаси раиси Э.Боқибоев, Ўзбекистон Миллий университети ректори Ғ.Муҳамедов Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёши улуғ ҳамюртларимизга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш, меҳнатини қадрлаш, ижтимоий ҳимоялаш, саломатлигини тиклаш ва мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

●

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида 9 май – Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва миллий матбуотимиз ривожига катта ҳисса қўшган меҳнат фахрийларини шарафлашга бағишланган учрашув бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда уруш ва меҳнат фахрийлари, узоқ йиллар матбуот соҳасида самарали меҳнат қилган журналистлар иштирок этди.

Тадбирда уруш ва меҳнат фахрийлари, нуроний журналистларга байрам совғалари топширилди.

●

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси билан ҳамкорликда Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилига бағишлаб ташкил этган «Халқ ижодиёти поезди» Хоразм вилоятида бўлди. Тадбир доирасида санъаткорлар қадим воҳанинг шаҳар ва туманларидаги фермер хўжаликлари, ишлаб чиқариш корхоналари, ўқув муассасалари ҳамда маҳаллаларда концерт дастурларини намойиш этди.

ЎзА материаллари асосида тайёрланди.

Сенинг қаҳрамонларинг, Ўзбекистон!

БИЛИМ ВА МАҲОРАТИ МУШТАРАК ЎҒЛОН

Лавҳамиз қаҳрамони – шартнома бўйича хизмат сержанти, II даражали «Шон-шараф» ордени соҳиби Суҳбат Набиев юртимиз осойишталиги йўлида хизмат қилишни мақсад қилган, Ватанимизнинг порлоқ келажаги ҳамда ёрқин истиқболи учун бор куч ва имкониятларини сафарбар этишга шай турган фидойи ва мард посбонлардан.

Муҳандис-кинолог сержант Набиев Ватанимизнинг ушбу юксак мукофотига фидойи хизматлари ҳамда бурчига садоқати туфайли муносиб кўрилди. Ҳа, у мардлар касбининг ҳам энг шарафли ва масъулиятли соҳасини танлаган. Сапёрлар секцияси командири вазифасида хизмат қилаётган иштиёқманд ўғлон доимо билим ва малакасини ошириб бориш учун тинмай ўқиб, изланади. Зеро, танлаган соҳаси шуни тақозо қилади. Муҳандислик ҳарбий соҳанинг энг мураккаб, шарафли ва масъулиятли, муҳим бўғинидир. Шу боис ҳам мазкур соҳа мутахассисидан ўта ҳушёр бўлиш, вазифани адо этаётганида тезкорлик, аниқлик ва пухталик талаб қилинади. Дейлик, у машқда жанговар бўлинманинг шартли равишдаги хавфли ҳудуддан беталафот ўтишини таъминлаш учун ўрнатилган миналарни зарарсизлантириш билан шуғулланаяпти. Бундай вазиятда у мина ёки портловчи мослама қайси жойда ўрнатилганини тезда қидириб топиши, ниҳоятда совуққон, эҳтиёткор бўлиши керак. Ҳарбийлар орасида сапёр бир марта адашади, деган ибора бор. Адашиш нафақат унинг ўзига, балки ортида турган бутун жамоага ҳам қимматга тушиши мумкин. Шунинг учун ҳам ўз касбининг маҳоратли устаси бўлиш, тинимсиз малакасини ошириб бориш ушбу соҳа мутахассислари учун ғоят зарурдир.

Бу борада маҳоратли кичик командирнинг натижалари ҳавас қилса арзирли даражада. У ҳақда фикр билдирар экан, офицер Илҳом Бегимқулов сержант Набиев билан бутун шахсий таркиб фахрланишини эътироф этди.

– Сержант Суҳбат Набиев бизнинг фахримиз. У билими, юксак касбий маҳорати билан сафдошларининг ҳам, командирларининг ҳам ҳурмат-эътиборига сазовор бўлган. Соҳанинг асл профессионали бўлишни кўзлаган Суҳбат сержантлар тайёрлаш мактабининг икки босқичида ҳам муваффақиятли таҳсил олиб чиққан. Қуролли Кучларимизда ўтказиб келинадиган «Энг илғор мутахассис» кўрик-танловларида муваффақиятли иштирок этиб, ҳарбий қисмимиз ва округимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган ҳамда юксак натижаларга эришган. Айнан шундай мусобақалар унинг соҳа бўйича эгаллаган билимларини имтиҳондан ўтказди, амалиётда синади, десак янглишмаймиз.

– Кўрик-танловнинг округ босқичида биринчи, Қуролли Кучлар миқёсида эса учинчи ўринларни эгаллашга муваффақ бўлдим, – дейди у. – Якуний босқичда ғолибликка эришиш учун янада кўпроқ билим ва малакага эга бўлишим кераклигини англадим. Устоз офицерлар Алексей Уланов, Элдор Исабеков, Азамат Хўжаев, Муҳиддин Бекбўтаев ҳамда шартнома бўйича хизмат сержанти Санъат Абдурасуловлардан соҳа сирларини ўрганиб келаяпман. Сафдош дўстларим шартнома бўйича хизмат сержантлари Амин Ҳамроев, Ўткир Ҳақбердиев, Ҳабибулла Мирзаевлар билан мусобақадошмиз ва доимо билим-тажрибаларимизни ўртоқлашиб келамиз.

Бухоро вилоятининг Когон туманида содир бўлган фавқулодда вазият оқибатларини бартараф этишда тажрибали муҳандис сержант Набиевнинг ҳам хизматлари улкан бўлди. Эл корига камарбаста посбон қўйилган жанговар вазифаларни аъло даражада уддалади. Шунингдек, сафдошларига ҳам доимо ёрдамга шай туриши билан аскарий биродарликнинг юксак намуналарини кўрсатди.

Фидойи ва моҳир кичик командирнинг масъулиятли ва шарафли хизматлари муносиб баҳоланиб, у Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Президентимиз Фармонига биноан юксак давлат мукофотига сазовор бўлди. Бундай эътибор албатта, унинг кучига куч, иштиёқига эса иштиёқ қўшишига шубҳа йўқ.

Катта лейтенант
Ёшин ҲАКИМОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
Баҳром АБДУРАҲИМОВ
суратга олган.

Бдительность – наше оружие

В КАРАУЛЕ – БЛИЗНЕЦЫ

В коллективе группы охраны под командованием лейтенанта Ахрора Тогаева вопросам поддержания бдительности и высокой боевой настороженности всегда уделяется повышенное внимание.

Братья-близнецы Хасан и Хусан Зариповы недавно прибыли в это подразделение для прохождения срочной службы. Но уже успели зарекомендовать себя с самой лучшей стороны. И даже отличиться в ходе несения службы часовыми в карауле.

– Дело в том, что у нас здесь очень сильные наставники, – говорит рядовой Хусан Зарипов. – Например, наш командир секции сержант Бахром Бойкобилов имеет за плечами десяток лет службы по контракту, дважды прошел обучение в Школе подготовки сержантов военного округа.

Мы застали близнецов в караульном помещении, когда они проходили инструктаж перед заступлением в наряд. Командир секции подробно довел им обязанности часового, в том числе особые обязанности по охране военного объекта, напомнил порядок оповещения в случае попытки проникновения посторонних лиц.

На сегодня пока отличился один из братьев, Хасан, который показал образец решительных и умелых действий при задержании нарушителя, удостоившись поощрения командования. Только перед тем, как подать команду на выход солдата из строя, командир секции сделал необходимое уточнение:

– Рядовой Зарипов Хасан, выйти из строя!

В первые дни службы оба солдата, услышав свою фамилию, либо дружно делали шаг вперед вдвоем, либо стояли и недоуменно переглядывались, кого же вызывают? Сейчас к такому положению уже привыкли, хотя командиры и сегодня не могут отличить близнецов друг от друга.

– Психологически важно для близнецов, чтобы они всегда были рядом, – говорит сержант Б. Бойкобилов. – Поэтому и в караул они заступают только вдвоем, неся службу на соседних постах.

Пока мы беседовали с сержантом, солдатам уже подоспела пора возвращаться в караульное помещение, в отдыхающую смену.

– Культура обращения с оружием у нас всегда находится на переднем плане, – говорит Хасан. – Для того чтобы автомат не подвел в ответственный момент, я его тщательно обслуживаю до и после проведения каждой стрельбы.

Хасан по секрету поделился еще одной причиной столь ревностного отношения к службе и меткой стрельбе. Близнецы после армии решили поступать в ТВОКУ. Хотя до службы, дома, в Миришкорском районе Кашкадарьинской области, оба прошли обучение в профессиональном колледже по специальности финансиста.

– Первые месяцы службы в армии только укрепили веру в осуществление нашей мечты, – говорит рядовой Х. Зарипов. – Мы хорошо понимаем, что каждый успех в повседневной службе на шаг приближает нас к цели.

Действительно, с такими серьезными стимулами можно вполне надеяться на получение Рекомендации, дающей право льготного поступления в вузы страны. Удачи вам, близнецы!

Майор Алишер НУРЛАНОВ.
Фото автора.

АКТУАЛЬНО

В помощь руководителям групп общественно-политической подготовки

АНТИКРИЗИСНАЯ ПРОГРАММА – ЗАБОТА О ЗАВТРАШНЕМ ДНЕ, РУКОВОДСТВО К ДЕЙСТВИЮ

Вторая часть книги Президента Ислама Каримова «Мировой финансово-экономический кризис, пути и меры по его преодолению в условиях Узбекистана» посвящена поддержке банковской системы, модернизации, техническому обновлению и диверсификации производства, широкому внедрению инновационных технологий, как надежному пути преодоления кризиса и выхода Узбекистана на новые рубежи на мировом рынке. То есть речь идет об Антикризисной программе, которая сегодня стала предметом обсуждения миллионов и миллионов людей в нашей стране и в мире.

Надо подчеркнуть, что Антикризисная программа проникнута духом оптимизма, уверенности в завтрашнем дне. Она не просто дань нашей новейшей истории, а, без преувеличения, – руководство к действию. В ее основание заложены незыблемые принципы «узбекской модели» развития и прежде всего прагматизм экономической политики, ведущая роль государства как главного реформатора, верховенство закона и сильная социальная политика.

> НАДО ПОДЧЕРКНУТЬ, ЧТО АНТИКРИЗИСНАЯ ПРОГРАММА ПРОНИКНУТА ДУХОМ ОПТИМИЗМА, УВЕРЕННОСТИ В ЗАВТРАШНЕМ ДНЕ.

Само содержание программы, широкий охват ею всех сторон общественной жизни, сфер и направлений экономики, ее либерализацию, модернизацию и диверсификацию, сотрудничество с другими странами не только в экономической, но и финансовой сферах, создание новых рабочих мест, повышение благосостояния народа – все это говорит о том, что программа рассчитана на годы.

Одной из ключевых задач Антикризисной программы на 2009–2012 годы является дальнейшее ускоренное проведение модернизации производства, широкое внедрение инновационных технологий в базовых отраслях экономики. В основе этой задачи – реализация программы модернизации и технологического перевооружения производства, осуществление мер по поддержке предприятий-экспортеров, выделение им льготных кредитов и налоговых преференций, повышение конкурентоспособности предприятий, производящих готовую продукцию, реализация мер по модернизации электроэнергетики и внедрению системы энергосбережения, поддержка отечественных товаропроизводителей и стимулирование спроса на внутреннем рынке.

Реализация Антикризисной программы – наш важнейший приоритет. Она уже в работе, в действии. Об этом говорят итоги развития страны за первый квартал 2009 года. Валовой внутренний продукт вырос по сравнению с тем же периодом прошлого года на 7,9 процента. Этот показатель значительно выше показателя любого первого квартала за все предшествующие годы. Промышленное производство увеличилось на 12,5 процента. Продукция сельского хозяйства возросла на 5,7 процента, услуг – на 16,6 процента, строительных работ – на 12,1 процента. Госбюджет первого квартала обеспечен с профицитом в 0,4 процента к ВВП. Эти цифры – наглядное подтверждение того, что Антикризисная программа уже дает свои плоды.

Второй важнейший приоритет нашей экономической программы на 2009 год – продолжение структурных преобразований и диверсификация экономики. При этом имеется в виду диверсификация как на межотраслевом уровне, в результате чего появляются новые для страны отрасли производства, так и в плане внутриотраслевом, прежде всего в создании импортозамещающих товаров.

Это направление реформирования, актуальность которого сегодня очевидна, сохранится и в последующие годы. Оно – важнейшая составляющая Антикризисной программы. Благодаря этому направлению, мы можем обеспечить конкурентоспособность нашей экономики страны на мировом рынке.

Третий особо важный приоритет – это реализация широкого комплекса долгосрочных мер, направленных на кардинальное улучшение качества жизни и облика села. Основными составляющими этого приоритета являются – ускоренное развитие социальной и производственной инфраструктуры на селе, пересмотр статуса, роли и значения собственника, предпринимательства и малого бизнеса, всемерная поддержка развития фермерского хозяйства. Эта обширная программа рассчитана на годы. В текущем 2009 году, объявленном Годом развития и благоустройства села, мы должны поставить на прочные организационные рельсы всю нашу работу на перспективу. На первый план выдвигаются следующие задачи:

– провести тщательную работу по совершенствованию законодательной, нормативно-правовой базы. Принять новые, внести изменения и дополнения в имеющиеся законодательные акты, Земельный кодекс;

– пересмотреть систему организации архитектурной планировки и застройки сельских населенных пунктов, разработать типовые проекты сельских жилых домов и объектов социальной инфраструктуры;

– активизировать создание на селе промышленного производства, строительства компактных предприятий по переработке плодоовощной и животноводческой продукции, оснащенных современной техникой и технологиями;

– улучшить мелиоративное состояние земель.

«На селе, – говорит глава нашего государства, – мы должны иметь не только благоустроенные населенные пункты и современные дома, но и качественные дороги, бесперебойную систему энергоснабжения, обеспечения населения чистой питьевой водой, развитую сеть социальных объектов – сельских врачебных пунктов, школ, объектов детского спорта, телекоммуникации и почтовую связь, объекты сферы и торговли и др.»

Четвертый приоритет – это ускоренное развитие сферы услуг и малого бизнеса как важнейшего фактора обеспечения занятости, повышения качества жизни населения. Особое внимание уделяется стимулированию развития малого бизнеса за счет налоговых и кредитных льгот, углубления реформ, создания благоприятного бизнес-климата. Предусмотрено двухкратное увеличение ресурса Фонда льготного кредитования для поддержки новых малых и частных предприятий.

Антикризисной программой предусмотрено также сокращение в 2009 году количества проверок хозяйствующих субъектов не менее чем на 30 процентов.

Пятый приоритет. Дальнейшее развитие производственной и социальной инфраструктуры как важнейшего фактора модернизации страны и занятости населения.

Всемерное развитие производственной и социальной инфраструктуры облегчает решение многих общенациональных и социальных задач. Тут и ускорение развития экономики, и расширение сферы доступа к минерально-сырьевым ресурсам страны, и благоустройство городов и сел, и повышение конкурентоспособности экономики, сферы услуг, и повышение качества жизни населения. Это и увеличение занятости населения. А занятость населения – не только фактор стабильности, но и показатель качества жизни.

Шестой приоритет. Дальнейшее совершенствование банковского дела, стимулирование привлечения свободных средств населения и хозяйствующих субъектов на депозиты в коммерческие банки.

Развитию и укреплению банковской системы в нашей стране уделяется постоянное внимание. И это вполне понятно, потому что банки, образно говоря, являются кровеносной системой, которая питает всю нашу экономику и от состояния которой зависит финансово-экономическая стабильность в стране.

В рамках Антикризисной программы надо рассматривать недавние Постановления Президента страны «Об образовании акционерного коммерческого банка «Агробанк» и «О создании акционерного коммерческого банка «Кишлок курилиш банк». Они являются важнейшими рычагами последовательного углубления экономических реформ в сельском хозяйстве, поддержки фермерского движения, укрепления его материальной и финансовой базы, ускоренного развития производственной и социальной инфраструктуры на селе, широкого внедрения системы долгосрочного льготного кредитования жилищного строительства.

Первоочередными задачами банков ставится:

– повышение уровня капитализации;

– выявление факторов, сдерживающих рост накоплений;

– расширение их инвестиционной активности и другие.

В целом реализация мер Антикризисной программы, говорит Президент, позволит **не только достойно противостоять** вызовам и угрозам мирового финансово-экономического кризиса, **но и выйти,** после его завершения, **с еще более сильной, устойчивой, сбалансированной экономикой, занять свою прочную нишу на мировых рынках, обеспечить на этой основе динамичный экономический рост, последовательное решение задач по дальнейшему повышению уровня жизни и благосостояния нашего населения.**

Книга Президента Ислама Каримова «Мировой финансово-экономический кризис, пути и меры по его преодолению в условиях Узбекистана» по-прежнему находится в центре внимания политических и деловых кругов, политологов, экономистов и различного рода экспертов, широко обсуждается в аналитических и научно-исследовательских центрах, которые сходятся в едином мнении, что **опыт развития экономики Узбекистана, пути и меры противодействия мировому кризису заслуживают углубленного изучения и во многом могут быть использованы другими странами.** Отмечаются злободневность, глубина, отличное знание автором поднятых проблем, основательность и фундаментальность каждого предложения, вывода, заключения и огромная жизненная сила Антикризисной программы.

> ВСЕМЕРНОЕ РАЗВИТИЕ ПРОИЗВОДСТВЕННОЙ И СОЦИАЛЬНОЙ ИНФРАСТРУКТУРЫ ОБЛЕГЧАЕТ РЕШЕНИЕ МНОГИХ ОБЩЕНАЦИОНАЛЬНЫХ И СОЦИАЛЬНЫХ ЗАДАЧ.

Для нас Антикризисная программа – дело каждого человека, и для всех – руководство к действию. Я не оговорился – для всех, в том числе и для нас, людей военных.

Чему учит нас книга главы государства?

Во-первых, глубина подхода к решению возникающих проблем. Для этого надо досконально изучить проблему, разобраться в ней и наметить план действий по ее решению, поставив для реализации намеченного плана профессионально подготовленных и компетентных людей. Из всех приоритетов и проблем во главу угла повседневной деятельности военных кадров ставить вопросы дальнейшего повышения бдительности и боевой готовности частей и подразделений.

Во-вторых, в организационном плане книга учит нас самое серьезное внимание уделять практической стороне дела, **контролю и помощи личному составу в решении учебно-боевых задач.** Вспомните, едва родилась Антикризисная программа, как тут же были созданы Правительственная комиссия, территориальные группы на местах для обеспечения контроля за выполнением программы. И, что особенно важно, не для «завинчивания гаек до отказа», не для того, чтобы нагнать страх на нижестоящие структуры, а **для проверки и оказания помощи, выявления резервов, совместного нахождения новых путей решения стоящих проблем.** Не нагоняй, не попреки и взыскания, а создание в воинских коллективах атмосферы доверия, творчества и дружной работы – в этом ключ решения всего комплекса задач, стоящих перед Вооруженными Силами.



В-третьих, из решения Антикризисной программы вытекает очень важная для военных кадров особенность – опора на новейшие технологии. И в военном деле глава государства учит нас опираться на новейшие достижения передовой военной мысли, шире использовать самые современные тренажеры, способные моделировать обстановку, максимально приближенную к боевым условиям, методы моделирования и симуляции, информационно-коммуникационные технологии. Особое внимание уделить повышению уровня управленческой культуры, которая предполагает отказ от поверхностного подхода к делу, обобщений в работе управлений, отделов и служб.

В-четвертых, книга ориентирует военные кадры на творческий поиск и активную работу по внедрению в жизнь войск передового опыта, всего нового, что работает на повышение качества боевой подготовки и боевой готовности войск. Нам надо всегда помнить заветы великих предков, которые в своей деятельности широко опирались на опыт предшествующих поколений.

В-пятых, книга дает богатейший материал для работы командиров, заместителей по воспитательной работе, всех офицеров и сержантов по духовно-нравственному воспитанию, формированию у военнослужащих устойчивого чувства патриотизма, любви к своей независимой Родине.

Думаю, мы не ошибемся, если скажем, что новая книга главы нашего государства – это великий дар будущему, который мы, военные, рассматриваем – как вдохновенный призыв к нынешнему поколению защитников Родины беззаветно любить свою независимую Отчизну, гордиться нашей прекрасной и благодатной землей, нашим трудолюбивым народом и беречь завоевания независимости как зеницу ока.

Анфим ХЛЫЗОВ.

МАҲОРАТ

Доподготовка водителей

ВЕНЕЦ ИСПЫТАНИЙ – МАРШ

Боевая учеба военнослужащих срочной службы, привлеченных на сборы по доподготовке водительского состава, по традиции всегда завершается многокилометровым маршем.

Командир секции автомобильного взвода младший сержант Мумин Кадыркулов уже тринадцать лет служит в Вооруженных Силах. Казалось, опираясь на большой опыт служебной деятельности, можно уже не волноваться. Но военный профессионал даже на самой последней стадии подготовки к маршу не упускает очередной возможности заглянуть под капот мощного КрАЗа.

– В таком важном деле, как совершение марша, не бывает мелочей, – говорит младший сержант. – Скажем, за время поездок по тряской дороге ослабло крепление в системе охлаждения. Будет утечка, а отсюда может и температура жидкости подняться. Если на марше эта машина окажется в центре колонны, то это задержит движение всех едущих следом автомобилей. Поэтому надо внимательно и тщательно все осмотреть.

Впрочем, и при отборе на должности военных водителей в отделах по делам обороны стремились подбирать юношей с опытом управления техникой. Например, рядовой Иномжон Хатамов из Зааминского района Джизакской области успел до призыва поработать водителем на автомобиле ГАЗ-53. Поэтому ему доучиваться было легче.

– В ходе прохождения сборов нам были созданы все необходимые условия для закрепления своих водительских навыков, – говорит рядовой Махмуд Эшбоев из Пастдаргомского района Самаркандской области. – Не сомневаюсь, что с помощью опытных наставников мы сумеем успешно выполнить и многокилометровый марш на незнакомой местности.

Рядового по контракту Дильмурада Тангирова вполне можно отнести к данной категории умелых наставников. Поэтому закономерно, что ему также доверено в ходе предстоящего марша выполнение обязанностей водителя-инструктора.

– В принципе, чисто водительский опыт солдат этого призыва не вызывает сомнений, – рассуждает рядовой по контракту. – Однако в ходе практической работы водителями эти юноши вряд ли могли испытать себя при движении в колонне. В этом плане армейская служба дает им очень ценные навыки.

Из разных уголков нашей Родины съехались сюда эти парни. Рядовой Абдувохид Алиматов приехал из столицы, рядовой Синдор Рузиев из Самаркандской области, рядовой Сайфулла Усманов – Ташкентской. Здесь стали единой семьей, дружным, сплоченным коллективом.

Представители ХАН гарнизона терпеливо ждут, пока все автомашины заправят топливом. А потом колонна в сопровождении военной автоинспекции выдвигается по заданному маршруту. И точно в назначенное время все автомобили возвращаются в парк боевых машин. Испытание многокилометровым маршем было выдержано успешно. А значит, новая вершина воинского мастерства взята.

Майор Анвар КАСЫМОВ.
Фото **автора.**

ТАЙЁРГАРЛИК ЖАРАЁНИ АВЖИДА

Айни кунларда Мудофаа вазирлиги қисм ва муассасаларида қурол-аслаҳа ва техникаларни ёзги мавсум шароитида фойдаланишга ўтказиш борасидаги сўнгги тайёргарлик ишлари қизғин кечмоқда.

– Бизнинг ҳарбий қисмда мавсумий чора-тадбирлар режага асосан олиб борилмоқда, – дейди масъул офицер Содиқ Бурҳонов. – Яқинда бўлиб ўтган кўргазмали машғулотлар ҳам айнан қурол-аслаҳа ва техникаларни ёз мавсуми шароитида фойдаланиш учун ҳозирлик кўришга қаратилди. Юқори савияда ташкиллаштирилган мазкур машғулотларга ҳарбий қисм қўмондонлиги ва хизмат бошлиқлари, масъул офицерлар жалб қилинди.

Барча машғулотлар ўқув нуқталарида турли йўналишлар бўйича олиб борилди. Ҳарбий техникалар, қурол-аслаҳалар, ёқилғи-мойлаш маҳсулотларидан мавсумий шароитларда фойдаланишнинг ўзига хос томонлари, уларга хизмат кўрсатиш ва тегишли ҳужжатлар билан ишлаш, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби, йўл-йўриғи ва қоидалари батафсил намойиш этилиб, назарий билимлар мустаҳкамланди.

Машғулотларни офицерлар Фарҳод Рустамов, Ғулом Саидов, Жавлон Мардонов, сержант Акром Бозоров ва бошқалар олиб бордилар.

Кўрилган пухта ҳозирлик юқори жанговар шайликни таъмин этишига шубҳа йўқ.

Катта лейтенант Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ.
Катта лейтенант Дониёр ЖАМОЛОВ
суратга олган.

ЖАРАЁН

БУДЕМ ДОСТОЙНЫ ПОДВИГОВ ДЕДОВ

Очень символично, что принятие Военной присяги теми юношами, которые прошли сборы в мобилизационном призывном резерве, состоялось в преддверии Дня Памяти и почестей. Клятва на верность Родине стала для этих молодых людей еще и заверением достойно продолжать славные боевые традиции отцов и дедов.

На торжества по случаю принятия Военной присяги в МПР прибыли представители общественности, ветераны Второй мировой войны. Представитель районного отделения фонда ветеранов «Нуроний» Холбой-бобо Кадыров пожелал своим молодым землякам свято хранить верность воинской присяге, вносить весомый вклад в процветание свободного Узбекистана.

Со словами напутствий и пожеланий в этот незабываемый день к воинам обратились также представитель областного УДО подполковник Эркин Толбобоев, руководитель районного отделения ОДМ «Камолот» Музаффар Хамраев, от имени родителей – Актам Худайбердиев и Нигора Равшанова.

Выступив от имени товарищей, принявших Военную присягу, Акрам Кучкаров и Шерзод Аманов заверили гостей, что будут стремиться стать достойными подвигов старших поколений, в тяжелые годы Второй мировой войны показавших беспримерные образцы героизма и мужества.

Юноши также выразили признательность командирам за уроки воинского мастерства, полученные в ходе обучения на сборах. А также вручили памятный подарок командиру взвода капитану Джахонгиру Зияеву.

Сразу по окончании торжественной части молодые люди попали в объятия родных и близких.

– Я искренне желаю своему сыну, Сардору, никогда не знать ужасов войны, – говорит Нигора Равшанова. – Однако для прочного мира на нашей благодатной земле молодежь должна еще лучше усвоить трагические уроки истории, хорошо осваивать азы военного дела, быть всегда готовыми к защите Родины. Я горжусь тем, что мой сын прошел сборы в мобилизационном призывном резерве, счастлива оттого, что он сегодня принес клятву верности Отчизне. И я уверена: он сумеет сохранить верность своему слову.

Акмаля Примова пришли поздравить с принятием Военной присяги его жена Барно и сын Дильшод.

– В нашей стране уделяется очень большое внимание всем вопросам поддержки молодых семей, – говорит Барно. – И я горда сознанием того, что наш папа сегодня присягнул быть всегда готовым с оружием в руках встать на защиту священной земли Узбекистана. Ведь он и семью будет защищать.

Вот так, в приподнятом праздничном настроении прошли торжества по случаю принятия Военной присяги во всех подразделениях мобилизационного призывного резерва. Поистине, хотя месячные сборы прошли очень быстро, верность Отчизне на всю жизнь останется в сердцах этих молодых людей.

Майор Аблай КАМАЛОВ,
корр. «Ватанпарвара.
Фото **автора.**

САКРАШ – МАҲОРАТ, САКРАШ – ЖАСОРАТ

Маълумки, чинакам мардлик, фидойилик йўлини танлаган посбонларимиз Ватанимиз мудофаа қудратини мустаҳкамлаш, сарҳадларимиз дахлсизлигини ҳимоя қилиш, Қуролли Кучларимиздаги ислоҳотлар жараёнини тобора жадаллаштириш учун бор куч ва билимларини, имкониятларини ишга солиб, шу юрт меҳри билан ёниб яшамоқдалар.

Дарҳақиқат, бугун замонавий армиянинг посбони нафақат жанговар билимларни пухта эгаллаган бўлмоғи, балки интеллектуал салоҳияти ҳам юксак бўлиши, етакчилик қобилиятини намоён эта олиши лозим. Бу жараёнда эса ҳарбий хизматчиларнинг ҳар томонлама етук, ўз касбининг моҳир устаси, бурчига ва шарафли номига муносиб бўлишида барча тайёргарликлар бўйича ташкил этилаётган ўқув йиғинларининг аҳамияти беқиёс.

Яқинда офицер Илҳом Ҳамробоев етакчилик қилаётган взвод шахсий таркиби янги ўқув йили режасига асосан ҳаво-десант тайёргарлиги бўйича дала-ўқув йиғинини ўтказишди.

– Йиғинни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад, шахсий таркибнинг ҳаво-десант тайёргарлиги бўйича билим ва маҳоратини янада юксалтириш, тажрибасини ошириш, профессионаллашувига замин яратишдан иборат, – дейди офицер И.Ҳамрабоев.

Йиғин давомида ҳарбий хизматчилар парашют билан сакрашгача бўлган барча жараённи малакали офицер ва йўриқчи кичик командирлар томонидан ўтказилаётган назарий ва амалий машғулотларда пухта ўрганиб, сакрашни муваффақиятли бажаришга интилишди.

– Олдимизга қўйган асосий мақсадимизга эришмоқдамиз, – дейди офицер Фарҳод Рустамов. – Ҳаво-десант тайёргарлиги бўйича барча шароитлар яратилган. Ўқув-моддий база етарли жиҳозлар, техникалар билан таъминланган бўлиб, посбонларга ҳам назарий, ҳам амалий машғулотлар тажрибали йўриқчилар томонидан юксак савияда олиб борилмоқда.

Парашют билан сакраш машқи посбоннинг жанговар шайлиги, маҳоратини оширишда асосий омиллардан. Буни инобатга олган йиғин раҳбарлари парашютни тахлаш ва уни сакрашга тайёрлаш, самолётга чиқиш ва жойлашиш ҳамда хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш, самолётдан чиқиш, ҳавода бажариладиган усуллар, ерга хавфсиз ва тўғри тушиш, берилган вақт ичида парашютни йиғиб, белгиланган ҳудудга гуруҳ билан бирга етиб келиш бўйича ҳаво-десант тайёргарлиги шаҳарчасида ўтказаётган машғулотлари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Албатта, парашют билан сакрашга барча қизиқади. Бироқ бунинг учун посбон ҳам жисмонан, ҳам руҳан соғлом, билим ва маҳорати юксак бўлмоғи лозим. Шу боис ҳарбий хизматчилар парашют билан сакрашгача ўтказилаётган машғулотларга жиддий эътибор беришиб, тажрибаларини янада ошириб боришди.

– Бундайин машғулотларда кўп бора қатнашганман, – дейди кичик сержант Ҳамид Аҳмадалиев. – Хизматим мобайнида мингдан зиёд сакрашни амалга оширганман. Гуруҳимиз билан 600 метр баландликдан сакрашни амалга оширдик ва муваффақиятли якунладик.

Ўқув йиғини раҳбарининг таъкидлашича, сержантлар – Фазлиддин Чинов, Рўзибой Қосимов, Шуҳрат Ҳамроев, Отабек Қодиров, кичик сержантлар – Акбар Ортиқов, Азиз Рисқулов, Ҳусанбой Қўзибоев, Дилшод Миразизов кабилар ҳаво-десант тайёргарлиги машғулотларида фаол иштирок этишиб, машқларни аъло даражада бажаришиб, сафдошларига ибрат бўлишди.

Биламизки, ҳарбийлик касбига меҳр қўйган, Ватанни ҳимоя қилишни ўз олдига мақсад қилган, тинчлигимиз ва сарҳадларимиз дахлсизлигининг посбонлари бўлмиш ҳарбий хизматчилардан матонат ва фидойилик, мардлик ва садоқат, кучли ирода ва шижоат талаб этилади. Парашют билан сакраётган посбонлар қалбида шундай туйғулар мужассам эканлиги бизни янада қувонтирди.

Аҳрор ОЧИЛОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.

САРҲАД

СЕРГАК ПОСБОННИНГ ЖАСОРАТИ

...Тун. Ватанимиз сарҳадларини ҳарбий хизматчилар сергаклик, ҳушёрлик билан ҳимоя қилишмоқда. Улар бу вазифанинг қанчалик масъулиятли эканлигини яхши англашади. Қоронғулик борлиқни қоплаб олган бир пайтда чегара ҳудудига айланма йўллар орқали юк машиналари катта тезликда кириб келаётгани ҳақида маълумот олинди. Посбонлар сергакликни янада ошириб, вазифаларини сидқидилдан бажаришга киришишди. Тезкор ва аниқ ҳаракат туфайли айланма йўллар орқали олиб ўтиб кетилаётган моддий бойликлар ушлаб қолинди ва қонунбузарлар қўлга олинди. Бунинг натижасида мамлакатимиз иқтисодиётига етказилиши мумкин бўлган навбатдаги хавф бартараф қилинди. Бу вазифани бажаришда сержант Мурожиддин Ҳамроқуловнинг хизматлари улкан бўлди. У муддатли ҳарбий хизматни Чегара қўшинларида намунали ўтаб, 1997 йилдан шартнома асосида хизмат қилишга бел боғлади.

– Муддатли ҳарбий хизмат мени ҳар томонлама тоблади, чиниқтирди. Офицер ва сержантлардан кўп нарсани ўргандим. Яратилган шарт-шароитлар, командирларнинг биз аскарларга бўлган эътибори қалбимда ҳарбийликка ҳавас уйғотди. Ота-онамнинг, командирларимнинг қўллаб-қувватлашлари натижасида бугун чегарачи посбон бўлиб, юртимиз сарҳадларини муносиб ҳимоя қилишга интилаяпман, – дейди кичик командир.

Ғайрат-шижоатли, ўтюрак йигит Ҳарбий қасамёдига садоқатини жанговар хизматдаги улкан натижалари билан кўрсата бошлади. 2000 йили у намунали ҳарбий интизоми ва жанговар шайликка қўшган муносиб ҳиссаси учун «Жасорат» медали билан тақдирланди. Хизматининг ҳукуматимиз ва юқори қўмондонлик томонидан муносиб баҳоланганлигини дилдан ҳис этган сержант М.Ҳамроқулов янада маҳоратини оширишга, соҳа сирларини мукаммал эгаллашга ҳаракат қилди.

2005 йили у жанговар шайликка қўшган улкан ҳиссаси учун давлатимизнинг юксак мукофоти – «Дўстлик» ордени билан тақдирланди. Акасининг ютуқларидан руҳланган Насибулло ва Фазлиддинлар ҳам бугунги кунда Қуролли Кучларимиз сафларида шартнома бўйича хизмат қилишиб, ҳарбий сулолани давом эттиришмоқда. Фарзандларининг эл-юрт корига камарбаста, Ватанга садоқатли посбон бўлганликларини кўрган ота-оналарининг ҳам қувончи чексиз. Ишончимиз комилки, сержант Мурожиддин Ҳамроқулов сарҳадларимиз дахлсизлиги, халқимиз осудалиги йўлида муносиб хизмат қилиб, билдирилган юксак ишончни доим оқлайди.

ВАФОДОР ВА СЕЗГИР

Итнинг инсонга вафодорлиги, сезгирлиги, чидамлилиги ҳақида кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Буюк мутафаккир Бурҳониддин Рабғузийнинг «Қиссаи Рабғузий» асарида маълумот берилишича, Одам ато замонидаёқ қўлга ўргатилган ит ҳали-ҳамон инсонларга хизмат қилиб келади.

Бугун турли хизматларда ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари фаолиятларида итлардан самарали фойдаланиш йўлга қўйилганини яхши биламиз. Бу борадаЧегара қўшинлари хизмат ҳайвонлари парваришхонасида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

– Қисмимизда хизмат итларини парваришлаш ҳамда тегишли вазифага ўргатиб бориш бўйича барча шарт-шароит бор, – дейди офицер Л. Душабоев. – Жонивор белгиланган миқдор бўйича овқатлантирилади, ўз вақтида тиббий кўрикдан ўтказиб турилади. Уларга мослаб катакчалар қурилган, чўмилтириш учун хоналар барпо этилган. Қисмимизда итлар учун шифохона ва дорихона ҳам бор. Шифохонада рентген хонасидан тортиб алоҳида муолажа хоналаригача мавжуд. Шу кунгача Шарқий Европа, Марказий Осиё овчаркалари ва бошқа зотли хизмат итлари кўпайтирилиб, ўргатиб келинмоқда.

Посбонларга хизмат итлари билан ишлашда қулайликлар яратиш мақсадида Чегара қўшинларида мазкур соҳа мутахассисларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари фаолияти йўлга қўйилган. Курсантлар учун махсус қўлланма мавжуд. Бу каби имкониятлардан фойдаланиш чегарачиларга вазифани қулай ва сифатли бажаришда жуда қўл келмоқда.

От – йигитнинг йўлдоши

ЧАВАНДОЗЛАР КЎПДИР БУ ЭЛДА

Айтишларича, от ярим кечасигача эгасига, ярим тундан сўнг эса ўзига ризқ тилармиш. Бу ҳол тилсиз жониворнинг инсонга вафодорлигидан, меҳрибонлигидан далолат беради.



Халқимизда, от – йигитнинг йўлдоши, деган ҳикматли гап бор. Бу бежиз эмас. Чунки узоқ сафарларга чиққанда кишиларнинг оғирини енгил, узоғини яқин қиладиган бу жонзод гоҳида биз сеза олмаган хавф-хатарларни ҳам пайқаши, тунда ёки ноқулай об-ҳаво шароитларида адашмай тўғри йўлни топа олиши билан ҳам ушбу эътирофга сазовор бўлган.

Бугун ҳам транспорт воситалари ҳаракатлана олмайдиган ёлғизоёқ йўллар ва тоғ-тошлардан юришга зарурат туғилганда отлардан фойдаланамиз. Айниқса, сарҳадларимиз дахлсизлиги ва ҳудудий яхлитлигимизни ҳимоя қилиш йўлида хизмат қилаётган Чегара қўшинлари сафларидаги посбонларимиз фаолиятида инсоннинг бу яқин «дўсти» ҳамиша ҳозиру нозир. Учқур арғумоқлар посбонларга гўёки, қанот вазифасини ўтамоқда. Шу боис чегарачиларимизни зотдор отлар билан таъминлашга бугун алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Посбонларнинг маҳоратларини ошириш ва уларни отлардан тўғри фойдаланишга ўргатиш мақсадида Чегара қўшинлари қўмондонлиги томонидан ҳарбий қисмларда чавандозлар тайёрлаш курслари ҳам очилган. Яқинда хизмат сафари билан шундай қисмлардан бирида бўлиб, уларнинг фаолиятлари билан яқиндан танишдик.

Мазкур курсларда шартнома бўйича ҳарбий хизматчилар отларни парваришлаш, хизматга ўргатиш, шунингдек, жониворлардан фойдаланишдаги хавфсизлик қоидалари, уларда учрайдиган айрим касалликлар ва уларни бартараф этиш йўллари ҳақида атрофлича билим олишаяпти. Отларни яхши парваришлаш учун ҳам барча шароитлар бор. Янги туғилган тойчоқлар қулунлигиданоқ қўлга ўргатиб борилади. Қизиғи шундаки, ҳар бир жониворнинг ўз лақаби бор.

– Ҳарбий қисмда наслдор отлар ва ёш тойчоқлар талайгина, – дейди масъул офицер А. Толипов. – Курсни битирганларга махсус сертификат берилиб, отлиқ секцияларга хизматга жўнатилади. Хизмат отларини ҳар томонлама чидамли, тоғли чегара ҳудудларида бемалол ҳаракатлана олишга кўниктириш учун мунтазам ўқув машғулотлари олиб борамиз. Ҳар қандай об-ҳавога чидамли зотли отларни кўпайтириш, кундалик хизмат шароитларига ўргатиш бўйича муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Отларни парваришлаш жараёнида улардан меҳр ва эътиборни аямаслик лозим. От ўзига нисбатан эътиборсизликни сезса, ёввойилашиб қолади. Натижада тепадиган, тишлайдиган одат чиқариши мумкин.

Ҳа, от доим инсонга «дўст» бўлиб келган. Кучли, чаққон ва вафодор «тўрт оёқли дўст»ларимизни қанчалик яхши парвариш қилсак, улар ҳам бизга шунчалик беминнат хизмат қилаверади.

Саҳифа МХХ Чегара қўшинлари матбуот маркази билан ҳамкорликда тайёрланди.

АСКАР УЙИГА ҚАЙТДИ

Армия в моей судьбе

«Я БУДУ ОФИЦЕРОМ, МАМА!»

Такое заявление по приезде домой, в родной Термез, сделал матери рядовой резерва Обиджон Одилов. Конечно, сначала материнское сердце слегка защемило от обиды. Мол едва дождалась сына из армии, а он снова обещает разлуку. Но потом ее захлестнула волна гордости и нежности: да, быстро же ее Обиджон стал мужчиной! Ведь посвятить всего себя делу защиты Родины – это удел настоящих мужчин.

– Хотя и в школьные годы мой мальчик не был совсем уж домашним и тепличным, – улыбается своим мыслям мама, начиная наш разговор при встрече в доме солдата. – Даже мог вступить в потасовку, заступаясь за слабых. Но учителя в школе на него не жаловались: с успеваемостью и дисциплиной у сына все было в порядке.

В Термезском колледже бытовых услуг Обиджон успел овладеть профессией кинолога. Любовь к четвероногому другу могла стать смыслом его жизни. Однако срочная служба в армии изменила его жизненные планы. И теперь Обиджон Одилов готовится поступать в Ташкентское высшее общевойсковое командное училище (ТВОКУ).

– Для меня примером образцового служения Отчизне останется мой командир батальона, – говорит Обиджон. – А он окончил ТВОКУ. Вот и я решил туда поступать. Еще я очень благодарен за уроки воинского мастерства младшему сержанту Алижону Калтаеву, который показал мне, каким на самом деле бывает военный профессионал.

Свою мечту об офицерских погонах солдат серьезно подкрепил отличной службой, красноречивой оценкой которой стала Рекомендация на право льготного поступления в вузы страны. Ведь дают ее только тем солдатам, кто не только служил отлично, но и сдал успешно тесты.

Готов помочь солдату успешно подготовиться к будущим экзаменам и представитель Управления по делам обороны Сурхандарьинской области капитан Жумавой Бекмирзаев, приехавший с нами навестить парня.

– Я же сам ТВОКУ окончил, – говорит офицер. – Выбор Обиджона вполне одобряю и поддерживаю. Уверен, что после срочной солдатской службы ему будет гораздо легче туда поступать.

Поинтересовались у офицера тем, как проходят юноши после армии трудоустройство в народном хозяйстве.

– Этот вопрос находится под каждодневным контролем и нашего Управления, и органов исполнительной власти на местах, – рассказывает капитан Ж. Бекмирзаев. – Руководители предприятий и учреждений различных форм собственности с большой охотой берут на работу уволенных в резерв солдат. Ведь они являются образцом в дисциплине, трудолюбии и находчивости. Все эти важные качества армейская служба и помогает укрепить.

Например, в кишлаке Ободон Музрабадского района преподает английский язык в школе рядовой резерва Журабек Азизов. Конечно, познания в иностранном языке парень получил за годы учебы в Термезском университете, но такие важные качества, как исполнительность, аккуратность, умение найти общий язык, сформировались за время службы.

Вот и в кишлаке Бешкутан рядовой резерва Шухрат Худайкулов стал самым достойным кандидатом на должность преподавателя начальной допризывной подготовки. Благо, опыт срочной службы у парня имеется. Значит, сможет лучше всех донести до старшеклассников свое представление о наших Вооруженных Силах.

Вот так молодое поколение жителей Узбекистана после срочной службы уверенно находит свое место в новой для себя гражданской жизни. Ну а кто решил связать себя с армией на всю жизнь – готовятся поступать в училища или Школы подготовки сержантов военных округов. Впрочем, не суть важно, кем будут они. Главное – после срочной службы эти парни обрели прочный духовный и нравственный стержень, который будет вести их через все испытания.

Майор Шопулат ТУРДИЕВ.
Фото **автора.**

ЭР ЙИГИТ МАҚСАДГА ИНТИЛАР

Иқтидорли, қобилиятли фарзандлар, эртамизнинг ҳақиқий эгалари билан ҳар қанча фахрланса арзийди. Илм-фан, техника, спорт ва бошқа соҳаларда мамлакатимиз довруғини оламга тарқатаётган бугунги авлодга рости, ҳавасимиз келади. Қаҳрамонимиз Акмал Бўриев ҳам ана шундайлардан бири.

Акмал оилада тўрт фарзандниг тўнғичи. Хонадон соҳиб ва соҳибаси Адҳам ака ҳамда Маъмура опалар фарзандларидан мамнун. Боиси, акаларидан ўрнак олиб келаётган ука ва сингиллар ўзларининг одоби, билими орқали маҳалла-кўй, қўни-қўшнилар орасида хонадон обрўсига-обрў қўшиб келмоқда.

Мактабда ўқиб юрган кезлариданоқ таҳсил билан бир қаторда Акмал ҳунар ўрганишга, спортга меҳр қўйди. «Йигит кишига етмиш ҳунар ҳам оз», деган нақлни ҳаётий шиорига айлантирган ўғлон болалигидан ота-онасининг яқин кўмакчиси. Қўли гул бу йигитни маҳалладагилар ҳам ҳурмат билан тилга оладилар, фарзандларига ўрнак қилиб кўрсатадилар.

– Акмални болалигидан яхши биламан, – дейди маҳалла фаолларидан бири Тоҳир Ниёзметов. – Жуда тиришқоқ, меҳнатсевар йигит. Уни ҳеч қачон вақтини беҳудага совуриб юрганини кўрмаганман. Оилада тўнғич фарзанд бўлгани сабаб укасига, сингилларига ибрат бўлишга, ота-онасининг ишончини оқлашга интилиб келади.

Тошкент банк ҳисоб кредит касб-ҳунар коллежида ўқишни аъло баҳоларга тугатган қаҳрамонимиз отаси билан маслаҳатлашиб, армияга – Ватан олдидаги бурчини ўташга йўл олди.

– Армияда кўп нарсани ўргандим, – дейди қаҳрамонимиз. – Ҳаёт ҳақидаги қарашларим хизмат мобайнида анча кенгайди, шаклланди.

– Дарҳақиқат, у армияда ҳар томонлама тобланди, чиниқди. Мактабда, касб-ҳунар коллежида яхши ўқигани боис жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарликларда илғорликни қўлдан бермади. Ҳарб илмига юракдан меҳр қўйгани сабаб командирлари эътиборини қозонди. Унинг соҳа сирларини ўзлаштириши, профессионал армиямизга муносиб посбон бўлишида офицерлар Хушнуд Деҳқонов, Дилмурод Аслиддинов, кичик сержантлар Элмурод Суюнов, Шерзод Нурмуродовларнинг ёрдами катта бўлди.

– Акмал қатъиятли, билимли, иродаси мустаҳкам аскарларимиздан эди, – дейди офицер Х. Деҳқонов. – Масъулиятни ҳис эта билиши, зиммасидаги вазифага сидқидилдан ёндашиши, Умумҳарбий низомларга қатъий риоя қилиши, машғулотларда фаоллиги билан сафдошларига намуна бўлиб келган.

Муддатли ҳарбий хизмат давомида бир неча бор қисм қўмондонлигининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланган, «Ижтимоий-сиёсий тайёргарлик аълочиси» кўкрак нишонига сазовор бўлган посбон армияда кўплаб дўстлар орттирди. Алишер Абдураҳмонов, Олим Ражабов, Акром Ҳамидов, Тоҳир Талбабаев, Шоҳаббос Шодмоновлар шулар жумласидан.

Дарвоқе, Акмал хизмат мобайнидаги намунали хулқи, фаоллиги, сафдошларига ҳар томонлама ўрнак бўла олганлиги боис ҳарбий қисм қўмондонлигининг тавсияномасини ҳам қўлга киритган. Тиниб-тинчимас йигитнинг улкан орзуларидан бири – Тошкент молия институтига ўқишга кириш. У ҳозирда тест синовларига жиддий тайёргарлик кўрмоқда.

Интилганга толе ёр. Акмал сингари аҳдига содиқ йигитлар кўзлаган орзуларига етишишига ишончимиз комил.

Жамшид НИЁЗОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

Қарор ва ижро

РЕЗЕРВГА БЎШАТИЛГАНЛАРГА ЭЪТИБОР

Бугунги кунда ёшларимизга яратилаётган имкониятлар кишини қувонтиради. Айниқса, уларнинг орзу-ўйлари, режалари билан қизиқиш, иқтидорига муносиб баҳо бериш ва уларни мамлакат равнақи йўлидаги эзгу ишларга йўналтиришга қаратилган кенг кўламли тадбирларни алоҳида таъкидлаш жоиз. Муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, резервга бўшатилган йигитларни бўш иш ўринларига жойлаштириш ёки муайян касбга қайта тайёрлаш кабилар ҳам шулар жумласидан. Бу борада жойлардаги Бандликка кўмаклашувчи марказларнинг ёрдами катта бўлмоқда.

Бектемир тумани Бандликка кўмаклашувчи марказ фаолияти мисолида бу борада кенг қамровли тадбирлар амалга оширилаётганига гувоҳ бўлдик.

– Ёшларнинг, хусусан, армиядан қайтган йигитларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида қатор ишлар амалга оширилмоқда, – дейди марказ директори Алишер Дадаев. – Тошкент шаҳри миқёсида ташкил этилган бўш иш ўринлари кўргазмасида туманимизда истиқомат қилувчи муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитлар ҳам иштирок этиб, тегишли касб ва малакага эга бўлганлар корхона ва ташкилотлар, хусусий фирмалар, аҳолига хизмат кўрсатиш шохобчаларидан ишга йўлланма олишди. 2009 йил май ҳолатига кўра, жорий йилда туманимизда истиқомат қилувчи муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайттанлардан 15 нафари иш билан таъминланган. Шулардан, 7 нафари давлат корхоналарига ишга жалб этилган бўлса, яна 6 нафари хусусий фирма ва ташкилотларда фаолият кўрсатаётир. Армиядан тавсияномага эга бўлиб қайттанлар олий ўқув юртига ўқишга кириш учун тест синовларига пухта ҳозирлик кўраётган бўлишса, қолганлар ўз имкониятларидан келиб чиқиб, вақтинчалик иш билан банд. Муайян иш билан таъминланмаганлар бандликка кўмаклашувчи марказ орқали қайта касбга тайёрлаш курсларига ўқишга юборилган.

– Армиядан қайтгач, туманимиздаги Бандликка кўмаклашувчи марказга иш сўраб мурожаат қилдим, – дейди Рустам Содиқов. – Аниқ мутахассисликка эга бўлмаганим учун мени қайта касбга тайёрлаш ўқув курсларига юборишди. У ерда танлаган соҳам бўйича ўқиб-ўрганмоқдаман. Шу билан бир қаторда ишлаб чиқариш корхоналарида малакамни оширмоқдаман. Тез орада тайёрлов курсини битириб, мустақил фаолият бошлайман.

– «Қуювмеханикказаводи» шўъба корхонасига ишга жойлашдим, – дейди муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, резервга бўшатилган Алишер Илёхонов. – Бунда туманимиздаги Бандликка кўмаклашувчи марказнинг ёрдами катта бўлди. Тегишли мутахассисликка эга бўлганим учун, қолаверса, ҳаёт мактабининг сабоғини олганим туфайли менга юксак ишонч билдиришди ва йиғувчи чилангар сифатида ишга қабул қилишди.

– Ҳукуматимизнинг ёшларга кўрсатаётган ғамхўрлиги, эътиборини алоҳида таъкидлаш лозим, – дейди Бандликка кўмаклашувчи марказ ходими Азиз Сайдалиев. – Хусусан, муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, резервга бўшатилган йигитларнинг ўқиши, иш билан таъминланиши, муайян касб-ҳунарга эга бўлиши, жамиятда ўз ўрнини топишига улкан эътибор қаратиб келинаяпти. Буларнинг барчаси келажагимиз давомчилари қалбида Ватанга садоқат, аждодлар анъаналарига ҳурмат ҳиссини уйғотиши, уларнинг юрт корига камарбаста фарзандлар бўлиб улғайишларига хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, марказ бўш иш ўринларига талабгорларнинг ва муайян иш билан банд бўлганларнинг турмуш тарзи тўғрисида, кейинги фаолияти хусусида етарли маълумотларга эга бўлиш мақсадида маҳалла фуқаролар йиғинлари, оқсоқоллар, ички ишлар бўлимлари билан доимий алоқани йўлга қўйган.

Жамшид СОБИРҚУЛОВ.

ОИЛА ГУЛШАНИ

БАХТГА ЭЛТАР ҲАЁТ ЙЎЛЛАРИ

Фарғона вилояти, Бувайда тумани, Қўнғирот қишлоғида пиру бадавлат хонадонлар кўп. Лекин улар орасида Ҳайдарали Турсуновнинг хонадони алоҳида ҳурмат билан тилга олинади. Чунки ушбу хонадонда улғайиб вояга етган фарзандларга бугун кўпчиликнинг ҳаваси келади.

Оиланинг яккаю ягона ўғли Зоиржон ҳарбийликдек шарафли касбга меҳр қўйди. Шу боис ҳам мактабни аъло баҳоларга якунлагач, ҳарбий билим юртига ўқишга киришга қарор қилди. Бу қарорини ота-онасига айтганда улар ҳам Зоиржоннинг мақсадини қўллаб-қувватладилар. Тинимсиз тайёргарлик, ўқиш, ва ўрганиш ниҳоят, ўз мевасини берди. Зоиржон ўзи орзу қилган Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртига ўқишга кирди. Мақсад сари қўйилган илк қадам муваффақиятли бўлди. Таҳсил давомида у ўзининг тиришқоқлиги, изланувчанлиги билан тезда устозлари назарига тушди. Бўлғуси офицер бу даргоҳда тажрибали устозлардан ҳарб илмини мукаммал ўрганиб, ўз касбининг устаси бўлиб етишди.

Ёш офицер Зоир Турсунов илк хизмат фаолиятини мотоўқчилар қисмида бошлади. Тўғри, эндигина билим юртини битирган офицернинг ҳарбий қисмда ўз ўрнини топиши осон кечмайди. Ана шундай бир пайтда унга қисм қўмондонлиги яқиндан ёрдам берди. Уларнинг беминнат маслаҳат ва ўгитлари интилувчан йигитга катта мадад бўлди.

Ҳайдарали ака ва Хадича опалар фарзандларининг муваффақиятидан хурсанд эдилар. Энди уларнинг олдида Зоиржонга муносиб умр йўлдош топишдек масъулиятли вазифа турарди. Шу боисдан ҳам келин излаш тараддудига тушиб кетишди. Халқимизда азал-азалдан ота-она ўғлини уйлантирмоқчи бўлса, келинликка энг аввало маҳаллада ҳар томонлама ўрнак бўладиган намунали оиланинг қизларини суриштиришади. Қиз узатишаётганда ҳам шундай йўл тутишади. Чунки намунали оиланинг фарзандлари ҳам тарбияли, қобил ва одоб-ахлоқли бўлишади. Ҳайдарали ака ва Хадича опа ҳам шундай йўл тутишди. Излаб-излаб кўнгилдагидек келинни Бағдод туманидаги Қуйқа қишлоғидан топишди. Исми Арофатхон. Эсли-ҳушли бу қизни маҳалладошлари ҳам роса мақташди. Марғилондаги тижорат коллежини тамомлаган экан. Қўлида гулдай ҳунари бор. Арофатхон биринчи учрашувдаёқ Зоиржонга ҳам маъқул келди. Бўлғуси қуда тараф куёв бўлмишни обдон суриштирди ва кўнгилларига маъқул келгач, тўйга рози бўлишди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмасдан икки ёшнинг тўйи ҳам бўлиб ўтди. Тўйдан бир ҳафтадан кейин ёш келин-куёвлар Зоиржоннинг хизмат жойига ошиқишди...

Бугунги кунда Ватан тинчлигини сақлаш йўлида офицер Зоиржон Турсунов сидқидилдан хизмат қилмоқда. Арофатхон эса унга кўмакчи, суюкли фарзандлари Элбекжон ва Зарнигорхонларнинг тарбияси билан банд.

Ушбу ёш оилани шаҳарчада кўпчилик ҳурмат билан тилга олишади. Тўғри, ҳурматга муносиб оила бўлиш учун аввало эр-хотин ўртасида меҳр ва ҳурмат туйғуси барқарор бўлиши лозим. Ана шунда ҳеч қандай тушунмовчилигу уруш-жанжаллар содир бўлмайди. Аксинча, осудалик ва хотиржамлик ҳукм суради, бу маконда. Зоиржон ва Арофатхон ҳам мана шу ақидага амал қилиб турмуш кечиришаяпти. Тўғри, ҳарбийнинг аёли бўлишнинг ўзига яраша қийинчиликлари бўлади. Оила бошлиғи хизмат юзасидан ҳамма вақт ҳам уйда бўлавермайди. Ана шундай пайтда ҳарбий оила бекасининг зиммасига катта масъулият юкланади.

– Ҳаётимни мана шундай инсон билан боғлаганимдан жуда хурсандман, – дейди Арофатхон биз билан суҳбатда. – Фақат ҳарбийнинг эмас, балки ҳар қандай оилада ҳам ўзига яраша турмуш ташвишлари бўлади. Бундай пайтда ўзингиздаги ирода ва сабрга таянсангиз ҳаммаси ортда қолади.

Оила истиқболи шубҳасизки, фарзандлар билан тўкин. Айниқса, ўзбек хонадонини фарзандсиз тасаввур этиш қийин. Зеро, фарзанд кўзнинг қароғи деб бежиз айтишмайди. Қуёш уфққа бош қўйиб, аста-секин атрофни қоронғулик эгаллаб, барча хонадонларда бирин-кетин электр чироқлари ёнган бир пайтда оиласи бағрига қайтган Зоиржон эшикдан кириб келар экан, энг аввало Элбекжон ва Зарнигорхонни бағрига босади. Фарзандларининг беғубор кулгуси, шўх қилиқларидан кўнгли тоғдек кўтарилади. Сўнг эса барчаси дастурхон атрофига йиғилишиб кечки овқатни тановвул қилишади...

Кун давомида машғулотлар, шахсий таркиб билан ишлаш каби масъулиятли вазифалардан толиққан офицер Зоиржон Турсунов қадрдон оиласига келаркан, барча чарчоқларни бирпасда унутади. Янги кунда эса яна янги куч, ғайрат билан хизмат жойига ошиқади. Ахир уни бу ерда яна масъулиятли вазифалар кутиб турибди. Хизмат жойига келиши биланоқ у машғулотларга шўнғиб кетади. Аслида, офицернинг хизматда янги-янги ютуқларни қўлга киритишида оиласининг ҳам ҳиссаси салмоқли. Буни юзларидан қувонч ва бахт сурури ёғилиб турган Зоиржоннинг хизмат фаолиятида ҳам кузатиш мумкин.

Гулнора ТУРСУНБОЕВА.
Аҳрор ОЧИЛОВ суратга олган.

ХОТИРА – АЗИЗ, ҚАДР – МУҚАДДАС

Хотира – юксак инсоний туйғу. Ватан озодлиги, миллий тараққиётимиз йўлида жонини фидо қилган инсонларни ёдга олиш, улар хотирасига ҳурмат бажо келтириш, бугун биз билан ёнма-ён яшаётган, панд-насиҳатлари, ўгитлари билан қўллаб-қувватлаётган иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини, меҳнат фахрийларини қадрлаш, уларга ҳар томонлама иззат-икром кўрсатиш – ҳаммамизнинг бурчимиз. Аслида хотира, қадрлашдек эзгу амаллар халқимизга хос фазилат. Фарзандларини ҳам ана шундай амалларга одатлантирган элдан ҳеч қачон меҳр-оқибат кўтарилмайди. Зеро, катта ҳаёт тажрибасига эга, ҳаётнинг не-не синовларини сабр, бардош билан енга олган кексалар ҳаммамиз учун қадрдон. Ҳаёт шу нуронийлар билан гўзал. Уларнинг тажрибаси, пурҳикмат сўзлари эса ёш авлодга маънавий комилликка етиш йўлини кўрсатади. Ҳа, эрк ва озодлик йўлида қурбон бўлганлар хотираси ёдимизда, чеҳрасидан нур ёғилиб турган азиз ва мўътабар инсонлар эса эъзозимизда. Шу боисдан ҳам юртимизда 9 май – Хотира ва қадрлаш куни ҳар йили умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланади.

Ушбу байрамни муносиб кутиб олиш мақсадида Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси томонидан шаҳримизнинг барча туман ва даҳаларида шу ёруғ кунлар учун жон фидо этганлар ёдга олиниб, уруш ва меҳнат фахрийлари билан учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Кам таъминланган оилалар ва ёлғиз қариялар ҳолидан хабар олинмоқда, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилмоқда.

– Ўтганлар руҳини ёд этиш, қариялар ҳолидан хабар олиб, уларнинг кўнглини олишга ҳар биримиз бурчлимиз, – дейди биз билан суҳбатда мудофаа ишлари бошқармаси масъул ходими подполковник Дониёр Бегалиев. – Чунки ўтганлар хотираси биз учун азиз ва муқаддас. Улар халқимиз дилида абадий сақланиб қолади. Уларнинг ёрқин хотиралари келгуси авлодлар учун ибрат бўлиб, фарзандларимизни Ватан олдидаги бурчларини англашларига, уларнинг қалбида мардлик ва фидойилик каби туйғулар шаклланишига хизмат қилади. Шу боисдан ҳам бошқармамиз томонидан ушбу кунни тантанали ўтказиш мақсадида режа ишлаб чиқилди. Унга кўра, байрам муносабати билан иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига қимматбаҳо совғалар, пул мукофотлари берилди. Шаҳримизнинг ҳар бир туманида фахрийлар учун концерт дастурлари намойиш этилди, байрам дастурхони ёзилди.

Хотира ва қадрлаш хайру саховат тушунчалари билан ўзаро уйғундир. Шу туфайли ўтганларни хотирлаш, яхшилар ёди билан яшаш, буюк аждодларимиз руҳини шод этишдек савобли амал бўлмаса керак. Ўзингиз гувоҳ бўлганингиздек, ҳарбийларимиз мана шундай эзгу ишларга бош-қош бўлиб, қутлуғ санани катта тайёргарлик билан ўтказишмоқда.

Лола ҲОЖИМУРОДОВА.

МАТБУОТ

ҲАР СЎЗИДА САМИМИЯТ МУЖАССАМ

Ижодда инсоннинг мавқеи ёшига ёки юриш-туришига эмас, балки меҳнатига қараб белгиланади. Агар қўлида қалами бор ижодкор ўз меҳнати орқали қадр, эъзоз топса, бу унинг энг катта ютуғидир. Ҳамкасбимиз Инобат Ибрагимова ҳам ана шундай ютуққа эришди. Яъни журналистика соҳасида «Олтин қалам» IV Миллий мукофоти учун ўтказилган халқаро танловда «Ҳарбий ватанпарварлик мавзуидаги энг яхши материал учун» номинацияси бўйича ғолибликни қўлга киритди.

Ҳа, журналист учун унинг меҳнатига берилган баҳонинг завқи ўзгача. Ёзғанларинг матбуотда чоп этилгани бошқа-ю, уларга берилган юксак эътироф бошқа. Бундай эътирофдан кўнглинг осмон қадар юксалади. Чунки мақола ижодкорнинг қалбидан тўкилади, юрагидаги дарду қувончлардан пайдо бўлади. Шу боисдан ҳам уларни қалам аҳлининг фарзандига қиёслашади. Аслида тунларни тонгга улаб, қоғоз, қалам билан сирдош бўлиш осон иш эмас. Гоҳида жумлалар қуйилиб келади, гоҳида эса бир сўз илинжида тонгни бедор кутиб оласан. Аммо ёзишинг керак, сўз айтишинг лозим. Айтганда ҳам, юракларда акс-садо берадиган қилиб қоғозга туширишинг даркор. Журналистика ана шундай бедорликни талаб этади. Журналист бошқалар эътибор бермайдиган нарсаларни кўриши керак. Ўқувчи унинг ҳар бир сўзи, ҳар жумласидан маъно англасин, даъватларига қўшилсин. Албатта, бу даражага эришиш осонликча кечмайди. Бунинг учун катта ҳаётнинг улкан қозонида йиллаб «қайнаш», тобланиш зарур. Шундагина қалам чархланади, фикр теранлашади. Ёзиш, қоғоз қоралаш эҳтимол кимларнингдир наздида осон юмушдек туюлар, аммо ёзганда ҳам юракка етиб борадиган, таъсирчан ва тушунарли қилиб ёзишнинг ўзига хос машаққатлари бор. Бунинг учун истеъдод билан бирга журналистик маҳорат ҳам талаб этилади. Яна унинг олдида сўз масъулиятини ҳис қилишдек улкан вазифа ҳам бор. «Ватанпарвар» газетасининг маҳоратли журналистларидан бири Инобат Ибрагимова бу синовлардан аллақачон муваффақият билан ўтганлардан. Газетамизнинг ҳар сонида унинг салмоқли ижод намуналари чоп этилади. Унинг Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган ислоҳотлар, ўзгаришлар билан бир қаторда ҳарбийларнинг машаққатли хизмат фаолиятини акс эттирувчи туркум мақола, очерк ва лавҳалари муштарийларимизга жуда яхши таниш. Айниқса, ижодкорнинг «Юлдуз кўрсин фарзандларингиз», «Осон эмас бу майдон ичра турмоқ», «Она орзусила бошланган йўллар», «Сен ҳамиша музаффар бўл!», «Эътибор ва ғамхўрликнинг амалий ифодаси», «Элингга муносиб бўл ўғлон», «Полвонларинг суянчингдир она юрт» каби туркум мақола ва очерклари газетхонлар қалбидан жой олиб улгурган.

Қолаверса, муаллифнинг «Турмуш чорраҳаси» рукни орқали берилаётган ҳикоялари ўзининг бадиий-публицистик жиҳатдан мукаммаллиги билан ажралиб туради. Ижодкор қандай мавзуга қўл урмасин, ҳар гал ёзганлари орқали бирор янгилик олиб киришга интилади.

Ижод аҳлига маълум, журналистикада оддий, самимий қилиб ёзишдан қийини йўқ. Айниқса, янги мавзуда янги гап айтиш, уни нозиклик ва вазминлик билан ўртага ташлаш игна билан қудуқ қазишдек мураккаб вазифа. Инобат Ибрагимованинг бу борадаги ютуғи ҳам шунда.

Фурсатдан фойдаланиб, ҳамкасбимизни юксак мукофот билан чин дилдан қутлаймиз. Унга ижодий баркамоллик тилаб қоламиз. «Олтин қалам» муборак бўлсин, «Ватанпарвар»нинг фидойи журналисти!

Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА.

НОВЫЕ ЛАУРЕАТЫ «ЗОЛОТОГО ПЕРА»

В оперативном, беспристрастном и точном отражении происходящих событий, в осуществляемых в стране реформах, повышении духовности народа, формировании активной гражданской позиции, утверждении в обществе демократических ценностей велика роль средств массовой информации. По инициативе Президента Ислама Каримова большое внимание уделяется поддержке тружеников пера, созданию необходимых условий для их плодотворной деятельности.

Это нашло свое подтверждение в состоявшейся во Дворце «Туркистон» торжественной церемонии награждения победителей международного конкурса IV Национальной премии «Олтин калам» («Золотое перо»). В мероприятии приняли участие представители министерств и ведомств, общественных организаций, работники средств массовой информации, профессора и преподаватели высших учебных заведений, студенческая молодежь.

Председатель организационного комитета Национальной премии «Олтин калам», председатель Творческого союза журналистов Узбекистана Ш. Гуломов отметил, что по инициативе Президента Ислама Каримова проводится огромная работа по дальнейшему развитию национальной печати, обеспечению усиления ее роли в процессах обновления и осуществления реформ, созданию условий для их деятельности на уровне мировых стандартов, подготовке и переподготовке журналистов, повышению их квалификации и мастерства.

Такие внимание и забота обязывают журналистов быть достойными оказанного доверия, усиливают их ответственность. Они стремятся глубоко усваивать лучший опыт мировой журналистики, жить заботами народа, шагать в ногу со временем, выступать защитниками национальных интересов.

Проводимый в четвертый раз международный конкурс Национальной премии «Олтин калам» служит выявлению инициативных, находящихся в поиске, самоотверженных мастеров пера, всесторонней их поддержке и стимулированию. Вместе с тем он способствует популяризации достижений национальной и международной журналистики, созданию условий для проявления журналистами своей активной гражданской позиции. На творческий конкурс поступило свыше пяти тысяч работ почти от четырехсот журналистов, что свидетельствует о росте его авторитета и статуса. Отличительная черта конкурса нынешнего года заключается в том, что учреждены новые номинации – «За лучший материал, посвященный Году развития и благоустройства села» и «Лучшая пресс-служба».

Обладателю главной Национальной премии в области журналистики – творческой группе главной редакции общественно-политических и социально-экономических программ телерадиоканала «Узбекистон» Национальной телерадиокомпании Узбекистана – руководитель группы Мамадамин Сафаров – вручены специальный диплом и денежная премия в размере 200 минимальных окладов.

Призерам конкурса по направлениям телевидение, радио, периодическое издание и интернет-журналистика, а также лауреатам поощрительных призов вручены денежные премии.

На мероприятии была представлена большая концертная программа с участием мастеров искусств и молодых исполнителей.

На торжественной церемонии выступил заместитель Премьер-министра Республики Узбекистан А. Арипов.

Назокат УСМАНОВА,
корр.УзА.

ТУРМУШ ЧОРРАҲАСИ

ФАРЗАНДЛИК БУРЧИ



Бугун Низомжоннинг никоҳ тўйи. Қариндош-уруғ, маҳалла аҳли билан хонадон гавжум. Бироқ бу даврада унинг онаизори – Назира ая йўқ.

Комил ака билан Назира опа ўн икки фарзанд кўришди. Фақат Низомжонгина ота-онага насиб этди. Гўдаклик чоғиданоқ тупроққа қўйилган ҳар бир ўғил-қиз она юрагини ғамдан эритиб борди. Унинг қирқ ёшидан кейин кўрган кенжа ўғлигина жонига дармон бўлди. Ҳаётига рўшнолик, хонадонига нур олиб келди. Аммо у йигит ёшига етар-етмас Назира опа бедаво дардга чалинди-ю, ўғлига термулган кўйи жон берди.

Мана, бугун ер кўкка ишонмай катта қилган, тилидан қўймаган «ёлғизгина»си уйланаяпти. Унинг деворда осиғлиқ турган суратдаги маъюс чеҳраси гўё бугун ёришгандек. Тўй даврасидаги тенгқур дугоналари Назира опа ҳақида илиқ фикрлар билдиришар, у билан кечган хотираларини ўзаро ўртоқлашишарди. Тўй олдидан онасининг қабрини зиёрат қилишни ният қилган Низомжон никоҳ тараддуди билан овора бўлиб, унинг зиёратига бора олмади. Тўйдан кейин эса бу мақсади бутунлай ёдидан кўтарилди... Ҳовлида елиб-югуриб хизмат қилиб юрган Рушона ўз бахтидан мамнун. Ахир кўнгил қўйган инсонига турмушга чиқди. Шу кунларга етказганига шукроналик келтириб ўтирган Комил ака эса икки ёшни дуо қилиш билан овора. Лекин хонадонда онанинг ўрни билиниб туради. Айниқса, ёш келинчак учун рўзғор ишларида йўл-йўриқ кўрсатувчи, маслаҳат берувчи қайнона бўлганига нима етсин. «Қайнонали келин – қарқара келин», деб бежиз айтишмайди ахир. Шундай кунлардан бирида Рушона Низомжонга дилини очди:

– Эртага онажонимизнинг қабрини зиёрат қилиб келайлик.

Турмуш ўртоғининг бу гапидан Низомжон сергакланди. Бу таклифни аввало у айтиши лозимлигини ўйлаб, бир оз таъсирланди ҳам.

– Албатта, албатта, эртага борамиз. Бу ҳақда ўзим ҳам айтмоқчи бўлиб турган эдим, – рафиқасининг фикрини тасдиқлади йигит.

Хаёлида эса онасининг қабрига қачон борганлиги... Ҳарқалай охирги марта борганида қабр нурай бошлаганди. «Ҳозир онасининг қабри қай ҳолатда экан?» Низомжоннинг хаёлидан шу ўй кетмасди.

Эртасига куёв билан келинчак қишлоқ қабристони томон йўл олишди. Рушона ҳовлидаги гулу райҳонлардан даста қилиб олишни ҳам унутмади. Унинг кайфияти кўтаринки эди. Чунки хаёлан бўлса ҳам қайнона онасига айтадиган дил сўзлари бор. Ахир онаизорнинг Оллоҳдан минг бир илтижолар билан тилаб олган ўғлонига ҳамнафас бўлиш, узоқ йиллар заҳмат ила оёққа турғазган рўзғорига бекалик қилиш насиб этди унга.

Қабристонга қадам босган ҳар қандай инсонни ўзгача кайфият эгаллайди. Чунки бу гўшада ёшу қари, шоҳу гадо баробар. У ердаги сукунат эса сизга охиратдан сўзлайди. Беихтиёр ўткинчи дунёда сиз ҳам меҳмон эканлигингизни ҳис қиласиз. Инсоннинг жисму жони эмас, яхши амалларию яхши номигина элда қолишини сўзлайди, бу сирли гўша. Икки ёшни ҳам бу ҳис четлаб ўтмади. Улар қабристонга қай даражада шошиб боришган бўлса, у ерга кирган заҳоти шу даражада қадамлари секинлашди.

Низомжон онасининг қабрига кўзи тушган заҳоти юраги увишиб кетди. Чунки атрофдаги яхши эътибор қаратилган, гуллару кўм-кўк майсаларга бурканган қабрлар олдида Назира опанинг сўнгги манзилгоҳи ниҳоятда хароб, мунғайган ҳолатда эди. Рушона эри кўзида ёш билан тикилиб турган қаровсиз қабрга қараб қотиб қолди.

«Онасининг ёлғизи» қабр пойига аста тиз чўкди. Айни дамда унинг Қуръон тиловат қилаётганлигини ҳам, лаблари қалтираб йиғлаётганлигини ҳам англаб бўлмасди. Шунингдек, севимли рафиқасининг юзига қарашга ботинолмасди, у. Рушона қўлидаги гулларни қабр устига қўйди ва аста эрининг ёнига чўкди. У қайнонаси билан хаёлан суҳбатлашар экан, «қабрингизни албатта обод қиламиз, онажон», дейишни ҳам унутмади.

Келин-куёв бу ерга қандай меҳр билан интилишган бўлса, шундай кайфиятсиз ҳолда қайтишди. Иккиси ҳам ўз хаёллари билан банд. Рушона бу борада Низомжонга бериладиган бир оғиз танбеҳ ҳам қаттиқ таъсир қилиши, бунга ўзгача ёндашиш лозимлиги ҳақида ўйлаб бораётган бўлса, Низомжон кечагина сартарошхонадаги қабристон билан боғлиқ суҳбатни эсларди. Яъни маҳалладоши Собир ака отасининг чўкиб қолган қабрини тикламоқчи бўлиб турган экан, бир киши маслаҳат берибди: «Тўкилиб кетган қабрни тиклагандан кўра, бузиб, текислаб қўйганинг яхшироқ». У айнан шундай қилибди. Бироқ ўша куниёқ тушига отаси кирибди. У қўлида кетмон билан минг бир заҳмат ила тиклаган янги уйини бузаётган эмиш. Собиржон «Дада, нега ундай қилаяпсиз. Бу уйни «қўли юпқалиқ» билан жуда қийналиб солдим», деса, «Сен менинг уйимни бузиб, вайрон қилиб келдинг-ку, энди мен ҳам уйингни бузаман», дебди отаси важоҳат билан. Ноҳуш тушдан уйғониб кетган Собиржон анча пайт ўзига келолмай ўтирибди ва ўша куниёқ қишлоқнинг катталари олдига маслаҳатга борибди. Ҳа, ҳадислардаги «Қабристонларни тез-тез зиёрат қилинг, эътибор қаратинг. Улар сизлан кўра яхшироқ кўргувчи ва эшитгувчидирлар», деган сўзлар бежиз эмас экан.

Рафиқаси Низомжонга гарчи ўша куни ҳеч нарса демаган бўлса-да, бироқ унинг норизо қиёфасидан нима демоқчи бўлганлигини англаш қийин эмасди. Шу куни ўтирса ҳам, турса ҳам онаси кўз олдидан кетмади. Унинг тонг саҳарлаб эркалаб уйғотишлари, тансиқ неъматларни ўзи емай унга тутқазиши, мактабдан қайтишида йўлига кўз тикиб турган мунис чеҳраси, салгина касалликка чалинса ҳам ҳадиксираши, уни уйлантириш, набиралар кўриш ҳақидаги ширин орзулари – ҳамма-ҳаммаси кўз олдидан бирма-бир ўтди. Ҳаётидаги бирорта инсон онасичалик меҳрли бўла олмаслигини илк бора теран ҳис қилди.

Қабристондан қайтгандан сўнг камгап, хаёлчан бўлиб қолган эрининг кечинмаларини зийрак Рушона ҳис қилиб турарди.

Эртасига тонг саҳарлаб Низомжон кўчага отланди. Унинг мақсадини сўзсиз ҳам англаган Рушона орқасидан майин жилмайиб кузатиб қолди...

Зулфия ЮНУСОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.

КЎНГИЛ БИЛАН СУҲБАТ

... Эшик қўнғироғи чалинди. Ҳар галгидек табассум билан кириб келдингиз. Фуражкангизни бошимга кийдириб, олдингизга бирин-кетин югуриб чиққан ўғил-қизимизга: «Менинг тўполончиларим, аяжонингизни қийнамай, яхши ўтирибсизларми», – деб қизингиз Шаҳнозани эркалашга тушдингиз. Анвар эса сизни қизғониб, эътиборни ўзига қаратиш мақсадида «Дада, қаранг, бугун боғчада нимани чиздик», дея ўзи чизган расмни кўрсатиб, мақтана бошлади. Ширин энтикиш билан бу манзарани кузатиб турарканман, ташқарида сутчи хотиннинг «сут қатиқ» деган овозидан уйғониб кетдим. Шундай ажойиб тушни бузгани учун ундан хафа бўлдим.

Бугун дам олиш куни. Одатда, бундай кунлар биз учун байрамдек ўтар эди. Негадир шу кунларда тез-тез тушимга кираверсиз, нимадан безовтасиз ёки сизни ҳар куни йўқлаганимиз, сиз ҳақингизда ширин хотираларга берилганимиз, дийдорингизни соғинганимиздан озор чекаяпсизми?

Азизим, руҳингиз ором топсин. Хаёлан сиз билан суҳбатлашаман, ёнимда, қалбимда эканингизни ҳис қиламан. Сиз билан ўтказган қисқа, аммо бир умрга татигулик гўзал дамлар менга юпанч, ҳаётимга мазмун бўлади.

Ташқарида ёмғир севалаб ёғмоқда. Сиз ҳам баҳор фаслини, айниқса шундай ёмғир севалаб ёғаётган пайтда пиёда сайр қилишни ёқтирардингиз. Яна кексаларга хос вазминлик билан, ёмғир кўп ёғса ер тўяди, элда тўкинчилик бўлади, деб қўярдингиз. Сиз билан илк бора танишганимизда ҳам баҳор фасли эди. Ўшанда сиз менга лолақизғалдоқ ҳадя қилгандингиз. Эсингиздами, мактабда бирга ишлайдиган ҳамкасбим, яъни опангиз мени ёқтириб қолиб, келин қилиш ниятида сиз билан таништирган эди. Биз севишганлар каби қўл ушлашиб юрмадик, севги мактублари битмадик, аммо кўнглимиз бир-бирига талпинди. Кўзларимиз сўзлашди, ширин дийдордан юрагимиз ором топди. Катталарнинг дуолари ва бизнинг кўнгил ихтиёримиз билан тўй ҳам бўлиб ўтди. Ўшанда наҳотки тақдирим шу йигит билан боғланган бўлса, деб бахтдан сармаст бўлган эдим. Чунки сизнинг мулоҳазали сўзларингиз, ҳарбийларга хос салобатли қоматингиз, жиддий қиёфангиз, муҳаббатни меҳрга ўраб ҳадя қилишингиз мени ўзингизга асир этган эди. Тўйдан сўнг сиз хизмат қилаётган ҳарбий қисм биз яшаётган шаҳардан жуда узоқда жойлашгани учун мени ўзингиз билан олиб кетдингиз. Бегона шаҳарда ота-онам, яқинларимдан узоқда менинг энг яқин кишим, сирдошим, дўстим сиз бўлдингиз. Хизмат сафарларида, навбатчилик кунларингизда ёлғиз қолиб тунларни тонгларга улаган пайтларим муҳаббатингиз менга юпанч бўлди.

Ўғлимиз Анваржон туғилганда етгинчи осмонда парвоз қилдингиз гўё. Мени ва ўғлимизни ер кўкка ишонмасдингиз, ҳатто қайнонам келиним қийналиб қолади, чилласи чиққунча биз билан яшасин, дейишларига қарамай бизларни олиб кетдингиз. Ота бўлиш бахти насиб этганидан яратганга шукрлар айтиб, мени ва ўғлингизни шундай авайлардингизки, бу меҳр-муҳаббатнинг ҳеч қачон тугамаслигини истардим. Сиз фарзанд парвариши билан боғлиқ барча юмушларда яқин кўмакчим бўлдингиз. Ўзимиз ёш бўлганимиз сабаб, ота-онадан олисда баъзан уқувсизлик қилиб, ўғлимиз касал бўлиб қолганда тунларни тонгларга улаб чақалоқка термулиб чиққан пайтларимиз ҳам бўлганди.

Қизимиз Шаҳнозанинг эса ҳар бир ҳаракатлари, дадажон, деб эркаланиб туришлари сизга завқ бағишларди. Унга ўз кўлингиз билан овқат едиришни яхши кўрардингиз. Қўнғироқдек сочларига ранг-баранг сочпопуклар, унга атаб чиройли кўйлакчалар сотиб олардингиз. Фарзандларингизнинг келажаги ҳақида ширин хаёлларга берилардингиз, ўғлингизни ўзингиз каби ҳарбий, қизингизнинг эса журналист бўлишини хоҳлардингиз. Кузатиб туриб сиздаги оталик ҳисси, меҳри, масъулияти нақадар кучли эканидан фахрланардим. Шундай инсон тарбиялаган фарзандлар бир кун келиб ҳаётда ўз ўрнини топиб, эл корига ярайдиган, ҳамма ҳавас қиладиган комил инсон бўлишини орзу қилардим.

Ҳаёт аслида пасту баланди, оғиру енгилликлари, қувончу ташвишлари билан ҳам қизиқ. Уни эса биз ўз вақтида англаб етавермаймиз. Баъзан яқинларим соғинчи қийнаса, баъзан болаларнинг инжиқликларидан безор бўлиб асабийлашардим. Шунда сиз босиқлик билан, «Азизим, ахир кимга турмушга чиқаётганлигингни билардинг-ку, ҳарбийнинг аёли бўлиш осон эмас, буни уддалай олган аёл энг кучли аёл бўлади. Чунки ҳарбийнинг аёли эрларининг масъулиятли, шу билан бирга шарафли касбини тушуниб, унинг уйқусиз тунларини, бедор кунларини, тинчлик учун фидойилигини қўллаб-қувватламоғи керак», деб мени юпатардингиз. Мен гумроҳ ўшанда бу кутишлар ҳам ғанимат эканлигини билмагандим...

Сизни йўқотган ўша машъум кунни эслашга ҳамон қийналаман. Қизимиз кечаси билан безовталаниб чиққани учун тонгга яқин ухлаб қолибман. Юзимдан ўпиб қўйганингизни ҳис қилдим, кўзимни очганимда эса сиз оҳиста эшикни ёпдингиз. Нимадир дейишга оғиз жуфтладим-у, улгуролмадим. Сиз эса бизларни безовта қилмаслик учун зиналарни аста-аста босганча тушиб кетдингиз. Шу куни сизга сўнгги манзилга кетаётганлигингиз тушингизда аён бўлгандир, эҳтимол. Мен нега вақтли уйғонмадим, нега кўзларингизга тўйиб қарамадим, балки менга айтадиган сўнгги гаплари бўлгандир, юзимга узоқ термулгандир, болаларини юз-кўзидан ўпиб тўймагандир, деган сўнгсиз саволлар ҳамон тинчлик бермайди. Худди шу куни сиз парвоз қилган самолёт ҳалокатга учради. Бир лаҳзада орзулар армонга айланди. Сиз яйраб парвоз қиладиган беғубор осмон кенгликлари шу кун сизга сўнгги бор бағрини очган эди. Бунга эса ҳалигача ишонолмайман. Шу сабабли юрагимдаги илинж ўчмай ҳамон сизни кутаман, ҳозир эшик очилиб бахтиёр қиёфада сиз кириб келадигандек туюлаверади.

Биргаликда камолини кўришни орзулаганимиз ўғлимиз бугун академик лицей ўқувчиси. Орзулари бир жаҳон. Изингиздан бориб, ҳарбий учувчи бўлиш, сиз етмаган орзуларга етиш, сиз улгурмаган хайрли ишларни қилиш ниятида. Унинг бўйимга тенг бўйларини кўриб кўзим қувнайди. Сизни таниганлар, ҳамкасбларингиз ўғлингизни кўриб бир зум довдираб қолишади, худди отасига ўхшабди, умри ўхшамасин деб қўйишади.

Яқинда қизингизнинг чўнтагидан хафсала билан ёзилган, атрофига гуллар чизилган мактуб топиб олдим. Бу сирли қоғозда «Дадажон, бу сўзни сизга бир умр айтишни хоҳлайман» деган сўзлар билан бошланган нома экан. У сиз билан хаёлий суҳбат қилган, унда меҳрибонини соғинганини, дугоналарининг дадалари ҳақидаги суҳбатлари кўнглини ўкситганлигини, сиз билан боғларни айланишни орзу қилишини, келажакда журналист бўлишни ва сиз ҳақингизда китоб ёзмоқчи эканлигини ёзганди. Мактубнинг охирини ўқишга бардошим етмади. Кўз ёшларимни кўрсатмаслик учун ётоғимга кириб кетдим. Баъзан ўғлингиз ота ҳақидаги маҳзун қўшиқларни эшитиб ўтирганининг гувоҳи бўламан. Мени кўриши билан магнитофонни бошқа қўшиққа ўтказади, ўзини қувноқ тутишга ҳаракат қилади.

Сиз атиги 31 йил яшаб, қанча хайрли ишлар қилдингиз. Аввало муносиб фарзанд бўлдингиз, вафоли умр йўлдоши, меҳрибон ота, яхши дўст, малакали устоз ва билимли, тажрибали мутахассис бўлдингиз. Бугун сизнинг девордаги «мен сизлар билан биргаман» дегандай кулиб турган суратингиз бизлар учун нақадар азиз. Ҳар доим суратингизга тикилиб туриб сиз билан боғлиқ хотиралар, бахтиёрликдан масрур бўлиб қувонган дамларингиз ёдимга тушади. Давлатимиз раҳбарининг қўлидан «Шон-шараф» орденини олган кунингиз сиз учун ҳақиқий байрам бўлганди. «Жасорат» медали билан тақдирланишингиз эса ҳарбий соҳадаги фидойилигингиз учун муносиб жавоб эди. Эришган бу каби кўплаб ютуқлар, эътибор ва эҳтиромлар сизни янада кўпроқ меҳнат қилишга, изланишга даъват этарди. Етти йиллик ҳаётимиз давомида мен сиздан кўп нарса ўргандим.

Бугун ҳарбийлар сафида хизмат қилар эканман, Қуролли Кучлар хизматчиси деган шарафли номни оқлашга ҳаракат қиляпман. Биламанки, бундан сиз ҳам хурсандсиз. Бу ердаги аҳил жамоа, бири акам, бири тенгдошим, бири укам бўлиб мени қўллаб-қувватлаётган офицерлар қаторида доим ёнимда сизнинг борлигингизни ҳис қиламан. Бу эса юрагимга таскин беради. Менга руҳан далда бўлади.

Сиз севган баҳор фасли келди. Сиз севган лолақизғалдоқ бугун қабрингизни безаган. Ҳар гал фарзандларингиз билан Хотира ва қадрлаш кунини орзиқиб кутамиз. Чунки шу куни қабрингизга борамиз. Қабрингиз бошига экқан ниҳолимиз ҳам бўй чўзиб қолибди. Бир кун келиб у улкан чинорга айланади, сизга соя бўлади. Сизнинг ҳаётда қолдирган ниҳолларингиз, яъни ўғил-қизингизни юртга муносиб инсонлар қилиб тарбиялаш, уларнинг доим эл корига камарбаста, фидойи фарзандлар бўлиб вояга етишлари йўлида бор кучимни аямайман.

Ҳилоланинг мактубини
оққа кўчирувчи Феруза ОРИПОВА.

АВТООЛАМ

«DAMAS» ЭНДИ ГАЗДАН ФОЙДАЛАНАДИ

«GM Uzbekistan» қўшма корхонаси 2011 йилдан бошлаб ёқилғи сифатида суюлтирилган газдан (пропан-бутан қоришмаси) фойдаланувчи «Damas» машиналари ишлаб чиқаришни режалаштирмоқда.

Асака шаҳридаги автомобиль заводида 2010 – 2011 йилларда «Damas» автомобиллари йиғиш линиясини модернизация қилиш кўзда тутилмоқда, бу эса газ-баллон аппаратурасини ўрнатиш имконини беради. Бир йилда 25 минг автомобиль тайёрлаш қувватига эга бўладиган йиғиш линиясини модернизациялаш қиймати 5 млн. АҚШ долларига тенг баҳоланмоқда.

Бозор экспертларининг фикрича, газ-баллонли автомобилларни серияли равишда ишлаб чиқариш зарур ускуналарни кенг кўламда тайёрлашни йўлга қўйиш ва республикадаги мавжуд баллонлар ишлаб чиқариш қувватларини тўлиқ ишга солиш имконини яратади.

«Damas» – бешэшикли минивэн бўлиб, 1996 йилдан буён ишлаб чиқарилмоқда. У 800 куб. см. ҳажмли ва 40 от кучига тенг қувватга эга бўлган уч цилиндрли двигатель, механик узатмалар қутиси билан жиҳозланган, максимал юриш тезлиги соатига 114 км. 2006 йил январида завод машина кузовини 26,5 см узайтириш, шунингдек, бошқарув асбобларини ўзгартириш ва ташқи дизайн (кўриниш)ни янгилаш орқали ушбу модел рейстайлингини амалга оширди.

«Damas»ни газмотор ёқилғисига ўтказиш борасидаги лойиҳа республика автомобиль паркининг маълум қисмини бензиндан суюлтирилган углеводород ва сиқилган табиий газга ўтказиш бўйича белгиланган кенг кўламли дастур доирасида амалга оширилмоқда.

Мазкур дастур доирасида яқин олти йил мобайнида муқобил ёқилғи турларидан фойдаланишга 198 минг автомобилни, шу жумладан 119 минг машинани суюлтирилган ва 79 минг машинани қисилган газдан фойдаланишга ўтказиш режалаштирилган.

Ҳозирги вақтда юртимизда 3 млн. атрофида автомобиллар рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг 10 фоизга яқини газда ишлайди. 2012 йил охирига бориб бу кўрсаткич мамлакатимизда автомобиль ишлаб чиқариш 25 фоизга ўсишини ҳисобга олган ҳолда 15 фоизга етиши лозим.

2012 йилга бориб Ўзбекистонда умумий сиғими (резервуари) 708,29 млн. куб. метр суюлтирилган газга эга бўлган 138 та автогаз тўлдирувчи компрессор станциялари ҳамда умумий ҳажми 476 минг куб. метр сиқилган газли 952 та автогаз қуювчи станциялар қуриш режалаштирилмоқда.

Газ қуювчи (заправка) станциялар тармоғи кенгайиши натижасида республикамизда сиқилган газга бўлган эҳтиёж 2007 йилдаги 283,5 млн. куб. метрдан 2012 йилда 919 млн. куб. метргача ошади. Суюлтирилган газга бўлган эҳтиёж эса мос равишда 210 минг тоннадан 638 минг тоннагача ошади.

«TESLA MODEL S» ПОЯВИТСЯ В 2011 ГОДУ

Наконец-то приоткрыта завеса тайны относительно новейшего электрокара, спортивного седана «Model S» от «Tesla». «Model S» способен вмещать до 7 пассажиров, время его разгона от 0 до 100 км/час составляет всего 5,6 сек., при этом автомобиль способен преодолевать до 480 км пути без подзарядки. Первые автомобили поступят к дилерам в Северной Америке и Европе в конце 2011 года.

Дизайнеры «Tesla» попали под влияние европейских автомобилей и, в особенности, модели «Jaguar XF», что отразилось на задней части электрокара и его профиле, а также в меньшей степени «Maserati GranTurismo», позаимствовав стиль передней части этого автомобиля. Помимо указанного сходства, «Model S» все же выглядит индивидуально, и мы полагаем, что дизайн будет одной из его сильных сторон.

«Model S» планируется оснащать по выбору тремя различными типами батарей, способными выдерживать до 258, 370 или 483 км пути без подзарядки. Согласно информации от «Tesla», время зарядки комплекта батарей составит 45 минут, а стоимость самой зарядки будет равна 4 долларам, утверждает калифорнийская компания.

БЕНЗИН ЎРНИГА ... ҲАВО?!

Яқинда BBC ва CNN телеканалларида муқобил ёқилғи турлари соҳасидаги сўнгги ишланма ва кашфиётлар ҳақида туркум кўрсатувлар намойиш этилиб, улар орасида ҳавода (!) ишловчи машина ҳақида ҳам сюжет кўрсатилди. Ҳа-ҳа, сиз янглиш ўқиганингиз йўқ – айнан шундай! Мазкур кўрсатув кутилганидек, жуда катта шов-шувга сабаб бўлди. Эртаси кунигаёқ Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларнинг деярли барча газеталари: «Ёқилғи ўрнига ҳаводан фойдаланувчи автомобиллар ишлаб чиқариш бошланади!», «Биз янги эра остонасидамиз!» сингари сарлавҳалар остидаги мақолалар билан чиқди.

Бундай баландпарвоз баёнотларга эса бир ой муқаддам Парижда бўлиб ўтган e.Volution, деб номланган автомобилнинг тақдимот маросими сабаб бўлди.

Ҳайратга тушган жамоатчиликка e.Volution бир марта тўлдирилган ҳаво билан 200 километргача юриши, бунда у тезликни соатига 130 километргача ошира олиши ёки соатига ўртача 80 километр тезликда 10 соат мобайнида ҳаракатланиши мумкинлиги маълум қилинди. Шунингдек, бундай сайр e.Volution эгасига атиги 30 центга тушиши ҳам айтиб ўтилди. Мазкур машина бор-йўғи 700 кг, двигатели эса 35 кг оғирликка эга эканлиги эълон қилинди.

Автомобилсозлик соҳасидаги бундай инқилобий янгиликни Францияниг MDI (Motor Development International) фирмаси тақдим этди ва у шу заҳотиёқ сиқиқ ҳавода ишловчи двигатель билан жиҳозланган автомобилларни серияли равишда ишлаб чиқаришни бошлаш ниятида эканлигини эълон қилди.

Ноёб двигателнинг ихтирочиси эса франциялик муҳандис – мотор қурувчиси Гай Негре бўлиб, у «Формула 1» болидлари ва авиация двигателларини ишга тушириш қурилмаларини ишлаб чиққан мутахассис сифатида ном қозонган.

Негренинг баёнот беришича, у ҳеч қандай ёқилғи аралашмаларисиз, фақат сиқиқ ҳавода ишловчи двигатель яратишга эришган. У ўз кашфиётига Zero Pollution деб ном берган, бу эса «атмосферага ҳеч қандай зарарли моддалар чиқармайди» деган маънони билдиради.

«Оддий, тежамкор ва тоза» автомобилни ишлаб чиқишда асосий эътибор унинг атроф муҳит учун хавфсиз, зарарсиз эканлигига қаратилгани сабабли кашф этилган техник янгиликнинг икки ёқлама фойдали эканлигидан фақат хурсанд бўлиш мумкин.

Ихтирочининг сўзларига қараганда, двигателнинг ишлаш принципи қуйидагича: «Ҳаво кичик цилиндр ичига сўрилади ва поршен билан 20 бар босим даражасигача сиқилади. Бу ҳолатда у 400 даражагача қизийди. Сўнгра қайноқ ҳаво сферик (шарсимон) камерага итариб чиқарилади.

«Ёнилғи камераси»га, гарчи унда ҳеч нарса ёнмаса-да, босим остида баллонлардан совуқ сиқиқ ҳаво ҳам юборилади ва у тезда исиб, кенгаяди, босим шиддат билан ошади, катта цилиндр поршени орқага қайтади ва кучланишни тирсакли валга узатади.

Ҳатто айтиш мумкинки, «ҳаво»ли двигатель худди оддий ички ёнув двигатели сингари ишлайди, фақатгина унда ҳеч қандай ёниш бўлмайди».

Яна мазкур автомобиль чиқиндилари инсон нафас олганда чиқарадиган карбонат ангидрид газидан хавфли эмаслиги маълум қилинди. Машина двигателини ўсимлик мойи билан мойлаш мумкин, электр тизими эса атиги иккита симдан иборат.

Zero Pollution вакиллари таъкидлашича, «ҳавомобил»ни заправка қилиш учун автомобилнинг таг қисмида жойлашган ҳаво резервуарларини тўлдириш кифоя, бунга эса 3 дақиқа атрофида вақт кетади, холос.

Қолаверса, келажакда 300 литрли баллонларни атиги 1 дақиқа ичида тўлдириб беришга қодир бўлган «ҳаво билан тўлдирувчи» станциялар қуриш режалаштирилмоқда.

Келажакда «ҳавомобиль» савдоси Жанубий Африкада



бошланиши, унинг нархи 10 минг доллар атрофида бўлиши кўзда тутилмоқда. Шунингдек, Мексика, Испанияда бешта, Австралияда учта фабрика қурилиши ҳақида ҳам гапирилган. Шуниси қизиқки, 12 дан ортиқ мамлакат мазкур автомобилни ишлаб чиқаришга лицензия, Жанубий Африкага қарашли компания эса 3000 та автомобилга буюртма ҳам олган.

Йўлларда ҳавомобилларнинг пайдо бўлиши – бу, албатта, анъанавий автотранспортга бўлган жиддий чақириқдир.

Мисол учун, ҳозирги вақтда йирик автомобиль гигантлари янги экологик кашфиётга қарши чиқаётганлиги ҳақида ҳам маълумотлар бор. Улар ўзлари ишлаб чиқараётган бензин билан ишловчи двигателлар ҳеч кимга керак бўлмай қолиши яқинлашиб келаётган банкротликка сабаб бўлишини олдиндан кўра билган ҳолда, кашфиётни «илдиз отмасдан» йўқ қилиш пайига тушган.

Бу тахминни қисман Deutsche Welle ҳам тасдиқлайди: «Автотаъмирлаш корхоналари ва нефть концернлари бир овоздан ҳавода ишловчи двигателли автомобилни «чала ишланган», деб ҳисобламоқдалар.

Бироқ кўпчилик мустақил экспертлар ҳам бунга ишончсизлик билан қарамоқдалар, чунки бир қатор йирик автомобиль ишлаб чиқарувчи концернлар (масалан, «Фольксваген») ўтган асрнинг 70–80-йилларида бу йўналишда иш олиб боришган, бироқ бу ишнинг мутлақо истиқболсиз эканлиги сабабли тадқиқотларни тўхтатишган.

Атроф-муҳитни ҳимоя қилувчилар ҳам деярли шундай фикрдалар: «Автомобиль ишлаб чиқарувчиларни «ҳаво» двигателлари ишлаб чиқаришни бошлашга тўла ишонтириш учун кўп вақт талаб этилади. Автомобиль компаниялари электр автомобиллари билан олиб борилган тадқиқотларга катта миқдорда сарф-харажатлар қилдилар, бироқ бу ноқулай ва қимматга тушиши маълум бўлди. Энди уларга ҳеч қандай янги ғоялар, айниқса глобал инқироз вақтида, керак эмас.

Шунингдек, турли нашрларда бу двигатель ва унинг ишлаш схемаси ҳақида ҳар хил маълумотлар берилмоқда, баъзан улар бир-бирига мутлақо зид келмоқда.

Яна бир ғалати томони шундаки, ҳар бир кейинги нашрда автомобиль параметрлари «яхшиланмоқда» ёки қуввати ошмоқда, гоҳ нархи пасаймоқда, гоҳ оғирлиги камаймоқда ва ҳ.к.

Лекин шунга қарамасдан, аниқ жавобни эшитишга оз вақт қолди. Эҳтимол, шу йилиёқ биз MDI фирмаси томонидан ишлаб чиқилган сиқиқ ҳавода ишловчи двигатель нима эканлигини, яъни бу автомобилсозликда инқилобми ёки тўла маънодаги миш-мишми – аниқ билиб олишимиз мумкин бўлар.

ФИРМЕННЫЙ ГРУЗОВИК ОТ HARLEY-DAVIDSON

Когда то Harley-Davidson поразил всех специальной «харлеевской» версией пикапа на базе «Ford F150». По тем временам это было откровением. Огромный джип с фирменными лейблами «Harley», специальное оснащение кузова, дабы перевозить своего двухколесного любимца. Но с тех пор подобными «фирменными» пикапами обзавелись все кому не лень. «Suzuki» пикапом на базе «Nissan», и даже «Ducati» на базе «Toyota Tundra». А что же делать американской легенде, которая априори позиционирует себя как самая-самая?

Выход нашли в истинно американском духе. Больше, ширше, мощнее! Куда там конкурентам с их старомодными пикапами, то ли дело, целый восемнадцатиколесный грузовик! И ни какой-то там, а супермодный «International LoneStar Harley-Davidson Special Edition»!

Представленный в ходе «Mid-America Trucing Show», грузовик выпустят в количестве 250 штук. Тягач был разработан с помощью дизайнеров «Harley-Davidson». Фары – увеличенные копии мотоциклетных. Фирменная оранжевая полоса на черном фоне (вариант расцветки только один). И длиннющий список дополнительных опций, вроде хромированных труб, решетки и баков.

Так что теперь настоящий харлеист сможет перевезти не один-единственный мотоцикл, а штук тридцать за один присест. Причем увезти может очень далеко! И всего лишь за 155000 тысяч долларов, что будет стоить специальная версия грузовика.

М. САЙДИВАЛИЕВ тайёрлаган.

TV ДАСТУР

11 МАЙ, ДУШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

Ҳурматли телетомошабинлар!
Профилактика муносабати билан душанба 11 май куни «O'zbekiston» телерадиоканали ўз кўрсатувларини соат 14.55 дан бошлайди.
14.55 Кўрсатувлар дастури.
15.00 «Таҳлилнома».
15.45 «Олам ва одам» дастури: «Корея ахборот технологиялари тараққиётининг сири».
16.10 «Ватанпарвар».
16.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Афсонавий шаҳарда».
17.00 «Ахборот».
17.10 ТВ-анонс.
17.15 «Ҳаёт ва қонун».
«Болалар сайёраси»:
17.35 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.55 «Сизнинг адвокатингиз».
18.00 «Олтин мерос».
18.05 Миллий сериал: «Алишер Навоий».
18.30 ТВ-анонс.
18.35 «Очун».
18.45 Ўзбек ва Корея санъати усталари концерти.
19.20 «ТВ-шифокор».
19.25, 19.55, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» /рус/.
20.00 ТВ-анонс.
20.05 «Адолат тарозиси». Т/с.
20.45 «Ватанимни куйлайман».
20.50 ТВ-анонс.
21.00 «Ахборот».
21.30 «Парламент вақти».
21.50 «Робин Гуд». Т/с.
22.40 «Иқлим».
22.45 «Олам ва одам» дастури: «Ҳашаротлар».
23.15 ТВ-анонс.
23.20 «Ромео ва Жульетта». Б/ф. 1-қисм.
00.45 «Очун».
00.55 ТВ анонс.
01.00 «Ахборот» /рус/.
01.30 «Ёшлар майдони».
02.00 «Маънавият» дастури.
04.00 «Ахборот».
04.30 Ўзбек ва Корея санъати усталари концерти.
05.05 «Юртим бўйлаб» дастури: «Тут сайли».
05.20 «Чемпион».
05.40 Тонги наволар.

ЁШЛАР

7.00 «Ёшлар майдони».
8.00 Миллий кино: «Гап».
8.30 «Сеҳрли қўллар».
9.00 «Даврнинг боласи».
9.10 «Қувноқ дўмбоқчалар».
9.20 Миллий кино: «Ҳайвонот боғи».
9.50 «Тошкент—2200».
10.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Давр».
10.30 «Қасамёд». Т/с.
11.20 «Увайсий». Ҳ/ф.
12.20 «Тошкент таронаси».
12.30 «Эверест».
13.00 «Камолот».
13.10 «Чемпион».
13.30 «Шамоллар мусаввири». Т/с.
14.20 «Шарқ гавҳари».
14.40 «Илҳом қанотлари».
15.00 «Ёшлар майдони».
15.30 «Онажон Тошкентим».
16.10 «Тасвир ва таассурот».
16.30 «Мўъжизавий дунё».
18.25 «Олтин тупроқ».
18.30 «Ҳаёт завқи».
18.55 «Онажон қишлоғим».
19.30 «Шамоллар мусаввири». Т/с.
20.30 «Автопатруль».
21.05 «Қасамёд». Т/с.
22.30 Киноклассика: «Чингачгук — Катта Илон».

ТОШКЕНТ

15.00 «Пойтахт».
15.20 «Ўзбегим дилбослари».
15.40 «Тошкент—2200».
15.45 «Кинотақдим».
16.15 «Анонс».
16.20 «Шляпа кийган мушук». Б/ф.
17.40 «Карвонсарой».
17.50 «Ака-ука Гриммлар». М/ф.
18.00 «Телекурьер-маркет».
18.15 «Аёл қалби».
18.30 «Пойтахт».
18.50 Бизнес-«Пойтахт».
18.55 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
19.45 «Ўйларим».
19.50 «Саломат бўлинг» /рус/.
20.00 «Пойтахт» /рус/.
20.20 «Тошкент ва тошкентликлар».
Бевосита мулоқот.
21.00 «Милагрос» /рус/.
21.30 «Пойтахт».
21.50 «Анонс».
21.55 «Телекурьер-маркет».
22.10 «Жаноб Бин таътилда». Б/ф.

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Талқин». Информацион-таҳлилий кўрсатув.
8.35 «Малахов +».
9.30 «Версия».
10.05 «Теннис академияси». Сериал.
10.30 Бокс. Халқаро турнир. Ярим финал.
11.20 «Вилоят спорти».
12.20 Белбоғли кураш. Ўзбекистон чемпионати.
18.00 «Тет-а-тет».
18.10 «Умид ниҳоллари».
18.30 «Хабарлар» (рус тил.).
18.55 «Камолот-тур».
19.10 «АЗИЯ ЛОТО».
19.50 ФУТБОЛ. ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИ. «НЕФТЧИ» — «АНДИЖОН».
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тил.).
21.55 Интерфутбол.
23.30 Теннис. Дэвис кубоги. Ўзбекистон — Япония.

12 МАЙ, СЕШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
07.05 «Изҳор».
07.10 ТелеТеатр: «Келинлар қўзғолони».
07.50 «Рақснинг сеҳрли олами».
08.00 «Ахборот».
08.30 «Робин Гуд». Т/с.
09.20 «Маънавият» дастури.
10.20 Бухоро вилоят телерадиокомпанияси намойиш этади: «Бухоро ҳунармандлари».
10.35 «Чинсен».
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.00 «Ахборот».
11.10 «ТВ-шифокор».
11.15 «Адолат тарозиси». Т/с.
11.50 «Ахборот» /инглиз/.
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
12.55 Миллий сериал: «Алишер Навоий».
13.20 «Очун».
14.00 «Ахборот».
14.20 «Ойдин ҳаёт». Ток-шоу.
15.05 «Олам ва одам» дастури: «Корея анъаналари жозибаси».
15.35 «Эзгулик».
16.00 «Тезкор хабарлар».
16.15 «Камолот остонаси».
16.40 «Икки дарё оралиғида».
17.00 «Ахборот».
17.15 «Ҳудудлар ҳаёти».
17.55 «ТВ-бизнес хабарлари».
18.05 Миллий сериал: «Алишер Навоий».
118.40 «Юртим бўйлаб» дастури: «Тут сайли».
19.00 «Навоийни англаш».
19.20 «ТВ-шифокор».
19.30 «Ахборот» /рус/.
20.05 «Адолат тарозиси». Т/с.
20.45 «Ватанимни куйлайман».
21.00 «Ахборот».
21.30 «Одамлардан бири».
21.50 «Робин Гуд». Т/с.
22.45 «Олам ва одам» дастури: «Ҳашаротлар».
23.20 «Ромео ва Жульетта». Б/ф. 2-қисм.
00.35 «Бухоро ҳунармандлари».
00.50 «Олтин мерос».
01.00 «Ахборот» /рус/.
01.30 «Кинотақдим».
02.00 «Маънавият» дастури.
04.00 «Ахборот».
04.30 ТелеТеатр: «Келинлар қўзғолони».
05.10 «Икки дарё оралиғида».
05.30 «Навоийни англаш».

ЁШЛАР

Қадрли телетомошабинлар!
Профилактика муносабати билан 12 май куни «Yoshlar» телеканали ўзининг кўрсатувлар дастурини соат 14.55 дан бошлайди.
14.55 «Yoshlar» саломи».
15.00 «Ватанпарвар».
15.40 «Тошкент таронаси».
15.45 «Келажак эгалари».
15.55 «Ўзбек адабиёти».
16.00 «Давр».
16.10 «Тошкентнома».
16.25 «Юртим юраги».
16.30 «Мўъжизавий дунё».
16.55 «Сувни асранг!»
17.00 «Даврнинг боласи».
17.10 «Эртаклар оламида».
18.20 «Қувноқ ўрмонча».
18.30 «Олтин тупроқ».
18.35 Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили: «Қишлоқ ва таълим».
18.45 «Ватан меҳри».
18.55 «Онажон қишлоғим».
19.00 «Давр».
19.30 «Шамоллар мусаввири». Т/с.
20.20 «UzEX».
20.30 «Футбол—2009».
21.00 «Ўзбек адабиёти».
21.05 «Қасамёд». Т/с.
21.55 «Ардоқ».
22.00 «Давр».
22.30 Киноклассика: «Катта Айиқ болалари».
23.50 «Юрт тинчлиги».

ТОШКЕНТ

8.25 Бизнес-«Пойтахт».
8.30 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
9.20 «Карвонсарой».
9.30, 15.00, 18.30, 21.30 «Пойтахт».
10.30, 20.00 «Пойтахт» /рус/.
10.40 «Милагрос» /рус/.
11.20 «Жаноб Бин таътилда». Б/ф.
12.45 «Гўзаллик санъатининг пойдевори». Т/ф.
14.00 «Дунё» теледастури.
15.25 «Инак сеҳри».
16.05 «Ягонамсан, Тошкентим!»
16.10 «Уйга йўл». Б/ф.
17.40 «Карвонсарой».
18.15 «Химоя».
18.50 Бизнес-«Пойтахт».
18.55 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
19.45 «Истеъдод».
20.20 «Репортаж» /рус/.
20.30 Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига: «Менинг маҳаллам».
21.00 «Милагрос» /рус/.
22.10 «Севги фазоси». Б/ф.

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус тил.).
8.20 «Малахов +».
9.05 «Теннис академияси». Сериал.
9.30 «Хабарлар» (ўзб. тил.).
9.55 Бокс. Халқаро турнир. Ярим финал.
10.40 Эркин кураш. Халқаро турнир.
11.10 «Профринг».
12.05 Миллий эстрада-симфоник оркестрининг концерт.
18.10 «Спортимиз маликалари».
18.30 «Хабарлар» (рус тил.).
18.55 Теннис.
20.00 «Футбол шарҳи».
20.35 «Формула-1». Саралаш мусобақаси.
21.30 «Хабарлар» (узб. тил.).
21.55 Интерфутбол.

13 МАЙ, ЧОРШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
07.00 «Иқлим».
07.05 «Изҳор».
07.10 ТелеТеатр: «Келинлар қўзғолони».
07.50 «Олтин мерос».
08.00 «Ахборот».
08.30 «Робин Гуд». Т/с.
09.20 «Маънавият» дастури.
10.20 «Чорраҳа».
10.35 ТВ-анонс.
10.40 «Ягона оилада».
11.00 «Ахборот».
11.10 «ТВ-шифокор».
11.15 «Адолат тарозиси». Т/с.
11.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Паландара жилолари».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
12.50 «Иқлим».
12.55 Миллий сериал: «Алишер Навоий».
13.30 «Эски альбом».
13.35 «Андерсен эртаклари». М/с.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Рангин дунё».
14.40 «Эркин иқтисодиёт».
15.00 «Олам ва одам» дастури: «Тирик сайёра».
15.55 Жаҳон мусиқаси хазинасидан. Фридрик Шопен.
16.40 «Икки дарё оралиғида».
17.00 «Ахборот».
17.15 «Таълимга эътибор — келажакка эътибор».
17.35 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.55 «Сизнинг адвокатингиз».
18.00 «Олтин мерос».
18.05 Миллий сериал: «Алишер Навоий».
18.35 «Юртим бўйлаб» дастури: «Гўзаллик оламида».
18.50 «Назм ва наво».
19.20 «ТВ-шифокор».
19.25, 19.55, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» /рус/.
20.05 «Адолат тарозиси». Т/с.
20.45 «Ватанимни куйлайман».
21.00 «Ахборот».
21.30 «Бировнинг ҳақи».
22.05 «Робин Гуд». Т/с.
22.55 «Иқлим».
23.05 «Тўфон». Б/ф. 1-қисм.
00.10 «Таранчум».
01.00 «Ахборот» /рус/.
01.30 «Ёшлар майдони».
02.00 «Маънавият» дастури.
04.00 «Ахборот».
04.30 ТелеТеатр: «Келинлар қўзғолони».
05.10 «Икки дарё оралиғида».
05.30 «Истеъдод».

ЁШЛАР

7.00 «Ёшлар майдони».
7.45 «Олтин тупроқ».
7.50 «Сўнмас юлдузлар».
8.10 Миллий сериал: «Қонли олишув».
8.55 «Ватан меҳри».
9.10 «Қувноқ дўмбоқчалар».
9.20 «Навоий набиралари».
9.30 «Пойтахтим».
9.35 «Соғлик-бойлик».
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Давр».
10.10 «Қасамёд». Т/с.
11.50 «Мўйқалам сеҳри».
12.20 «Голиб». Т/с.
13.10 «Қишлоқ тараққиёти».
13.25 «Онажон қишлоғим».
13.30 «Шамоллар мусаввири». Т/с.
14.15 «Улуғ неъмат».
14.20 «Тошкент таронаси».
14.30 «Футбол—2009».
15.00 «Ёшлар майдони».
15.35 «Тасвир ва таассурот».
16.10 «Ижод завқи».
16.30 «Афсона ва ҳақиқат».
16.55 «Мафтункор замин».
18.50 «Ватан меҳри».
18.55 «Онажон қишлоғим».
19.30 «Шамоллар мусаввири». Т/с.
20.30 «Автопатруль».
20.55 «Ватан меҳри».
21.05 «Қасамёд». Т/с.
21.55 «Ардоқ».
22.30 Киноклассика: «Апачи».

ТОШКЕНТ

7.25 «Салом, Тошкент!»
8.25 Бизнес-«Пойтахт».
8.30 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
9.20 «Карвонсарой».
9.30 «Пойтахт».
9.45 «Телекурьер-маркет».
10.00 «Репортаж» /рус/.
10.10 «Ўйларим».
10.15 «Ҳимоя».
10.30 «Пойтахт» /рус/.
10.40 «Милагрос» /рус/.
11.10 «Тошкент—2200».
11.20 «Севги фазоси». Б/ф.
13.00 «Салом, Тошкент!»
14.00 «Дунё» теледастури.
14.50 «Жаҳон операси».
15.00 «Пойтахт».
15.20 «Тошкент—2200».
15.25 «Юлдузбурун». Ҳ/ф.
16.15 «Уйга йўл-2». Б/ф.
17.40 «Карвонсарой».
17.50 «Ака-ука Гриммлар». М/ф.
18.00 «Телекурьер-маркет».
18.30 «Пойтахт».
18.50 Бизнес-«Пойтахт».
18.55 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
20.00 «Пойтахт» /рус/.
20.20 «Интервью» /рус/.
20.30 «Менинг шаҳрим».
21.00 «Милагрос» /рус/.
21.30 «Пойтахт».
22.10 «Икки олам аро». Б/ф.

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
7.50 «Тет-а-тет».
8.00 «Хабарлар» (рус тил.).
8.20 «Малахов +».
9.05 «Теннис академияси». Сериал.
9.30 «Хабарлар» (ўзб. тил.).
9.55 Бокс. Халқаро турнир. Ярим финал.
10.45 Эркин кураш. Халқаро турнир.
11.15 «Футбол шарҳи».
11.45 «Футбол мундиал».
18.10 «Умид ниҳоллари».
18.30 «Хабарлар» (рус тил.).
18.55 Теннис.
19.50 «Спортлото».
20.00 Бел олиш кураши. Халқаро турнир.
20.30 Формула-1. Испания Гран-при.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тил.).
21.55 Интерфутбол.

14 МАЙ, ПАЙШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
07.00 «Иқлим».
07.05 «Изҳор».
07.10 ТелеТеатр: «Келинлар қўзғолони».
07.55 «Олтин мерос».
08.00 «Ахборот».
08.30 «Робин Гуд». Т/с.
09.20 «Маънавият» дастури.
10.20 Д. Зокиров номидаги халқ чолғулари оркестрининг концерти.
10.35 «Мулкдор».
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.00 «Ахборот».
11.10 «ТВ-шифокор».
11.15 «Адолат тарозиси». Т/с.
11.50 «Ахборот» /инглиз/.
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
12.50 «Иқлим».
12.55 Миллий сериал: «Алишер Навоий».
13.35 «Андерсен эртаклари». М/с.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Яхшилар ёди».
14.40 «Тараққиёт ва фаровонлик сари».
15.00 «Олам ва одам» дастури: «Тирик сайёра».
15.55 «Оҳанрабо».
16.40 «Икки дарё оралиғида».
17.00 «Ахборот».
17.15 «Маҳалла».
17.35 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
18.00 «Олтин мерос».
18.05 Миллий сериал: «Алишер Навоий».
18.35 «Замондошим».
18.50 Тошкент—2200. «Тошкент гуллари».
19.00 «Тарих кўзгуси».
19.20 «ТВ-шифокор».
19.25, 19.55, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» /рус/.
20.05 «Адолат тарозиси». Т/с.
20.45 «Соз сеҳри».
21.00 «Ахборот».
21.30 «Бир ўлка-ки...»
21.50 «Робин Гуд». Т/с.
22.40 «Иқлим».
22.50 «Тўфон». Б/ф. 2-қисм.
23.55 «Оҳанрабо».
00.40 «Бир ўлка-ки...»
01.00 «Ахборот» /рус/.
01.30 «Ёшлар майдони».
02.00 «Маънавият» дастури.
04.00 «Ахборот».
04.30 ТелеТеатр: «Келинлар қўзғолони».
05.15 «Икки дарё оралиғида».
05.35 «Очун».

ЁШЛАР

7.00 «Ёшлар майдони».
7.30 «Ўзбек адабиёти».
7.45 «Олтин тупроқ».
7.50 «Уйимдаги фаришта».
8.10 Миллий сериал: «Қонли олишув».
8.55 «Ватан меҳри».
9.00 «Даврнинг боласи».
9.10 «Қувноқ дўмбоқчалар».
9.20 «Илҳом қанотлари».
9.35 «Автопатруль».
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Давр».
10.10 «Қасамёд». Т/с.
11.00 «Мўъжизавий дунё».
11.50 «Мўйқалам сеҳри».
12.20 «Голиб». Т/с.
13.10 «Дутор».
13.30 «Шамоллар мусаввири». Т/с.
14.20 «Дунё бўйлаб».
14.30 «Эверест».
15.00 «Ёшлар майдони».
15.30 «Тошкент таронаси».
15.35 «Муқаддас қадамжо».
15.55 «Ўзбек адабиёти».
16.10 «Тошкентнома».
16.25 «Шарқ дарвозаси».
16.30 «Афсона ва ҳақиқат».
16.55 «Сувни асранг!»
17.00 «Даврнинг боласи».
18.30 «Ёшлар ва таълим».
18.50 «Ватан меҳри».
18.55 «Онажон қишлоғим».
19.30 «Шамоллар мусаввири». Т/с.
20.25 «Чемпион».
20.45 «Ёшлар киноси».
21.05 «Қасамёд». Т/с.
21.55 «Ардоқ».
22.30 Киноклассика: «Оцеола».
00.00 «Юрт тинчлиги».

TV ДАСТУР

ТОШКЕНТ

7.25 «Салом, Тошкент!»
8.25 Бизнес-«Пойтахт».
8.30 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
9.20 «Карвонсарой».
9.30 «Пойтахт».
9.40 «Тошкент—2200».
9.45 «Интервью» /рус/.
10.00 «Телекурьер-маркет».
10.15 «Тошкентда латифа».
10.25 «Ўйларим».
10.30 «Пойтахт» /рус/.
10.40 «Милагрос» /рус/.
11.20 «Икки олам аро». Б/ф.
12.50 «Дурдона».
13.00 «Салом, Тошкент!»
14.50 «Жаҳон операси».
15.00 «Пойтахт».
15.20 «Камер оркестрининг концерти».
15.50 «Ўт ўчирувчилар». Б/ф.
17.40 «Карвонсарой».
17.50 «Ака-ука Гриммлар». М/ф.
18.00 «Телекурьер-маркет».
18.15 2009 йил Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили. «Юртим жамоли».
18.30 «Пойтахт».
18.50 Бизнес-«Пойтахт».
18.55 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
19.45 «Репортаж».
19.55 «Тошкент—2200».
20.00 «Пойтахт» /рус/.
20.20 «Иқтисод-ревю» /рус/.
20.30 «Нима учун?»
21.00 «Милагрос». Т/с /рус/.
21.30 «Пойтахт».
22.10 «Қайсарнинг қуюлиши». Б/ф.

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
7.50 «Тет-а-тет».
8.00 «Хабарлар» (рус тил.).
8.20 «Малахов +».
9.05 «Теннис академияси». Сериал.
9.30 «Хабарлар» (ўзб. тил.).
9.55 Бокс. Халқаро турнир. Ярим финал.
10.55 Интерфутбол.
18.00 «Тет-а-тет».
18.10 «Спорт — менинг ҳаётим».
18.30 «Хабарлар» (рус тил.).
18.55 Теннис.
19.45 Футбол. Обзор матчей чемпионатов Италии.
20.15 Бел олиш кураши. Халқаро турнир.
20.45 «Ринг қироллари».
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тил.).
21.55 Интерфутбол. Испания кубоги. Финал. «Барселона» — «Атлетик».
23.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

15 МАЙ, ЖУМА

ЎЗБЕКИСТОН

06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
07.00 «Иқлим».
07.05 «Изҳор».
07.10 ТелеТеатр: «Аршин мол-алан».
07.50 «Олтин мерос».
08.00 «Ахборот».
08.30 «Робин Гуд». Т/с.
09.20 «Маънавият» дастури.
10.20 «Болалар дунёси».
10.40 «Таълимга эътибор — келажакка эътибор».
11.00 «Ахборот».
11.10 «ТВ-шифокор».
11.15 «Адолат тарозиси». Т/с.
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
12.50 «Иқлим».
12.55 Миллий сериал: «Алишер Навоий».
13.25 «Ҳаёт манзаралари».
«Болалар сайёраси»:
13.35 «Андерсен эртаклари». М/с.
14.00 «Ахборот».
14.15 «Бир ўлка-ки...»
14.35 «Олам ва одам» дастури: «Тирик сайёра».
15.30 «Умр манзаралари».
16.20 Ю. Ражабий номидаги мақом ансамблининг концерти.
16.40 «Икки дарё оралиғида».
17.00 «Ахборот».
17.15 «Саломатлик дастури».
17.55 «Сизнинг адвокатингиз».
18.00 «Олтин мерос».
18.05 Миллий сериал: «Алишер Навоий».
18.40 «Очун».
18.55 «Минг бир ривоят».
19.00 «Ҳидоят сари».
19.20 «ТВ-шифокор».
19.30 «Ахборот» /рус/.
20.00 «Умр манзаралари». 1-қисм.
20.35 «Муқаддас қадамжолар».
21.00 «Ахборот».
21.30 «Бекат».
21.55 «Робин Гуд». Т/с.
22.45 «Иқлим».
22.55 «Тўфон». Б/ф. 3-қисм.
24.00 «Бекат».
00.25 «Назм ва наво».
01.00 «Ахборот» /рус/.
01.30 «Ёшлар майдони».
02.00 «Маънавият» дастури.
04.00 «Ахборот».
04.30 ТелеТеатр: «Аршин мол-алан».
05.10 «Икки дарё оралиғида».
05.30 «Замондошим».

ЁШЛАР

7.00 «Ёшлар майдони».
7.45 «Олтин тупроқ».
7.50 «Сўнмас қўлдузлар».
8.10 Миллий сериал: «Қонли олишув».
8.55 «Ватан меҳри».
9.10 «Кувноқ дўмбоқчалар».
9.20 «Келажак эгалари».
9.30 «Менинг оилам».
9.35 «Автопатруль».
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Давр».
10.10 «Қасамёд». Т/с.
11.50 «Мўйқалам сеҳри».
12.15 «Ўзбек адабиёти».
12.20 «Ғолиб». Т/с.
13.10 «Чемпион».
13.30 «Шамоллар мусаввири». Т/с.
14.15 «Улуғ неъмат».
14.20 «Ёшлар ва таълим».
14.40 «Тошкент таронаси».
14.50 Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили: «Қишлоқдаги қадрдон».
15.00 «Ёшлар майдони».
15.30 «Ўзбек адабиёти».
15.35 «Бугундан эсдалик».
15.55 «Менинг оилам».
16.10 «Тасвир ва таассурот».
16.30 «Афсона ва ҳақиқат».
16.55 «Мафтункор замин».
18.30 «Сув ҳам тугайдими?»
18.50 «Ватан меҳри».
18.55 «Онажон қишлоғим».
19.30 «Шамоллар мусаввири». Т/с.
20.30 «Бугун».
21.05 «Қасамёд». Т/с.
22.30 Киноклассика: «Лочин изидан».

ТОШКЕНТ

8.25 Бизнес-«Пойтахт».
8.30 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
9.20 «Карвонсарой».
9.30 «Пойтахт».
9.45 «Юртим жамоли».
10.00 «Телекурьер-маркет».
10.15 «Репортаж».
10.30 «Пойтахт» /рус/.
10.40 «Милагрос» /рус/.
11.10 «Эртамиз эгалари».
11.25 «Тошкент—2200».
11.30 «Қайсарнинг қуюлиши». Б/ф.
13.00 «Салом, Тошкент!»
14.00 «Дунё» теледастури.
14.50 «Жаҳон операси».
15.00 «Пойтахт».
15.25 «Миллий таомлар». Ҳ/ф.
15.45 «Иқтисод-ревю» /рус/.
15.55 «Ягонамсан, Тошкентим!»
16.00 «Нафосат олами».
16.10 «Ёқимтой шаҳзода». Б/ф.
17.40 «Карвонсарой».
17.50 «Афиша» /рус/.
18.15 «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги олдидан. «Менинг шаҳрим».
18.30 «Пойтахт».
18.50 Бизнес-«Пойтахт».
18.55 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
20.00 «Пойтахт» /рус/.
20.30 «Тошкент оқшомлари».
21.00 «Милагрос» /рус/.
21.30 «Пойтахт».
22.10 «Орзулар изтироби». Б/ф.

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус тил.).
8.20 «Малахов +».
9.05 «Теннис академияси». Сериал.
9.30 «Хабарлар» (ўзб. тил.).
9.55 Бел олиш кураши. Ўзбекистон чемпионати.
10.30 Интерфутбол. Испания кубоги. Финал. «Барселона» — «Атлетик».
16.40 Футбол. Англия чемпионати. «МАНЧЕСТЕР ЮНАЙТЕД» — «АРСЕНАЛ». Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади. Танаффусда «Умид ниҳоллари».
18.30 ФУТБОЛ. ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИ. «ПАХТАКОР» — «НЕФТЧИ».
20.20 «Хабарлар» (рус тил.).
20.40 «ГОЛ».
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тил.).
21.55 «Рондо». Ток-шоу.
22.40 ФУТБОЛ. ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИ. «АНДИЖОН» — «БУНЁДКОР».

16 МАЙ, ШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
07.00 «Иқлим».
07.10 ТелеТеатр: «Аршин мол-алан».
07.50 «Олтин мерос».
08.00 «Ахборот».
08.35 «Самсон ва Салли». М/ф.
09.35 «Мусиқа дунёси».
09.55 «Минг бир ривоят».
10.00 «Ҳидоят сари».
10.20 1. «Рангинкамон». 2. «Дидар».
11.00 «Оналар мактаби».
11.20 «Умр манзаралари». 1-қисм.
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 «Иқлим».
13.05 Миллий сериал: «Алишер Навоий».
13.45 «Кўҳна оҳанглар».
14.00 «Ахборот».
14.20 «Азизим».
14.50 «Сен учун». Б/ф.
16.45 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.05 «Ўзбегим ёшлари дунё бўйлаб». 1-қисм.
17.45 «Минг бир маслаҳат».
18.10 «Саломатлик сирлари».
18.30 «Рангин дунё».
18.50 «Очиқ дарс». Ток-шоу.
19.30 «Ахборот» /рус/.
20.00 «Умр манзаралари». 2-қисм.
20.35 «Шарқ тароналари».
21.00 «Ахборот».
21.40 «КиноТеатр».
22.10 «Фред қаерда?» Б/ф.
00.10 «Ўзбегим ёшлари дунё бўйлаб». 1-қисм.
00.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Гўзаллик оламида».
01.00 «Ахборот» /рус/.
01.30 «Ёшлар майдони».
02.00 «КиноТеатр».
02.30 Миллий кино: «Кўзларим йўлингда».
03.50 «Очун».
04.00 «Ахборот».
04.30 ТелеТеатр: «Аршин мол-алан».
05.10 «Очиқ дарс». Ток-шоу.

ЁШЛАР

7.00 «Ёшлар майдони».
7.30 «Ўзбек адабиёти».
7.45 «Қадрдон қўшиқлар».
7.50 «Уйимдаги фаришгам».
8.10 Миллий сериал: «Қонли олишув».
8.55 «Ватан меҳри».
9.10 «Динотопия». Б/ф.
9.40 «Илҳом қанотлари».
10.00 «Давр».
10.10 «Қасамёд». Т/с.
11.00 «Ватан меҳри».
11.10 «Юртим юраги».
11.20 Жаҳон киноси: «Инспектор Гажет».
12.50 «Ўзбек адабиёти».
13.00 «Давр».
13.10 «Афросиёб». Ҳ/ф.
13.30 «Шамоллар мусаввири». Т/с.
14.15 «Тошкент—2200».
14.20 «Тараннум».
15.00 «Ёшлар майдони».
15.30 «Онажон Тошкентим».
15.35 «Тасвир ва таассурот».
15.55 «Ўзбек адабиёти».
16.00 «Давр».
16.30 «Табассум қил!»
16.40 «Чемпион».
17.00 «Даврнинг боласи».
17.10 «Эртаклар оламида».
18.50 «Тошкент—2200».
18.55 «Онажон қишлоғим».
19.00 «Давр».
19.30 «Шамоллар мусаввири». Т/с.
20.20 «Айланай...»
20.50 «Сеҳрли қўллар».
21.10 «Ватан меҳри».
21.20 «Қалпоқ». Ҳажвия.
22.00 «Давр».
22.30 Киноклассика: «Оқ бўрилар».
00.00 «Юрт тинчлиги».

ТОШКЕНТ

7.25 «Салом, Тошкент!»
8.25 Бизнес-«Пойтахт».
8.30 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
9.20 «Карвонсарой».
9.30 «Пойтахт».
9.40 «Тошкент—2200».
9.45 «Интервью».
10.00 «Телекурьер-маркет».
10.15 «Тошкентда латифа».
10.25 «Ягонамсан, Тошкентим!»
10.30 «Пойтахт» /рус/.
10.40 «Милагрос» /рус/.
11.10 «Афиша».
11.20 «Орзулар изтироби». Б/ф.
13.00 «Салом, Тошкент!»
14.00 «Дунё» теледастури.
14.50 «Жаҳон операси».
15.00 «Открытая дверь».
15.30 «Тошкент—2200.
15.35 «Анонс».
15.40 «Саломат бўлинг!»
16.00 «Капитан Зум». Б/ф.
17.20 Тошкент. Мозийга назар. Ҳ/ф.
17.40 «Карвонсарой».
17.50 «Афиша».
18.00 «Телекурьер-маркет».
18.15 «Истеъдод».
18.30 «Пойтахт».
18.50 Бизнес-«Пойтахт».
18.55 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
19.45 «Репортаж».
19.55 «Ўйларим».
20.00 «Пойтахт» /рус/.
20.20 «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили». Давлат дастурининг ижроси юзасидан.
«Тошкент ва тошкентликлар».
21.00 «Милагрос» /рус/.
21.25 «Анонс».
21.30 «Пойтахт».
21.50 «Анонс».
21.55 «Телекурьер-маркет».
22.10 «Сильвия». Б/ф.

СПОРТ

8.00 «Бодрое утро».
8.50 «Тет-а-тет».
9.00 «Хабарлар» (рус тил.).
9.25 «Ғаройиб ўйин». Ҳужжатли фильм.
10.00 «Хабарлар» (ўзб. тил.).
10.25 «Спиди — пойгачи». Бадиий фильм.
12.30 «Файтер». Восточные единоборства.
13.00 «Спорт салтанати».
13.20 «Рақибингиз — гроссмейстер».
18.00 «Соғлом оила».
18.30 «Хабарлар» (рус тил.).
18.55 «Фото-ревю».
19.15 «Ring»да Костя Цзю — Рожер Майвезер.
19.50 Интерфутбол.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тил.).
21.55 Кикбоксинг. Ўзбекистон чемпионати.
23.40 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Локомотив» — «Олмалиқ».
01.20 «Тунингиз осуда бўлсин!»

17 МАЙ, ЯКШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
07.10 «Сени излаб». В/ф.
07.45 «Тонги наволар».
08.00 «Ахборот».
08.40 «Бизнинг кутубхона».
08.50 «Финли ва унинг дўстлари». М/ф.
10.00 «Саломатлик сирлари».
10.20 «Минг бир ҳунар».
10.35 «Ойдин ҳаёт». Ток-шоу.
11.20 «Умр манзаралари». 2-қисм.
11.55 ТВ-анонс.
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 «Иқлим».
13.05 ТВ-анонс.
13.10 Ҳинд киноси: «Дўстлик».
15.20 «Кўрсичқоннинг саргузаштлари». М/ф.
16.55 ТВ-анонс.
17.00 «Минг бир ривоят».
17.05 «Ўзбегим ёшлари дунё бўйлаб». 2-қисм.
17.45 «Ҳамон ёдимда...»
18.25 «Олис осмон». В/ф.
19.25, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома» /рус/.
20.00 ТВ-анонс.
20.05 Миллий сериал: «Денгиздан томчи».
20.35 «Кўнгил қўшиқ истайди».
20.50 ТВ-анонс.
21.00 «Таҳлилнома».
21.45 ТВ-анонс.
21.50 «Заковат».
22.45 «Муҳаббат қиссаси». Б/ф.
00.20 «Ўзбегим ёшлари дунё бўйлаб». 2-қисм.
01.00 «Таҳлилнома» /рус/.
01.30 ТВ-анонс.
01.35 «Ойдин ҳаёт». Ток-шоу.
02.20 «Минг бир ривоят».
02.25 «Ҳамон ёдимда...»
03.05 «Заковат».
04.00 «Таҳлилнома».
04.40 Миллий кино: «Кўргилик».
05.45 Тонги наволар.

ЁШЛАР

7.00 «Якшанба нонуштаси».
7.20 «Табассум қил!»
7.30 «Қадрдон қўшиқлар».
7.40 «Соғлик-бойлик».
8.00 «Kinomaniya».
8.30 Киноклассика: «Иван Васильевич касбини ўзгартиради».
10.00 «Ватанпарвар».
10.40 «Ёз ҳангомаси». В/ф.
11.30 «Болалар давраси».
12.00 «Эртаклар оламида».
13.10 «Навоий набиралари».
13.20 «Ватан меҳри».
13.30 «Шамоллар мусаввири». Т/с.
14.15 «Ўзбек адабиёти».
14.20 «Камолот».
14.30 «Эверест».
15.00 «Шарқ оҳанглари».
15.50 «Табассум қил!»
16.00 «Жумонг». Т/с.
17.10 «Қалпоқ». Ҳажвия.
17.30 «Қайнона». Б/ф.
18.50 «Ватан меҳри».
18.55 «Онажон қишлоғим».
19.00 «Давр». Ҳафта якуни.
19.30 «Рўзғор мактаби».
20.00 «Тараннум».
20.45 «Ёшлар киноси».
21.00 Миллий кино: «Нотаниш».
22.30 Киноклассика: «Онтарио соҳилидаги воқеа».

ТОШКЕНТ

7.25 «Салом, Тошкент!»
8.20 Бизнес-«Пойтахт».
8.30 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
9.20 «Карвонсарой».
9.30 «Пойтахт».
9.40 «Репортаж».
9.50 «Афиша».
10.00 «Телекурьер-маркет».
10.15 «Истеъдод».
10.30 «Пойтахт» /рус/.
10.45 Ҳинд киноси: «Муҳаббатга ошиён юрак».
13.00 «Салом, Тошкент!»
14.05 «Рататуй». М/ф.
15.55 «Саргузаштлар ороли».
16.20 «Карвонсарой».
16.30 «Анонс».
16.35 «Телекурьер-маркет».
16.50 «Нафосат олами».
17.00 Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига: «Менинг шаҳрим».
17.15 «Болаликка қайтиб».
17.30 «Қалпоқ ўйин». Ўзбек Миллий академик драма театрининг спектакли.
19.50 «Ягонамсан, Тошкентим!»
20.10 «Тошкент—2200».
20.15 «Тошкентда латифа».
20.20 «Кинотақдим».
20.50 «Открытая дверь».
21.20 «Ёмғир одами». Б/ф.

СПОРТ

8.00 «Бодрое утро».
9.00 «Хабарлар» (рус тил.).
9.20 «Кувноқ стартлар».
10.00 «Хабарлар» (ўзб. тил.).
10.25 «Гол».
11.10 «Аптека слушает».
12.00 Спортивное кино «Баскетбол в стиле кунг-фу». Художественный фильм.
18.00 «Тет-а-тет».
18.10 «Умид ниҳоллари».
18.30 «Версия». Информационно-аналитическая программа.
19.05 «АВТОграф».
19.30 «Вилоят спорти».
20.30 «Профринг».
21.20 «Талқин». Информацион-таҳлилий кўрсатув.
21.55 Интерфутбол. Испания чемпионати. Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
23.50 Теннис.

Телевизионная программа предоставлена ООО «САДО».

ХОНАДОН

Пазандалик сирлари

СМЕТАНАДА ТАЙЁРЛАНГАН ҚЎЗИҚОРИНЛАР

Керакли масаллиқлар: 500 г қўзиқорин, 100 г сариёғ, 1 ст. сметана, туз, мурч, озгина укроп, 500 г. картошка, 3 дона пиёз, 1 ош қошиқ ун.

Ювиб, тозаланган қўзиқоринларни йирик-йирик тўғраб, устига совуқ сув қуйиб, паст оловда 10 дақиқа давомида қайнатилади ва сувидан силқитиб олинади. Қиздирилган товага сариёғнинг 3/2 қисми солиб эритилади. Унга ўртача катталикда тўртбурчак шаклида тўғралган картошкани солиб 10 дақиқа давомида, аралаштириб турган ҳолда қовурилади. Картошка устига қўзиқоринларни солиб, эҳтиёткорлик билан аралаштириб, товага қопқоқ ёпиб 5 дақиқага димланади. Бошқа бир товага сариёғнинг қолган қисмини солиб, унга майда тўғралган пиёзни солиб, устига ун сепиб, нимпушти рангга келгунча қовурилади ва уни сметана билан бирга картошкали товага солинади. Таъбга кўра туз, мурч сепиб аралаштирилади ва 10 дақиқага димланади. Тайёр таом устига майда тўғралган укроп сепилади.

ГЎШТЛИ ПИРОГ

Масаллиқлар: 450 г тайёр хамир, 600 г қийма, 2 дона тухум, 200 г шампиньон қўзиқорини, 1 дона сал қотирилган булочка, 60 г думба ёғи, 1 бош пиёз, 2 бўлак саримсоқ, 1 боғ петрушка, 1,5 қошиқ сариёғ, туз ва мурч.

Қўзиқоринларни юпқа қилиб, думба ёғини майда тўртбурчак шаклда, пиёз билан саримсоқни эса майдалаб тўғранг. Пиёз билан думба ёғини сариёғда қовуринг. Кейин бу жараёнга шампиньон, тўғралган петрушка ва саримсоқни ҳам қўшасиз. Туз ва мурч сепиб, суюқлиги тўлиқ кетгунича қовуришда давом этасиз.

Булочкани аввалдан сувда ивитиб қўйинг. Кейин уни сувдан олиб қийма, тухум ва қовурилган масса билан аралаштиринг. Туз ва мурчни тобига келтиринг.

Энди хамирни иккига бўлиб, уларни ёйинг. Хамирдан бирини намланган товага жойлаб, устидан тайёрланган қиймани бир хил қалинликда солиб чиқинг. Устига иккинчи бўлак ёйилган хамирни қўйиб, четларини ёпиштиринг.

Пирогнинг ўртасидан тешик ҳосил қилиб, 220 даража ҳароратдаги газ печида 50 дақиқа атрофида пиширасиз.

Полезные советы

МОЛОДЫМ ХОЗЯЙКАМ

● Чтобы придать блеск сковороде, ее моют и сильно натирают солью.

● Чтобы удалить с посуды коричневые пятна, появившиеся при выпечке в духовке, их хорошо чистят солью и моют до тех пор, пока пятна не исчезнут.

● Мясорубка лучше всего отмывается горячей водой с содой. Затем ополосните, и оставьте части просохнуть.

● Чтобы устранить от рук запах чеснока, натрите руки солью и вымойте в теплой воде.

● Блеск металлическим предметам можно придать, натирая их сухой смятой газетной бумагой.

● Ржавые пятна от посуды отчищаются при натирании тряпкой, смоченной растительным маслом.

● Новую сковородку необходимо прокалить с жиром, а затем протереть с солью.

● От неприятного запаха на кухне можно избавиться, если прокипятить на плите в открытой посуде небольшое количество воды с добавлением уксуса и через некоторое время проветрить.

Bolajonlar, sizlar uchun!

BALIQ

Xoh maydadir, xoh yirik,
Doim suv bilan tirik.
Unga qilaman havas,
Suvda oladi nafas.

BAQA

Suvda ham, quruqda ham
Yashayversa-da har dam,
Suvda yayraydi juda,
Qurillar faqat suvda.

LABIRINT



Bagz Banni o‘rmonga qanday yetib oladi?

БЕКАТ

СКАНВОРД

											Ҳарир мато
	Истиқлол		Йўлбошчи	Тартиб ...		Ҳамроҳ	Электрзина		Ўкинч	Пилласпоя	
							Коинот				
	Кекса инсон		Тошкентдаги канал	Ўртоқлик							
				Муҳаммад ... (адиб)				Кўрсатиш олмоши			
	Ғаллакор анжоми				Саҳна асари / Дераза асоси						Олов
	Мангу	Истеҳком, кўрғон						Нарсанинг устки томони	Айланувчи қисм	Чўққи	
					Сув йўли		Фурсат / Валюта				
Метро бекати						Оғир, вазмин					Газлама
						Ибрат			... Форобий		
Тошкентдаги нурхона		Исм						... ҳимояси-иймон рамзи		Самолёт маркаси	
	Йиртқич		Қирғизистон шаҳри	Ҳўл мева		Саф		От (шева)			
						Эстония шаҳри					
	Олам фили қайтаролмас журъатимиз, Чархдан зўрроқ шавкатимиз-қудратимиз. Гар чумоли кириб қолса сафимизга, Шер этажак уни дарҳол давлатимиз. Паҳлавон Маҳмуд						Кимёвий элемент				
											Ҳинд кино санъаткори
							Тақдири ...		Яхши, аъло	Саноқ сон, такрор	Мебель
										→	Ўзбек ўймакор наққоши

ГАЗЕТАНИНГ 18-СОНИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН СКАНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

ЭНИГА: «Шайбонийнома». Курант. Лион. Инобат. Реал. Илон. Шу. Тос. Ов. Ашула. Аскар. Вал. Ота. Азимут. Пи. Километр. Бор. Заиф. Бе. Ирқ. Анри. Лоф. Стандарт. Ва. Назр. Ор. Кўз. Транспортир.

БЎЙИГА: Шакарпалак. Йўрғатувалоқ. Ойна. Йилнома. Ион. Нашвати. «ТУ». «Лолазор». Ил. Бутан. Мезана. Ра. Окоп. Дев. Трир. Унвон. Фил. Обаки. Соат. Ибрат. Дарс. Зўр. Арз.

Фозилжон ОРИПОВ тузди.

АСТРОЛОГИЧЕСКИЙ ГОРОСКОП

Груз незавершенных дел на этой неделе окажется весьма тяжелым. Не стоит огорчаться, если вам придется столкнуться с определенными препятствиями в делах. В середине недели возможны перемены, которые пойдут вам на пользу.

Ваши дела пойдут в гору. Напрасная суета вокруг вас может вызвать некоторое раздражение. Постарайтесь расслабиться и жить с удовольствием. Вам неожиданно помогут родственники, от которых вы ничего не ждете. В выходные не растрачивайте силы по мелочам.

Успех ваших дальнейших действий будет зависеть от того, насколько хорошо вы к ним подготовитесь, насколько четко и подробно спланируете свои действия. Вам помогут последовательность и осторожность. Близкие люди потребуют к себе много внимания.

Препятствия, возникающие на вашем пути, будут успешно преодолены и не сыграют никакой роли в дальнейшем течении событий. Ваш потенциал огромен – вы можете организовать и воплотить в жизнь новый перспективный проект, который достойно оценят окружающие.

Наступает звездное время. Соединив вдохновение с земными задачами, вы сможете раскрыть свой потенциал и укрепить материальное положение. Ваша помощь будет необходима родным. Выходные посвятите собственному отдыху.

На этой неделе перед вами могут открыться новые возможности. Не афишируйте свои планы, тогда удача будет на вашей стороне. Не стоит увлекаться раздачей ценных указаний и критических замечаний, чтобы не получить в ответ шквал эмоций от близких людей.

Если на этой неделе вы проявите настойчивость и целеустремленность – сможете добиться успеха в карьере. Нужно готовиться к принятию серьезных решений. Можете рассчитывать на поддержку и помощь друзей. Выходные располагают к комфортному отдыху.

На этой неделе у вас появится шанс наверстать упущенные возможности на работе. Вы сможете проанализировать, по каким сценариям разворачиваются ваши отношения с людьми. Постарайтесь не поддаваться на эмоциональные провокации.

В течение недели особенно ярко проявятся целеустремленность и самодисциплина. Вам легко будет реализовать свои творческие замыслы. Результативными и приятными будут дальние поездки и командировки. Проявите чуть больше внимания к окружающим.

Вам потребуется выдержка и четкость во всем. Необходимо реализовать хотя бы часть намеченных планов. На этой неделе вы сможете между делом решить для себя вопрос, где и чему именно вам необходимо учиться. Друзьям может понадобиться ваша помощь.

В начале недели желательно не предпринимать ничего значительного. Желательно сосредоточиться на служебных делах. Не упускайте контактов с людьми, которые могут быть вам полезны в профессиональном плане. Вас может ожидать приятное известие.

То, к чему вы стремитесь, может оказаться противоположным тому, что вам необходимо совершить в реальности. Страх за свое будущее может заставить вас строить «коварные замыслы». Не стоит поддаваться этому разрушительному желанию.

Табассум

БОРСАНГ, КЎРАСАН...

Йўл транспорт ҳодисасига учраган эр турмуш ўртоғига бу янгиликни секин-аста тушунтиришга ҳаракат қилди:

– Азизам, сен бирон марта эзгиланган юзталик пулни кўрганмисан?

– Ҳа, нима эди?

– Мингталикни-чи?

– Албатта.

– Эзгиланган миллионларни-чи?

– Йўқ.

– Унда гаражга борсанг, кўрасан...

ҚАЙЧИ ҚАНИ?

Сартарошхонада сочлари жуда ўсиб кетган йигит ўтирибди. Сартарош унинг атрофида у ёқдан бу ёққа ўтиб, боши узра магнит айлантираяпти.

– Нима, бу соч олишнинг янги усулими? – деб сўради мижоз.

– Йўқ-йўқ, мен шунчаки, қайчимни қидираяпман.

САХИЙ ГАРДЕРОБЧИ

Эр-хотин ресторандан чиқиб келишмоқда.

– Миша, нима ақлдан оздингми? – деб эрига ўшқирди аёл. – Нега гардеробчига беш юз сўм бердинг?

– У менга қандай телпак тутқазганини бир кўрсанг-чи.

ҲАМ ЎҒИЛ, ҲАМ...

Ҳар нарсага қизиқувчан кампир болалар аравачасига мўралаб қаради:

– Қандай ажойиб эгизаклар! Иккови ҳам ўғилми?

– Йўқ, ўнгдагиси ўғил, – деди аравача эгаси, – чапдагиси эса қовун.

ОТДЕК СОҒЛОМ-КУ!

Куёв шифохонанинг жонлантириш бўлимида ётган қайнонасини кўриб келди ва хотинига ўшқира кетди:

– Ойинг отдек соғлом, эрта-индин касалхонадан чиқади ва яна бизникида туради!

– Йўғ-э, ахир дўхтир менга «ойингиз кўпга бормайди», деганди-ку?!

– Сенга нима деганини билмадиму, менга «Энг ёмон ҳолатга тайёр бўлиб туринг», деди.

ЯХШИСИ, ҲАММОМГА БОР

Ширакайф икки ўртоқ суҳбатлашиб қолди:

– Агар бурун қичиса, нима бўлади?

– Тўйиб овқат ейсан.

– Қулоқ қичиса-чи?

– Сени кимдир эслаётган бўлади.

– Ўнг кафтинг қичиса-чи?

– Қўлингга пул тушади.

– Чапи қичиса нима бўлади?

– Кимгадир пул берасан.

– Ўнг оёқ қичиса-чи?

– Эй, оғайни, сен яхшиси ҳаммомга бориб, яхшилаб чўмилиб олсанг бўларкан!

С. ПЎЛАТОВ тайёрлаган.

Рекорды Книги Гиннесса

Компания Toshiba сегодня сообщила, что Книга рекордов Гиннесса пополнилась записью о ее жестком 0,85-дюймовом диске, который признан самым маленьким НМД в мире.

Редакция «Книги рекордов Гиннесса» официально подтвердила установленный в Дубае рекорд по единовременному чтению для массовой детской публики.

Ливанец Халил Семхат вырастил на своей ферме гигантскую картошку весом 11,3 кг. Чтобы вытащить огромный клубень из земли ему понадобилась помощь друга.

ДУНЁ НАФАСИ

«ЭЛЕКТРОН ҚОҒОЗ»



Цинциннат университети профессори Жейсон Хейкенфельд «электрон қоғоз»нинг янги турини кашф этди. Мазкур янгилик ўта юпқа дисплейи билан бошқаларидан фарқ қилади.

Олимнинг таъкидлашича, янги «электрон қоғоз»нинг афзаллиги ёрқин рангларда акс этишида экан. Электрон китобларни ўқишга мўлжалланган стандарт мосламаларда экрандаги бу хусусият 30-40 фоизни ташкил этган бўлса, мазкур ихтирода бу 60 фоиздан ошиши мумкин.

«Электрон қоғоз» нинг яна бир афзаллиги бир ёки бир неча миллисекунд ичида қора рангдан оққа ўтиши билан изоҳланмоқда.

ИНСОФЛИ ТАКСИЧИГА МУКОФОТ

Икки ҳафтача муқаддам аргентиналик 49 ёшли таксичи Сантьяго Гори автомобилнинг орқа ўриндиғидан нафақахўр йўловчининг 35 минг доллари ва ҳужжатлари солинган портфелини қолдириб кетганини сезиб қолади. Ҳужжатларга асосан ҳайдовчи йўловчини қидириб топади ва омонатни эгасига топширади.

Маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг тарқатган хабарига кўра, дўстлари инсофли ҳайдовчи учун ҳатто, интернетда махсус ҳисоб рақами очиб, пул йиғишмоқда. Аллақачон 3000 доллар маблағ йиғилгани ҳам маълум қилиняпти.

Шунингдек, Горига ўнлаб шиналар совға қилинган, ўзи ва оиласи учун тил ўргатиш курсларида бепул шуғулланиш таклиф қилинган.

Бу хайрли иши учун ҳайдовчи 3500 доллар пул билан ҳам мукофотланган ва у маблағни кредитни қоплаш учун тўлаган.

ҚАРОҚЧИЛАР ҚАЙИҒИ МУЗЕЙДА

«Сомали қароқчиларининг қайиғи Болтиқ ҳарбий музейининг экспонатига айланди», дея хабар тарқатилган Интернет сайтларида.

Айтиш лозимки, Россиянинг Болтиқ флотига қарашли қўриқчи кема февраль ойининг охирларида қўлга туширилган қайиқни ўлжа сифатида олиб келганди. Қолаверса, махсус экспозициядан «Неустрашимый» кемасининг мазкур воқеа билан боғлиқ ҳужжатлари, суратлари ҳам ўрин олган.

Қайиқ музейнинг шундоққина ҳовлисида жойлаштирилган. Музей маъмуриятининг таъкидлашича, хоҳловчилар унинг ёнида бемалол суратга тушиши мумкин экан.

ҲАРАКАТЛАНАДИГАН ГЕЛЬ



Япониядаги Васеда университетининг Сюдзи Хасимото лабораториясида Синго Маэда бошчилигидаги олимлар капалак қурти сингари ҳаракатланадиган гель яратишди. Шуни таъкидлаш лозимки, полимерлар асосида тайёрланган гель атрофдаги кимёвий таъсирларга қараб ўзининг рангини, муҳими, ўлчамини ўзгартириш хусусиятига эга.

Тадқиқотчилар бу кашфиётнинг келажакда автомобиллар ҳаракатини бошқаришдаги электрон воситаларни, яъни сим ва бошқа қаттиқ детелларни тайёрлашда қўллаш мумкинлигини таъкидлашмоқда.

Интернет материаллари асосида тайёрланди

МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА

Европа иттифоқи инқироз марказида

Люксембург бош вазири ва евро ҳудудидаги иштирокчи мамлакатлар молия вазирларини бирлаштирувчи Еврогуруҳ раиси Жан-Клод Юнкер Европа Иттифоқи ижтимоий инқироз йўналишида ҳаракатланаётгани ҳақида огоҳлантирди, деб хабар қилади РИА Новости ахборот агентлиги. «Биз иқтисодий ва молиявий инқироз марказида турибмиз ва биз эндиликда ижтимоий инқироз йўналишида ҳаракатланмоқдамиз», – деди у Брюссель шаҳрида журналистлар билан бўлган учрашувда.

Испанцы создали новый суперкар

Испанский автопроизводитель GTA представляет у себя на родине новый суперкар под названием «Spano». Дизайн и вся техническая основа были разработаны испанцами самостоятельно. Как передает WorldCarFans, одной из наиболее примечательных особенностей во внешности машины стала стеклянная крыша, 19-дюймовые передние колесные диски и 20-дюймовые задние с шинами марки «Pirelli», широкий задний спойлер и массивные двойные выхлопные трубы.

Покистонда террорчилик содир этилди

Покистоннинг шимоли-ғарбидаги Хайбер туманида террорчи портлаш моддалари билан тўлдирилган автомобилни ҳарбий блокпост томон йўналтирган. Кучли портлаш натижасида камида 10 киши ҳалок бўлган, 30 га яқин киши эса яраланган. Маълум бўлишича, ҳалок бўлганларнинг 5 нафари ҳарбий хизматчилар. Полиция вакилининг маҳаллий оммавий ахборот вакилларига берган маълумотига кўра, маҳаллий мактаблардан бири ҳам жиддий зарар кўрган. Яраланганлар орасида бир неча нафар ўқувчилар ҳам бор.

Швейцарский банк потерял 1,75 млрд. долларов

Убытки крупнейшего по активам швейцарского банка UBS составили в первом квартале 1,98 миллиарда швейцарских франков (1,75 миллиарда долларов) по сравнению с 11,6 миллиарда франков убытка, зафиксированных банком в первом квартале прошлого года, передает агентство Bloomberg.

«Чўчқа гриппи»ни даволаш мумкин

A/H1N1 гриппини даволаса бўлади ва дунё бўйича саросимага тушишга сабаб йўқ. Бу ҳақда Мексика бош эпидемиологи Гильермо Руис Паласиос баёнот берди, деб хабар қилади РИА Новости агентлиги. «Ҳозирги вақтда биз ўлим ҳолатларини ҳам ҳисобга олган ҳолда A/H1N1 гриппининг янги вируси билан касалланиш ҳолатларининг барчасини синчковлик билан таҳлил қилиб чиқмоқдамиз. Бунда ўлимга олиб келган сабабларга алоҳида эътибор қаратаяпмиз», – деди агентлик вакили билан суҳбатда Гильермо Руис Паласиос.

Национальное бедствие Австралии

Правительство Австралии, возможно, начнет оплачивать операции, позволяющие сбросить лишний вес. Чтобы побороть ожирение, которое стало настоящим национальным бедствием, австралийским налогоплательщикам предлагается покрывать расходы на операции по бандажированию желудка, сообщает газета «The Herald Sun». По некоторым данным, бандажирование желудка позволяет пациентам терять до 60% веса.

(www.NEWSru.com).

ЁШЛАР

ЎҚУВЧИЛАРДАГИ ҚИЗИҚИШ ҲАВАСИНГИЗНИ КЕЛТИРАДИ

МХХ Чегара қўшинларига қарашли ҳарбий қисмларда ёш авлодни Ватанга садоқат ва фидойилик руҳида тарбиялаш, аҳоли ўртасида ҳарбий касб нуфузини оширишдек эзгу мақсад йўлида маҳаллий ҳокимлик, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, олий ва ўрта махсус таълим муассасалари билан кенг ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Санъат коллежида ташкил этилган «Ёш чегарачилар» клуби ҳам ана шундай ҳамкорлик мевасидир. Клуб аъзоларининг шарафли касб тўғрисидаги билимларини бойитиш, уларни посбонлар фаолияти билан таништириш, соҳага ҳавас уйғотишда ҳарбий қисм офицер ва сержантлари катта кўмак бериб келишаётир. Коллеж ўқувчилари – ёш санъаткорлар эса турли байрам ва тадбирлар, тантаналарда ўзларининг чиқишлари билан ҳарбий хизматчиларнинг сермазмун ҳордиқ чиқаришларига замин яратишмоқда.

– Бугунги кунда ҳарбий касб кўплаб ёшларнинг орзусига айланиб улгурди, – дейди коллеж директори Адҳам Саманов. – Ўқувчилардаги шарафли соҳага интилиш, қизиқишни кўриб, ҳавасингиз келади. Коллежимизга ҳарбий хизматчилар ташриф буюриши ҳар гал улар учун катта байрамга айланади. Бундай пайтларда ўқувчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишади, Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган ислоҳотлар тўғрисида маълумотга эга бўладилар.

Коллеж ва ҳарбий қисм қўмондонлиги томонидан ташкил этилиб келинаётган учрашувлар, давра суҳбатлари, интеллектуал ўйинлар ҳам барчага манзур бўлмоқда. Ҳарбий хизматчилар иштирокидаги қўл жанги машқларини зўр иштиёқ билан кузатадиган ўқувчилар қалбида миллий армиямизга нисбатан фахр, ғурур ҳислари уйғонаётганини англашнинг ўзи кишига ҳузур бағишлайди.

Майор Ш. БОЗОРОВ.

ОЗОД ВА ОБОД ЮРТНИНГ БАХТИЁР ФАРЗАНДЛАРИ

Пойтахтимизнинг Ҳамза тумани ҳудудида жойлашган Низомий номли Тошкент давлат педагогика университети қошидаги академик лицейида мамлакатимизнинг турли вилоятларидан келган беш юзга яқин ўғил-қиз таълим олишмоқда. Уларга турли фанлардан етук, малакали устозлар таълим ва тарбия беришмоқда. Академик лицей ўқувчилари барча фанлардан «яхши» ва «аъло» баҳолар билан ўқиш баробарида турли фан олимпиадалари, кўрик-танловлар ва спорт мусобақаларида фаол иштирок этиб келишмоқда. Хусусан, яқинда академик лицейда Президентимизнинг «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида ўқувчилар ўртасида ижодий ишлар кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда ўқувчилар иншо, макет ва расмлар билан иштирок этишди.

– Кўрик-танловга тақдим этилган 46 та ижодий иншодан, – дейди академик лицей маънавият-маърифат ишлар бўйича директор муовини вазифасини бажарувчи Махсуд Авезов, – энг сараларини ажратиб олиш нуфузли ҳайъат аъзолари учун осон бўлмади. Ўқувчиларнинг орзу-истаклари турли-туман. Кимдир муҳандис, кимдир қурувчи бўлишни орзу қилган. Келажакда ҳарбий бўлишни орзу қилганлар ҳам анчагина.

Хорижий тиллар гуруҳи ўқувчиси Умид Суннатуллаевнинг «Менинг орзуимдаги уй» мавзусида чизган расми барча ҳайъат аъзоларига маъқул бўлди. Шу боис унга биринчи ўрин берилди. Табиий фанлар гуруҳи ўқувчиси Гулҳаё Мадаминова чизган расм иккинчи ўринга, ижтимоий-гуманитар гуруҳ ўқувчиси Нурбек Ғозибеков чизган расм учинчи ўринга муносиб кўрилди.

Барча ғолиблар академик лицей маъмурияти ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бўлими томонидан қимматбаҳо совғалар ва «Фахрий ёрлиқ»лар билан тақдирланишди.

– Биз бахтиёр ёшлармиз, – дейди фахр билан тўлқинланиб кўрик-танлов ғолибларидан бири, ёш, ҳаваскор шоира Маҳбуба Шамсиева. – Юртбошимиз бизларга чексиз ғамхўрлик кўрсатмоқда. Озод ва обод Ватан бағрида ҳар томонлама камол топаяпмиз. Ўқиб-ўрганишимиз, келажакда юрт корига ярайдиган инсонлар бўлиб етишишимиз учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Бунга жавобан биз ёшлар аъло ўқишларимиз шарт. Лицейимизда турли кўрик-танловлар ўтказилиб турганлиги қувонарли, албатта. Чақириққа қадар бошланғич тайёргарлик доирасида «Шунқорлар» ҳарбий-спорт ўйинларида лицейимиз жамоаси туман босқичида фахрли учинчи ўринни олди. «Менинг орзу ва истакларим» кўрик-танлови ҳам жуда қизиқарли ўтди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бундай кўрик-танловлар ёшларимиз келажакда етук инсонлар бўлиб етишишларида муҳим аҳамиятга эга.

Абдураззоқ ОБРЎЕВ.

Хотирлаш – юксак қадрият

ДОРИЛОМОН КУНЛАР ШУКУҲИ

Пойтахтимиздаги сўлим Хотира майдонини сайр қилар эканман, бу ердаги сокин ва сирли сукунатдан вужудимни аллақандай ҳислар эгаллади. Дарахтлар шивирлашаётгандек, тарихдан сўзлашаётгандек, гўё. Ранг-баранг гуллар эса тинчлик нашидасидан мамнундек, кўнгилларга таскин улашаётгандек...

Сершовқин шаҳарнинг қоқ марказида жойлашган бу майдон атрофида ўзгача сокинлик ҳукмрон. Мотамсаро она қиёфасида ўз жигарбандини умид билан интиқиб кутаётган ўзбек аёли тимсолини кўрасиз. Майдоннинг ён томонларидан жой олган «Хотира китоблари»да жангтоҳларда жон олиб-жон берган ватандошларимизнинг номлари зарҳал ҳарфларда абадий муҳрланган. Ҳа, иккинчи жаҳон урушидаги ғалаба учун минглаб ўзбек ўғлонлари жон фидо қилишди. Фронт ортида туну кун меҳнат қилган, бир бурда нонини ўзгалар билан баҳам кўрган бағри кенг ватандошларимизнинг матонатлари эвазига қўлга киритилди, бу улкан ютуқ. Уларнинг хотиралари доимо қалбимиздадир.

Китобларни бирма-бир варақлар эканман, ҳамқишлоғимиз Тожимурод бобонинг иккинчи жаҳон урушида бошидан ўтказганлари тўғрисидаги ҳикоялари ёдимга тушди. Тенгқурларим билан Тожимурод бобонинг ҳикояларини қизиқиб эшитардик. Бобо гап орасида бугун ёшларга яратилаётган имкониятлар, Ватанимизнинг мустақиллиги-ю, унинг бугунги кундаги эришаётган ютуқлари ҳақида қувониб сўзларди. «Э, болаларим Аллоҳга шукурки, ҳур замон ҳам келди. Юртимиз фаровон, маҳаллаларимиз обод, муҳими, тинчлик бор-да болам, тинчлик! Мамлакатимиз кундан-кунга чирой очиб бормоқда. Айниқса, сизлардай ёш йигитларга ҳавасим келади. Ёшларимизга давлатимиз томонидан яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиш, ўқиб, илм олиш керак», дерди.

Даврнинг ўзига хос машаққат, қийинчиликларини кўрган, айниқса уруш даҳшатларига гувоҳ бўлган нуронийларимиз билан суҳбатлашар эканмиз, дориломон кунлар шукуҳидан, осойишталик барқарорлигидан кўнгиллар масрурлик туяди. Истиқлолнинг қадрига етишимиз, бу йўлда жонларини фидо қилган буюк аждодлар хотирасига доимо эҳтиром кўрсатишимиз ҳам қарз, ҳам фарз эканини яна бир бор англаб етамиз.

Ўтганларни ёд этиш, кексаларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган миллий қадриятларимиздандир. Зеро, Президентимиз айтганларидек: «Уруш майдонлари ва фронт ортида миллионлаб одамлар кўрсатган жасорат ва матонат тарихимизда, халқимиз хотирасида сақланиб қолади».

Шунқор БЎРИЕВ.

ГУЛЛАР ЗИЙНАТИ

Чин кўнгилдан, меҳр-муҳаббат билан тақдим этилган гуллар шунчаки зарурат юзасидан, бефарқ совға қилинган гуллардан кўра кўпроқ яшайди, деган гап бор. Чунки яқин кишиларига гул совға қилмоқчи бўлган инсондаги хурсандчилик ва ҳаяжон чиройли қилиб дасталанган гулнинг танасига қувват бағишлаб, унинг узоқ муддат ўзгармай, ифор таратиб туришини таъминлар эмиш. Ҳа, ҳар бир шодиёна, байраму тантаналар киши дилини қувонтирадиган, унинг шодлигига шодлик қўшадиган гулларсиз ўтмайди. Айниқса, баҳор байрамлари шундай. Гулдастани олиб, унинг бежирим, нафис ва ранг-баранглигига мафтун бўлиб кўнглимиз тоғдек кўтарилади. Она табиатнинг бетакрор мўъжизасидан лол бўламиз.

Эътибор берсангиз, ҳар бир гулнинг номи ва ўз тароватию жозибаси бор. Улар орасида баҳор гуллари алоҳида ажралиб туради. Чунки бу гуллар тақдим этилаётган инсон ким бўлишидан қатъи назар, барчанинг кўнглига бирдай йўл топа олади. Шу боисдан ҳам кимга қандай гул совға қилиш керак, деган савол сизни безовта қилмайди. Шундай бўлса-да, қайси гулни қачон ва кимларга совға қилиш керак, ҳар бир гулнинг ўзига хос хусусияти ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлиш фойдадан холи эмас.

Тарихий маълумотларга қараганда, қадимда гуллар фақат безак ёки совға учун эмас, балки «севги ёшмаси» бўлиб ҳам хизмат қилган. Швеция қироли Карл II томонидан урфга айлантирилган бу янги муҳаббат изҳорлари 1830 йилда «Гуллар тили» деб номланган янги ва ноанъанавий қўлланманинг яратилишига туртки бўлди. Мазкур китобда ҳар бир гулнинг ўзига хос хусусиятлари билан бирга, уларни қандай ибора ўринда ишлатиш мумкинлиги ҳақида ҳам ажойиб маълумотлар келтирилган.

Китобдаги таърифларга кўра, суюкли ёрига нафис марваридгул (ландиш) юборган йигит, бу билан «Мен сени пинҳона севдим. Сен кўнглимни ўғирладинг» дея ўз севгисини изҳор қилар экан. Қалампиргул (резеда) тақдим қилиб эса «Қалбимни гўзаллигинг ва самимий сўзларинг забт этди» дейди. Наъматак эса «Сенга ишонсам бўладими?» деб, ёрининг кўнглидагиларни билишни истаса, дўлана гули «Сенинг гўзаллигинг олдида лолман» деган фикрни билдирган. Ўзингиз гувоҳ бўлганингиздек, табиатнинг бу тилсиз чечаклари севишган ёшларнинг дил қулфларига калит бўлиб, воситачилик қилган.

Дунёда мамлакатлар кўп. Уларнинг урф-одатлари, яшаш, турмуш тарзи турлича бўлгани каби, гул харид қилиш бобидаги қарашлари ҳам турличадир. Масалан, бизнинг юртимизда йилнинг қайси фасли бўлишидан қатъи назар, асосан қип-қизил атиргул, чинnигул, карнайгул каби гуллар кўпроқ совға қилинади. Деярли кўпгина давлатларда эса асосан, чинnигул билан фақат дипломатик қабулхоналар ясатилади. Сариқ рангдаги гулларга шарқда вафосизлик, ажралиш рамзи сифатида қаралса, Америка, Англия, Белгия, Испания каби ғарб мамлакатларида хурсандчилик, иссиқлик яъни, қуёш рамзи ҳисобланади. Шу боисдан ҳам ғарб давлатларида энг яқин инсонига сариқ гул совға қилиш жуда қадрланади.

Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, нега гуллар тоқ совға қилинади? Бунинг ҳам ўзига хос сабаблари бор. Масалан, япон анъаналарига кўра, жуфт совға қилинган гул ўлим тилаш билан баробар деб қаралади. Шу боисдан ҳам гуллар нечта бўлишидан қатъи назар, жуфтлаштирилмайди. Аслида тўрт иероглифи «ўлим» маъносини билдиргани учун ҳам бу одат ҳозиргача сақланиб қолган. Лекин яна бир гўзалроқ талқин бор: яъни тоқ гуллар совға қабул қилган инсон билан жуфт бўлади, дейилади. Бу билан йигитлар севган ёрларига гул совға қилар экан, «Сиз мана шу гулдастага қўшиладиган бетакрор гулсиз» дея лутф қилганлар. Лекин бу анъаналарга ҳозирда унчалик эътибор билан қаралмайди. Шу боисдан ҳам балоғат ёшидаги қизларга бемалол, ҳеч иккиланмай жуфт гуллар совға қилсангиз бўлади. Зотан, жуфтликда илоҳий қудрат бор, деб бежиз айтишмаган ота-боболаримиз. Айтганча, гул харид қилаётганингизда она-ю бувиларингизни ҳам асло унутманг. Онангиз учун нафармон рангли гуллар, бувингиз учун эса тўқ қизил рангдаги чечакларни тақдим этиш айни муддао бўлар эди.

Ҳаётимиз гўзал, бу эса кўнгил гўзаллиги ва қувончи билан янада сайқалланади. Шундай экан, бир-бирингизга турфа гуллар, гулдасталар совға қилишдан чарчаманг.

Гулнора МУРОДОВА.

ХОТИРА

КЎНГИЛЛИ УЧРАШУВЛАР



Шу кунларда 9 май – Хотира ва қадрлаш куни байрами муносабати билан жойларда турли-туман маданий ва маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири пойтахтимиздаги Хотира майдонида ҳам бўлиб ўтди. Унда Қуролли Кучлар Марказий музейи қошидаги генерал Собиржон Охунжонов етакчилигидаги фахрийлар кенгаши аъзолари олий ҳарбий билим юртларининг курсантлари билан учрашдилар. Мазкур учрашув ҳар икки томон учун ҳам кўнгилли ўтди.

Оғирроқ бўлса-да, бир ҳақиқатни тан олишга мажбурмиз. Фашизмга қарши урушдан омон қайтган юртдошларимизнинг сафлари йил сайин сийраклашиб бормоқда. Улар билан ўтаётган ҳар бир кун ҳам ғанимат эканлигини яхши биламиз. Шуниси диққатга сазоворки, мамлакатимиз раҳбарияти томонидан фахрийларга юксак эҳтиром, ҳурмат, эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилаётганлигини ҳар қадамда ҳис қилиш мумкин. Бугун уларнинг ҳар бири халқимиз, ҳукуматимиз ардоғида.

Мадамин ҳожи Ҳасанов номини кўплаб юртдошларимиз, айниқса, Ватан ҳимоячилари яхши биладилар. Турли тадбирлар, учрашувларда у кишининг сермазмун суҳбатларидан кўпчилик баҳраманд бўлган. Тадбирга ташриф буюрган кўплаб фахрийлар қатори бу гал ҳам у кишининг сўзларини ёшлар катта қизиқиш билан тинглади.

– Урушда кўплаб ўзбек ўғлонлари қаҳрамонона жанг қилдилар. Мисли кўрилмаган қаҳрамонликлар кўрсатилса-да, уруш ўз номи билан уруш. Ўлим, вайронагарчиликлар... Ўғлонларим, сиз озод ва обод юрт фарзандисиз. Мустақил юртимизда кечаётган улкан ўзгаришларни ҳаяжонсиз кузатиш қийин. Буларни кўриб, билиб сизнинг навқирон ёшингизга ҳавасим келяпти. Чунки сиз келажаги буюк Ўзбекистонимизнинг ёш бунёдкорларисиз. Шу азиз Ватан учун, унинг равнақи, ривожига хизмат қилиш учун куч-ғайратга тўлиб тошгансиз. Биз эса дуода бўламиз. Ватанпарварлик, халқпарварликдек улуғ туйғулар қалбингиздан янада мустаҳкам жой олишига ҳисса қўшишга интиламиз.

– Менга катта авлод билан, айниқса, уруш кўрган фахрийлар билан бўладиган учрашувлар ёқади, – дейди Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртининг курсанти Жаҳонгир Мирзатаев. – Улар сўзлаётганда худди қаҳрамонлик қиссаларини тинглаётганга ўхшайман.

– Катталарга ҳурмат билан муносабатда бўлиш қон-қонимизга сингиб кетган, – дейди курсант Муҳиддин Холмуродов. – Бунда албатта, халқимизга хос хислат бор. Бугунги тадбир узоқ вақтлар ёдимда сақланиб қолиши шубҳасиз. Биз билан суҳбатлашаётганларида фахрийларимизнинг ҳам яйраб кетишларини ҳис қилиш кўнгиллидир. Бугун юз-кўзларига, юриш-туришларига йиллар ўз ҳукмини ўтказган қаршимиздаги инсонлар юрт тараққиёти йўлида фидокорона меҳнат қилишдан ҳамон толмаган, элимиз ардоғидаги фидойилар саналишади.

Дарҳақиқат, бундай учрашувлар ёшлар қалбида она Ватанга чексиз муҳаббат, фидойилик ҳисларини янада жўштиради. Жасур аждодларга ҳамиша муносиб бўлишга даъват этиб туради.

Гулҳаё МУҲАМЕДОВА,
ЎзДЖТУ талабаси.

ТАКАЯ ПАМЯТНАЯ ВСТРЕЧА

Накануне Дня Памяти и почестей во всех воинских частях и гарнизонах чествуют тех, кто выстоял в суровые годы войны, внес свой большой вклад в строительство Вооруженных Сил независимого Узбекистана. В редакцию нашей газеты поступает много сообщений о встречах военнослужащих с ветеранами войны, труда и Вооруженных Сил, награжденными высокими государственными наградами за боевые заслуги в деле защиты независимости Узбекистана и мирной жизни нашего народа.

Так, в минувшие выходные в Доме офицеров Чирчикского гарнизона состоялась встреча военнослужащих с ветеранами войны и Вооруженных Сил.

Организаторы мероприятия сделали все для того, чтобы многочисленные гости и военнослужащие воинских частей окунулись в героическую атмосферу военных лет. В фойе Дома офицеров была развернута выставка картин ветерана Второй мировой войны, кавалера боевых орденов А. Грызунова, с которой получили возможность ознакомиться все желающие.

Встреча открылась выступлением военного оркестра Дома офицеров под управлением майора Б. Билялова. Военные музыканты напомнили ветеранам и новому поколению защитников Узбекистана песни и марши далеких военных лет.

Присутствующие в зале военнослужащие с большим вниманием выслушали выступление ветерана войны, инвалида первой группы Маджита Каюмова. Он, прошедший всю войну, рассказал о своем боевом пути, о боевых товарищах. О том, как все ждали и встретили Победу в мае 1945 года. Ветеран пожелал молодым солдатам и курсантам образцово нести службу, быть достойными славных боевых подвигов своих дедов и прадедов, освободивших народы мира от ужасов фашизма.

Органичным завершением встречи стало выступление вокального дуэта заслуженных артистов Республики Каракалпакстан братьев Хасана и Хусана Джураевых. Они с большим мастерством исполнили как песни военных лет, так и узбекские народные мелодии: «Андижан», «Ота», «Омон булайлик», военный марш «Чегарачи» и многое другое.

Завершилась программа вечера, но военнослужащие еще долго не отпускали со сцены исполнителей и ветеранов. Искренность их выступлений подкупила весь зрительный зал, и эта встреча надолго останется в памяти каждого солдата, сержанта, офицера и членов их семей.

Соб. инф.

ХОТИРА

УЛАР ҲАМОН САФДА

Инсоният тарихидаги энг улкан муҳораба – фашизмга қарши урушнинг тамом бўлганига ҳам олтмиш йилдан ошиб қолди. Бу уруш мамлакатимиздан йироқларда бўлиб ўтган бўлса-да, суронли йиллар юртимизнинг ҳар бир хонадонида ҳам даҳшатли акссадо берди. Қанчадан-қанча ўзбекистонлик йигитлар жанг майдонларида ҳалок бўлдилар. Мен бу ўринда рақамларни келтириб ўтиш фикридан узоқман. Ҳар гал шу мавзуда гап кетганида, такрор ва такрор биргина мисолни келтириб ўтгим келади. Меҳри момом саксон ёшгача яшадилар. Шаҳрисабз туманидаги пиру бадавлат онахонлардан бири эдилар. Ўғил-қизлар, набиралар, чевара-эваралар ардоғида умргузаронлик қилардилар. Аммо суҳбатларида бот-бот «Аҳрол шўр (шўрлик демоқчи) ўн еттига ҳам тўлмовди...», деганча ғамгинлик билан бир нуқтага тикилиб , ўй суриб қолишлари кўз ўнгимга келади. Аҳрол у кишининг тўнғич ўғиллари бўлиб, улкан муҳорабада бедарак кетган эди. У ўн еттига ҳам тўлмаган экан...

Ҳа, бу урушнинг юртимизнинг энг чекка гўшаларига ҳам етиб борган шафқатсиз садоси эди.

Фашизм устидан ғалаба қозониб, тинч ва осуда кунларга етиб келган инсонлар бугун халқ ардоғида. Ана шундай инсонлардан бири истеъфодаги тиббий хизмат капитани Абдулла ота Ибодовдир. Отахон 90 ёшни қораладилар. Шу ёшда ҳам ёш авлод тарбияси йўлида қизғин фаолият олиб бормоқдалар.

Абдулла Ибодов пойтахтнинг Себзор маҳалласида туғилиб ўсганлар. Зиёли оиланинг фарзанди ҳам илмга чанқоқ ўсди. Шу мақсадда 1940 йили Тошкент тиббиёт институтига ўқишга киради. Ўқишни 1945 йилда тамомлади. Бу ҳол ўқувчини ажаблантириши табиий. Чунки шу йиллар давомида Абдулла Ибодов ҳаракатдаги армияда ҳам хизмат қилган. Ана шундай суронли йилларда ҳам илм олишга улгурган заҳматкаш, матонатли инсон, у.

Ниҳоят орзиқиб кутилган ғалаба куни ҳам келди.

Абдулла Ибодов ана шундай суронли оташгоҳдан омон қайтган қаҳрамонлардан биридир.

1945 йилда у юқумли касалликлар бўйича илмий иш ёқлади. Ана шундан кейинги бутун фаолияти мазкур соҳа ривожига ҳисса қўшишга бағишланди.

Туман, шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимларини бошқарди. Масъулиятли лавозимларда фаолият кўрсатди. 1962–1966 йиллар давомида илмий иш билан шуғулланиб, тиббиёт фанлари номзоди бўлди. Унинг хизматлари муносиб тақдирланди. «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими» деган фахрли унвонга сазовор бўлди.

Мустақиллик йилларида унинг фаолияти ҳам янги қирралар кашф этди. Озодлик эпкинлари халқ хизматида бўлган инсонни доимо ҳаракатда бўлишга ундарди. У жамоат ишларида фаол қатнаша бошлади. Отахон бугунги кунда ҳам ёшларни мустақил юртга муносиб ворислар бўлишга даъват этиб чарчамайди.

Бундан ташқари у Қуролли Кучлар Марказий музейи қошидаги фахрийлари кенгаши аъзоси. Мазкур кенгашнинг ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишида беқиёс ҳиссаси бор. Улар билан ўтган ҳар бир учрашув ёшлар қалбида унутилмас таассуротлар қолдириши билан янада диққатга сазовор. Шунга кўра бундайин фахрийларимиз ҳақида сўз юритганда, улар ҳамон жанговар сафда, десак муболаға бўлмайди.

Отахон рафиқалари Саноат ая билан беш фарзандни тарбияладилар. Уларнинг ҳар бири оталарига муносиб фарзандлар бўлиб, юрт ишига камарбаста бўлиб келмоқдалар.

– Отам жуда тўғрисўз инсон, – дейди у кишининг кенжа фарзанди Зиёдулла Ибодов. – Бизни ҳам шу руҳда тарбиялаганлар. Ҳамиша кўмакка муҳтож инсонлардан беминнат ёрдамни аямасликни, юртга керакли инсонлар бўлишни қалбимизга сингдирганлар. Биз ҳам ўз фарзандларимизни шундай руҳда тарбияладик, улар ҳам боболари босиб ўтган шонли йўллар билан фахрланадилар, у кишига муносиб бўлишга интиладилар. Яна бир ишни одат қилиб олганлар, яъни ҳамиша соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишдан чарчамайдилар. Жамият ҳар томонлама соғлом инсонлар билан янада мустаҳкам бўлишини бот-бот такрорлайдилар.

Ҳа, пиру бадавлат, нуроний ёшда ҳам ёшларни юртпарварликка даъват этиб яшаётган фахрийларимизга биз ҳам соғлик-омонлик тилаб қоламиз.

– Яхши кайфият умрни узайтиради, – дейдилар отахон. – Ҳаётдан завқ олиб яшаш керак. Ҳаётнинг завқи эзгу ишларига умрни бахшида этишда, деб биламан. Умр бўйи шифокорлик қасамига содиқ қолдим. Умрнинг мазмуни ҳам одамларга, юртга керак-лигингни ҳис қилиб яшашдир. Ҳозирги кунларимизнинг сурурини ҳар бир инсон қалбдан ҳис қилиб яшаса, дейман.

Инобат ИБРАГИМОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.

ТИЛАКЛАР БЎЛСА ИЖОБАТ



Юртбошимизнинг «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармонини ўқиб тўлқинланиб кетдим. Нуронийларимиз бир юз йигирма минг сўмдан рағбатлантирилгани учунгина эмас, уларга кўрсатилган эъзоздан, эътибордан қувондим.

Бу эъзоздан кўкси тоғдек кўтарилган отахон-онахонларимизнинг кафтларини очиб қиладиган дуоларини, улар ижобат бўлса осмонимиз янада тинч, элимиз янада фаровон бўлишини ўйлаб тўлиқиб кетдим.

Баъзан ойнаи жаҳонда ҳар хил юртлардаги ҳар турфа воқеаларни кўриб юрагим орқамга тортиб кетади. Қайдадир ёнаётган ўрмон, қайдадир зилзила, қайдадир сув тошқини, селу жала, қайдадир қурғоқчилик, қайдадир отишма, бесарамжонлик...

Ўзбекистондаги тинчлик, фаровонлик сари илгари юришни ўйлаб эса шукур қиламан. Дунёда ҳеч нарса бесабаб эмас. Биздаги тинчлик ва хотиржамлик ҳам, тўйлар, хурсандчиликлар ҳам юртнинг ёши улуғлари шукронаси, уларнинг дуолари туфайли эмасми, деб ўйлаб қоламан.

Халқимиз дастурхонидаги нон-туз, тандиридаги олов, буғдойзоридаги дон, қўраларидаги чорва моллари, боғларида пишиб турган турфа мевалар... Хуллас, барча тўкинликлар қайсидир савобли ишларининг шарофатидир.

Неча-неча авлиёлар, улуғларимизнинг мозорлари бугун ажиб файзли зиёратгоҳларга айланган. Уйларимизнинг тўрига файз бўлиб яшаётган отахон-онахонларимизга ғамхўрликлар, меҳрибонликлар кўрсатилянти. Бунга жавобан уларнинг ташаккурларига, дуоларига ҳамма гувоҳ бўлиб турибди.

Хотира ва қадрлаш куни бизда бир кунгина десак, тўғри бўлмас. Ўтган улуғларни ҳамиша хотирлаш, сафимизда юрганларини қадрлаб, ҳолидан хабар олиш бизнинг энг яхши удумимиз, ахир. Янаям аниқроғи, энг аввал кексаларга, ногиронларга, кам таъминланганларга, боқувчисини йўқотганларга ғамхўрлик кўрсатилянти. Белгиланган бу бир кун эса доимий қадриятларимизни, ахлоқий фазилатларимизни унутмасликка чораб туради.

Мен онаман. Навқирон уч ўғлим бор. Учаласи ҳам Ватан олдидаги бурчини ўтаб қайтдилар. Уларни аскарликка зарра хавотирланмай кузатганман. Ватан ҳудудларини қўриқлаётган ҳарбийларнинг яшаши, дам олиши, ўқув машғулотлари, амалиёт машқлари учун барча шарт-шароитлар яратилганини бориб кўриб ҳам келдим. Нимадан хавотир олай. Алпқомат ўғилларимиз ҳимоя қилиб турган Ватанимиз тинч, элимиз шу туфайли осойишта умр кечиряпти, ахир. Бу савобли ишга менинг фарзандларим ҳам ҳисса қўшиши фахр эмасми?!

2009 йил Хотира ва қадрлаш куни олдидан эълон қилинган мазкур Фармон ҳам кўпнинг шукронасига, кўпнинг дуосига сабаб бўлиши тайин. Бу дуоларнинг ижобат бўлиши Ўзбекистоннинг янада фаровон, қудратли мамлакатга айланиши деган гап. Ахир бу бизга буюк ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган давлат. Биз эса уларнинг авлодимиз. Оққан дарё оқаверади:

Донишмандлик топиб мозий сабоғидан,
Зиёландик боболарнинг чироғидан,
Ўзига бек халқ бўлишга ҳаддимиз кўп,
Англасинлар юксалган юрт байроғидан.
Оққан дарё оқаверар, Она элим,
Дарёмиз-а, оқаяпмиз, мана, элим.

Шодли не бор, халқимиз ҳур деган сўздек,
Тотли не бор, ҳалол келган ризқу рўздек.
Қийин йўлда қоқилмаган карвон бўлди,
Садоқат-ла Сарбонини топган ўзбек.
Мудрамасак қуёш кулиб боқаверар,
Она элим, оққан дарё оқаверар.

Фурсат кетар, Ватан кетмас, жойидадур,
Онам десанг жаннат унинг пойидадур.
Ёт тупроқнинг ёғли ошин кўзлаганлар,
Оғу ошин ичар – бу ҳақ қоидадир.
Халқ бўлолдинг, гулшанингни тани, элим,
Оққан дарё оқаверар, Она элим.

Замира РЎЗИЕВА,
шоира.

АДАБИЁТ

Эркин САМАНДАР

СУЛТОН ЖАЛОЛИДДИН

(Тарихий романдан парча)

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида).

23

Уччада қўлга олинган қароргоҳни кўздан кечиратуриб, ҳарам олдида тўхтади султон. Аёлларни ўзга ҳужраларга кўчиртириб ичкари кирди. Гулбегим шу ерда ётган, шу ерда...

Султоннинг кўнгил шишасидаги доғ қабарди. Ҳарамга ўт қўй, буюрди эшик оғасига.

Олов тили бирпасда туйнукка етди. Унга сиғмаган ёнғин ўзини томга урди. Уни ёқиб устунларга ўтди. Ҳарамни ланғиллаган том босди. Гулбегимнинг кўзга кўринмас изларини ёқиб кул қилди.

Барини томоша қилиб турди султон. Кўнгли таскин топгандек бўлди. Аммо юракка тушган доғни ёқиб юборгувчи ёнғин борми бу оламда!..

24

Хоккар остонасидаги савашда қиличини қўлидан туширган Кубача Учча сари қочган ва йўл ярмида унинг султон қўлига ўтганини эшитган эди. Ноилож йўлини Акар оролига бурди.

Кундузлари яшириниб, кечалари йўл боса-боса не машаққатлар ила сув кечиб оролга яқинлашганида билдики, у ерда ҳам султон одамлари ҳукмрон. Апил-тапил Бхаккар оролига қочди. У ерда ҳам султон ҳукми қарор топганини кўриб, қора тунда яна саргардонлик кўчасига бош урди.

25

Йигит Малик қўшини Калорга бир кунлик йўл қолганида оёқ илди. Буни Йигит Малик ўзича бургут йиғнар, деб атайди. Бургутлар парвоз олдидан ўзларини кутилган-кутилмаган муҳорабаларга шайлаган чоғларида уларда бемисл хислат – осмонларга монанд ғурур пайдо бўладики, шундан қанотлари пўлодга, чангаллари ханжарга айланади. Яхши қўшин ҳам айни шундай, ўзини савашга шайлар экан, куч-ғурури баҳорги дарёдай тошмоғи бор.

Ҳордиқ чоғида саркарда Қамбарбекни гапга тутди:

– Сен, йигит, Калорда бўлгансан, айт-чи менга, Абу Совуқ деган баттолни қандай ўлдиргансан?

Бу гаплар саркарданинг қулоғига қандай етди экан? Беихтиёр кўз ўнгига ўша машъум кеча келди. Рости, қандай қилиб девдай одамнинг нозик жойига пичоқ урдию қандай қилиб қочиб кетолди? Худо йўл берса ҳар қандай мушкул ҳам осон бўлар экан.

– Қандоқ ўлдирдимми? – саркарданинг ўзига қиймириб қараб турганидан ёноқлари олмадек қизарганча деди Қамбарнисо. – Яшириб қўйган ханжаримни шундоқ олганману тиққанман-қўйганман.

Йигит Малик кулиб юборди. Йигитни яна гапиртирмоқчи бўлиб:

– Ул недин сени ўз қасрига олиб борган-а? – сўради очиқ чеҳра билан.

– Ўлгиси келиб олиб борган-да, – ўзи сезмаган ҳолда очилиб кетди Қамбарнисо.

Йигит Малик тиззасини шапатилаб ўрнидан турди-да, хохолаб кулганча аскарга яқин келди. Унинг иссиқ нафаси Қамбарнисонинг юзини сийпалаб ўтди. Эти жимирлаб кетди.

– Отнинг калласидай юрагинг бор экан, бола, – деди унинг елкасига қўлини ташлаб.

Қизнинг елкасида пайдо бўлган жимирлаш товонигача борди. Бола, деганидан айниқса таъсирланди. Йигит деса ҳечам таъсирланмаган бўларди. Бола... бу бошқа. Қиз бола ҳам дейишади-ку.

– Энди менга ўша хунасанинг сиёғини айт, – ҳамон қизнинг елкасидан қўлини олмай деди саркарда.

Қамбарнисо ўзи истамаса-да, елкасини секин тортди.

Суҳбатга киришдилар.

Кўнгил кўнгилдан сув ича бошлади.

Бу саркарда билан аскар ўртасидаги суҳбатга сира ҳам ўхшамас, балки бир-бирига мойил ва тенг (ёшидан қатъи назар) икки инсоннинг дилкаш гурунги эди.

Саркарда бу хипчадаги қувваи салоҳия таъсирига берилиб суҳбатни тугатгиси келмас, аскар эса кўзлари чақнаган йигит олдида истаса-истамаса худди қайноқ сувга тушган қанддай эриб бормоқда эди.

26

Калорга хоразмликлар бостириб келаётгани, уларга султон эмас, балки ёш бир саркарда бош эканидан хабар топган қалъа ноиби ҳимояни ортиқча билиб, ёғийни йўлда қаршилаш мақсадида йигирма минг қўшин билан шаҳардан чиқди.

Бу янгиликни Йигит Малик яхшиликка йўйди. Қамалга ҳожат қолмайди.

Икки қўшин сайҳонликда саф тортди. Ноиб шарт қўйди. Саркарданг ўртага чиқсин, мени енгса, Калор онинг, енгилса, бор қўшини маним бўлур. Йигит Малик деди: «Айни муддао».

27

Икки қўшин икки ёнда жим. Икки от икки ёндан бир-бирига қарши елар.

Йигит Малик ўзига яқинлашиб келаётган ноибни чалғитмоқ бўлиб от жиловини тортар. Ёғий ҳайиқди, деб ўйлар ноиб, ҳаволаниб келаберар.

Ора эллик қадамча қолганида Йигит Малик от жиловини қўйиб юборар. От ўққа айланар. Найза найзага урилар. На бу тайрилар, на у.

Отлар айланиб яна бир-бирига отилар. Найзалар қарсиллар. Қалқонлар тешилай дер.

Икки ёнда икки қўшин жангни нафас ютиб кузатар. Қамбарнисо Оллоҳдан тиланар: «Саркарданинг омадини бер!»

Ерданми, кўкданми Йигит Маликнинг билакларига бетизгин қувват инар. Ҳамласидан рақибининг найзаси қўлидан учар. Ноиб қилич яланғочлар. Найзасизга найза санчмоқни эп кўрмай Йигит Малик қиличини қиндан чиқарар.

Биринчи зарбдаёқ ноибнинг анойи қиличбозлардан эмаслигини англар. Юз усулда қилич ўйнатишини кўриб ичида қойил қолар. Аммо бу балои азим юзни билса, Малик мингни билар-ку. Қиличбозликда бир султондангина кейин турар. Сен ким бўпсан ўзи...

Бу гапларни биров айтарми ё ўзининг ичидан чиқарми, билмас Малик, бироқ жисми пўлодга дўнганини, энди унга тиғ ўтмаслигини сезар ва рақибининг бўйнини кўзлаб шундай қилич урарки, ноибнинг боши ўша заҳоти елкасини тарк этар.

Ёғий сафида тартиб бузилар. Ярми савашга кирмоқчидай бўлар, ярми қочар. Қочганларни кўриб савашталаблар ҳам от бошини орқага бурар.

Уларни қувишаркан, Қамбарнисонинг оти қоқилиб, ўзи эгардан бехос учиб кетар. Пўлот қалпоғи бошидан тушиб, узун ва қора сочлари тўлқиндай ёйилар.

Йигит Малик ўзи билмаган ҳолда орқага қайрилиб қарар ва хипча аскарнинг қиз бола эканини кўриб кўзларига бир ишонар, бир ишонмас.

28

Хоккар ва Калордаги қўшинлар зафар ва нусрат ила султон ҳузурида – Уччада жам бўлдилар ҳамки, еру кўкни мислсиз оташ – гармсел ўз забтига олди.

Япроқлар сўлиди. Қоматли гуллар эгилди. Кўк оташхонага айланиб, ерга бетиним олов пуркаб турар. Ер товонни жиз-жиз куйдирар.

Хоразмнинг жазирамаларида тобланган йигитлар ҳам терга ботаберди. Отлар лоҳас. Думлари қайноқ ҳаво елпийди.

Султон деди: «Тоққа, Бақала адирларига қайтгаймиз».

Савашдан кўзланган мақсад ўзи ҳосил бўлди. Учча, Калор, уларга яқин қалъа, мавзелар тўла эгалланди. Уруш истаган Кубача бор-йўғидан ажраб, аллақайларда изғиб юрар. Уни қўлга олиш қочмас. Аскарлар нафас ростласин.

Жаҳон Паҳлавонни Уччада, Йигит Маликни Калорда қўшинлари билан қолдирди султон.

Маликшоҳни уч юз йигити билан Деҳлига – Элтутмиш ҳузурига йўллади. Малик «Ибн Ҳожиб одами» бўлиб унинг мактубини олиб жўнади.

Султон ўз хос йигитлари ила орқага – тоққа қайтди.

29

Узун, қора сочли аскарнинг ёнига ўзи борди Йигит Малик. У кулимсираб қарши олди. Димоғига муаттар ҳид урилди Маликнинг. Сармаст бўлди. У ҳайрон эди. Бу малак қандоқ қилиб шунча вақт мобайнида ўзини йигит кўрсатиб келган? Нечун шундоқ қилган?

Ўзидан сўради шуни. Қамбарнисо айтишни истамади. Ҳожати йўқтур, деди. Малик туриб олди. Охири сир юзига тортилган пардани кўтарди Қамбарнисо.

Нозик-ниҳол бир соҳибжамол шунчалик куч, ирода ва уқувга эга бўлар, деб ҳеч ўйламаган эди Малик. Қизнинг сўзларини эшитар экан, ичида тавба, тавба дерди, холос.

Қасос туйғуси бир гулни метиндек маҳкам эманга айлантирибди-я. Таажжубким, қасоскор эманга айланиш баробарида ўзининг гуллигини ҳам сақлаб қолибдир. Уни пардалаб келибдир, холос.

Ўзи ҳам билмаган ҳолда аскар болани ёқтириб юрганлари сабабини энди тушунди Малик. Уни Исфахонга олиб кетмоқчи бўлгани ҳам бекорга эмас экан-да.

Дунёнинг ишлари ажаб...

30

Кечаси билан тўлғаниб чиқди Қамбарнисо. Жисмижони ўт бўлиб ёнди. Яна гаплашгиси келиб Йигит Маликни кўз олдига келтирди. Дилингни оч менга, дегандай кулимсираб турарди у.

Айтди Қамбарнисо. Кўнгил тубига яшириб қўйган гапини айтди. Сизни севиб қолганимга бугун астойдил ишондим, деди. Кўзим сизни кўрмоқни истар. Қулоғим эшитмоқни. Дилим сизга талпинадир. Бул учови менга бўйсунмас.

Аслида, мен севги деган оловдан узоқ юришни истаганман. Мен ҳаётимни падари бузрукворим учун, опа-сингилларим учун, вайрон бўлган уйимиз, рўзғоримиз ҳақи ёвузлардан ўч олишга бағишлаганман. Шунинг учун қилич тутганман, отга минганман. Эркак кийимин шунинг учун кийганман. Шундан таскин топганман.

Лекин кутилмаганда ичимда бошқа бир чироқ ёндики, онга сиз сабабчи эрурсиз. Парвонда сизни кўрган куннинг ўзида ёнган эди бу чироқ. Мен уни даф айламоқ истаганман. Аммо у ўчмоқ ўрнига ёнгандан ёниб бораверган.

Қамбарнисо ўз хаёлида яратган, рўбарўсида кулимсираб турган йигитга бу гапларни айтганидан уялиб, юзлари лов-лов ёнди. Қандайин беҳаёсан, деди ўзига ўзи. Қуёш чиқишини, қалъа дарвозаси очилишини бетоқат кутди. Киприк илмай тонг оттирди. Сайисхонага ўтиб отига эгар урди.

31

Қамбарнисо қайда? Тўрт томонга кўз ташлади Йигит Малик. Хабари дарвозабондан топилди. Ул деди:

– Қамбарбек отлиғ чопар Йигит Малик номидин Бақала сари кетмиш. Султонга нома ила...

Малик кулди. Не ҳийла ишлатмас бул сочи қора, кўзи қора...

Орадан уч кун ўтказиб Йигит Малик Бақалага – Тўғон тўпчи эвига (уйига) совчи юборди.

32

Қамбарнисо Бақалага келасолиб, акасига сири очилганини гапириб берди.

– Кўб яхши бўлубдур, – деди Тўғонбек. – Кўпдин айни шуни истар эрдим. Баҳодурларгина эплай оладурган ишни қилдинг. Етар. Кўйлагингни кий энди.

– Мен қиз бошим ила савашмоқни истабмидим. Отамиз, ҳур опа-сингилларим йўлига тикдим бошимни. Маъзур тутгайсиз, акажон, бул йўлдин қайтмагаймен.

Тўғонбек ўз сўзида туриб олди:

– Бул сўзни ортуқ айтма. Бор, чанг-чунгингни арт.

Акасининг шундай дейишини биларди Қамбарнисо. Майли, кўрурмиз. Эртага худо раззоқ...

Қамбарнисо ётоққа кирасолиб ўзини катга отди. Кўнглининг туб-тубидан бир йиғи отилиб келди. Тўлиқиб-тўлиқиб йиғлади. Кўз ёшларининг кети йўқдай эди.

Нечун йиғлайди, ўзи билмас. Балким дашту саҳроларда кечган машаққатли куну тунлари, эркаклар орасида ўзлигини яшириб эркакман деб савашларга кирганлари, ҳар қадамда дуч келган ўлимларга чап бериб, ўзи жон олганлари – биров ишонса, биров ишонмайдиган воқеалар силсиласи бир оғир тушдек кўнглидан сидирилиб, кўзларидан ёш бўлиб тўкилаётгандир.

У енгил тортди. Туриб ўчоққа олов ёқди. Тоғорани илиқ тоғ сувига тўлдириб ичига тушди. Томир-томирларига ором инди. Узоқ ювинди. Чиққиси келмай қунишиб ётди. Йигит Малик кўз олдига келди. Лабларига кулгу ёйилди. У не қилаётган экан?..

33

Кўк эшакка терс миндирилган, на одамга, на махлуққа ўхшаган бир жонзотни Учча кўчаларидан олиб ўтишар. На қулоғи бор бу жонзотнинг, на бурни, на кўрар кўзи. У аланглаб у ён-бу ён қаранган бўлар, гарангсиб бошини осилтириб олар.

Одамлар сўрарлар:

– Бу асли одам зотидан бўлса ажабмас. Аммо недин қулоқ-бурни кесилмиш?

Мулозимлар дерлар.

– Онга сабаб сотқинлигидур.

– Ў, ў, – гувранар одамлар. Тағин сўрарлар:

–Ул онадин кўр туғилганмидур?

– Йўқ. Онадин соппа-соғ туғилмишдур. Кўзлари чарақлаган бир банда эрди. Мунофиқлиги боис кўзлари ўйилмишдур.

– Ў, ў, – гувранар одамлар. Яна сўрарлар: – Онинг исми недур?

– Асли исми Ибн Ҳожиб, ҳозиргиси Сотқиннийдур.

– Бале, бале, – дерлар ва яна сўрарлар:

– Недин эшаги кўк эрур?

– Ўзбекда мундоғ удум бор турур. Ким ўз қавмига, туққан ерига хиёнат айласа, они кўк эшакка терс миндиргайлар. Кўк эшак – ҳақорат рамзидур.

– Бале, бале. Айтингиз, ким они бул шармандали жазога мустаҳиқ айламиш?

– Они бул жазоға тортган султон Жалолиддин ҳазрати олийлари эрур.

– Бале, бале!

Ким сотқинга кесак отар, ким унга тупурар, кимлар сўкинар.

– Отасига лаънатлар бўлғай онинг, лаънатлар бўлғай!

Сотқин букчайгандан-букчайиб борар.

Эшак билан бир бўлиб борар.

Ўлимтиклар тусига кирди

Тун ёпинчиғи...

(Давоми бор).

МАЪНАВИЯТ

ИЛМ ЧАШМАСИ САРИ

Китоб – билим манбаи бўлса, кутубхона – маънавият маскани ҳисобланади. Дарҳақиқат, китоб инсонни камолотга етаклайди, уни илм чашмаси сари чорлайди. Кўп китоб ўқиган одамнинг фикри теран, ақли ўткир, дунёқараши кенг, интеллектуал салоҳияти юксак бўлади.



Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат қилаётган посбонларнинг маънавий баркамол бўлиб шаклланишида кутубхоналарнинг ҳам ўз ўрни бор. Қисмларда ҳарбий хизматчиларнинг маънавий камол топишлари учун бадиий ва илмий адабиётларга, газета ва журналларга бой замонавий кутубхоналар мавжуд бўлиб, бу ерда юрт ҳимоячилари турли соҳага доир китобларни мутолаа қилишиб, дунёқарашларини кенгайтиришяпти.

– Кутубхонамиз китобларга жуда ҳам бой, – дейди кутубхона мудираси Муниса Ҳақбердиева. – Бу ерда ҳарбий хизматчилар учун зарур барча адабиётлар, жумладан, тарих, адабиёт, ҳуқуқшунослик бўйича дарсликлар ҳам бор. Аскарлар билан турли байрам ва саналарга бағишлаб тадбирлар, кўрик-танловлар ўтказиб борамиз. Улар орасида китобга, адабиётга меҳр қўйганлари кўпчиликни ташкил қилади. Айниқса, ўзи ҳам ижод қилиб турадиган аскарларимиз талайгина.

Қисмда ҳарбий хизматчилар ўртасида «Энг яхши китобхон», «Ўзбегим ўғлонлари», «Қувноқлар ва зукколар», «Заковат», «Сиз ҳуқуқни биласизми?» каби танловлар ўтказиш анъанага айланиб улгурган.

– Ёшлигимдан бадиий китоблар ўқишни севардим, – дейди оддий аскар Сардор Парпиев. – Қисм кутубхонасидаги китобларнинг ранг-баранглиги, ўзбек адабиёти билан бирга жаҳон адабиёти дурдоналарининг кўплиги менга жуда маъқул бўлди. Бўш вақтимни асосан шу ерда ўтказаман. Шунингдек, «Энг яхши китобхон» танловида ҳам доим иштирок этиб, яхши натижаларга эришиб келмоқдаман.

Қисмда доимий равишда шоир ва ёзувчилар, адабиётшунос ва тарихчи олимлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари билан давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказилиб борилади. Ўтган тўрт ойда вилоят журналистлар ижодий уюшмаси раиси, адиб Неъмат Ҳайрат, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир Абдуҳошим Сатторов, ёш шоира Нигора Хўжаёрова, журналист Садина Бобомуродовалар иштирокида бадиий кечалар уюштирилган бўлса, вилоят маънавият тарғибот маркази бош мутахассиси Ҳошим Худоёров, Шароф Рашидов номидаги ахборот кутубхона маркази ходими Нилуфар Мусажонова, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Малика Камолова, округ ҳарбий прокуратураси масъул ходими адлия капитани О. Холбоевлар билан турли мавзуларга бағишланган давра суҳбатлари ўтказилди.

– Шунингдек, посбонларимизга ҳафтада икки кун, икки соатдан тегишли фанлар бўйича ҳам машғулотлар ўтказилади, – дейди кутубхона мудираси. – Унда вилоят педагогика институтининг профессор-ўқитувчилари маърузалар ўқиб, аскарларнинг билими ошишига катта ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Кичик сержантлар – Шерали Шерқулов, Илҳом Ҳазратқулов, Маъруф Неъматов, оддий аскарлардан – Дониёр Остонов, Расул Чоршанбиев, Акмал Машарипов, Зуҳриддин Турдиалиев, Фарруҳ Раҳимов, Жонибек Эгамбердиев, Ингъом Хўжановлар энг яхши китобхонлар рўйхатидан жой олишган бўлиб, турли тадбирларда, шеърият кечаларида адабиётга бўлган қизиқишларини намойиш қилиб келишмоқда.

Ишончимиз комилки, интеллектуал салоҳияти юксак бўлган ҳарбийларимиз жанговар шайликка муносиб ҳисса қўшишиб, сарҳадларимиз ва юртимиз тинчлигига камарбаста бўладилар.

Фирдавс АҲРОР.
Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.

КИТОБ ЭНГ ЯХШИ ҲАМРОҲ

Кутубхоналар ҳақида гап кетганда уларга зиё масканлари, дея таъриф берилади. Аслида ҳам шундай. Ҳар сафар мана шу мўътабар даргоҳга қадам қўйганимизда билимларимизни оширмоқ истагида яна катта иштиёқ билан китоб варақлаймиз. Зеро, буюк мутафаккир бобомиз Абдураҳмон Жомий айтганларидек, «Жаҳонда китобдан яхши ёр бўлмас». Ҳа, дарҳақиқат, инсон тафаккурини бойитишда китобнинг ўрни беқиёс. Кутубхонага қадам қўйган ўқувчи бу зиё масканида нафақат маънавиятини бойитади, балки руҳан қувват олиш баробарида эстетик дидини оширади.

Инсон камолотида китобнинг нечоғлик аҳамиятли эканлигини ҳисобга олган ҳолда юртимиз ёшларида китоб ўқиш маданиятини тўла шакллантириш, уларнинг қалбида китобга бўлган қизиқишни янада кучайтириш мақсадида қатор маънавий-маърифий тадбирлар амалга оширилмоқда. Фикримиз далили сифатида Мудофаа вазирлиги тизимида босқичма-босқич ўтказилиб келинаётган «Энг яхши китобхон» танловини алоҳида эътироф этсак арзийди. Айни кунларда барча ҳарбий қисм ва муассасаларда танловнинг дастлабки босқичи бўлиб ўтмоқда.

Жумладан, Тошкент ҳарбий округига қарашли қисмда ҳам "Энг яхши китобхон" кўрик-танлови бўлиб ўтди. Танловда оддий аскарлар Ойбек Салимов, Баҳодир Муҳаммаджонов ва Суюн Жўраевлар иштирок этдилар.

Танлов аввалида иштирокчилар бешта шарт бўйича куч синашишлари эълон қилингач, ғолиблик учун баҳс бошланди. Саволлар асосан ёзувчи ва шоирлар, уларнинг ҳаёти, ижоди, асар қаҳрамонлари ҳақида бўлди. Иштирокчилар эса белгиланган муддат ичида ушбу саволларга тўғри ва аниқ жавоб беришлари лозим эди. Уларнинг ўзбек ва жаҳон адабиёти бўйича қанчалик билимга эга эканликлари, ақлий заковатлари ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳолаб борилди. Баҳслар қизғин ва қизиқарли кечди. Танлов ниҳоясига етгач, ҳакамлар ҳайъати оддий аскар Ойбек Салимовни беллашув ғолиби деб эълон қилди. Ғолиб округ миқёсида ўтказиладиган танловнинг навбатдаги босқичида қатнашади.

Дилбар ҲОЖИМУРОДОВА.
Катта лейтенант
Дониёр ЖАМОЛОВ суратга олган.



УСТОЗЛИК МАШАҚҚАТЛАРИНИ ЕНГИБ

Йигитлик бурчини ўташ чоғида ҳарбийликдек шарафли касбга меҳри тушган Илҳомжон Отажонов кейинчалик шу соҳа ривожига озми-кўпми ҳисса қўшишни дилига жо этганлиги бор гап.

Шу ниятда ҳарбий хизматдан келиб Фарғона давлат педагогика институти (ҳозирги университет) бошланғич ҳарбий таълим ва жисмоний тарбия факультетига ўқишга кирди. Институтни тамомлагач, Янгиқўрғон туман марказидаги қишлоқ хўжалик техникумида дастлабки иш фаолиятини бошлади. Мана, шу воқеага ҳам чорак аср бўлибди. Ана шундан буён Илҳомжон ака ўқитувчиликдек сермашаққат касбда фаолият юритиб келаяпти. У шу йиллар давомида ўқувчиларга дастлабки ҳарб илми бўйича мукаммал сабоқ беришга интилди. Ҳарбий бўлишни орзу қилган талабалар учун қўшимча машғулотлар ўтди. Улардан маслаҳатини дариғ тутмади, йўл-йўриқ кўрсатди.

– Истеъфодаги капитан Илҳомжон Отажоновни ўз касбининг фидойиси, жонкуяри деб биламиз. У ўқувчилар билан ишлашдан ҳеч қачон чарчамайди. Жамоамизнинг энг ёши улуғ устози бўлишига қарамай ҳамон йигитлардек сергайрат, – дейди коллеж директори Тожимирза Тўрабоев. – Унинг ўқитувчилик масъулиятини теран англаган ҳолда дарслар ва улардан ташқари машғулотларнинг самарадорлиги ва таъсирчанлигини оширишда янги педагогик технология усулларини моҳирона қўллаётганини алоҳида таъкидлаш мумкин.

Илҳомжон Отажонов ўтган йиллар давомида бой тажрибалар тўплади, ҳарбийларга хос чиниқди ва энг асосийси, кўплаб шогирдлар тарбиялади. Шуларни изоҳлар экан, қаҳрамонимиз шундай дейди:

– Мустақиллик йилларида Ватан ҳимоячисининг нуфузи ошди, ҳарбийлик шон-шараф ишига айланди. Шу боисдан йигитларимиз ўртасида ҳарбийлик касбига қизиқиш йилдан йилга ортмоқда. Мени қувонтиргани шуки, ўқувчиларим орасида жуда кўпчилиги ўз ҳаётларини ҳарбий соҳа билан боғлаб, эл-юртимиз тинчлиги йўлида мардонавор хизмат қилишмоқда. Бу мени руҳлантиради.

Айни пайтда ҳам устоз шогирдлари орасида ҳарбий билим юртига ўқишга кириб, ўз ҳаётларини шу соҳа билан боғлашга жазм этган йигитлар талайгина. Музаффар Тўхтасинов ва Орифжон Собировлар ана шундай орзулари юксак йигитлар сирасидан.

– Ёшлигимдан ҳарбий соҳага меҳрим баланд, – дейди М. Тўхтасинов. – Шу боисдан ҳам коллежни тамомлаб Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртига ўқишга кирмоқчиман. Бунинг учун тайёргарликни аллақачон бошлаб юборганман. Бунда айниқса, устозимиз Илҳомжон аканинг хизматлари катта бўлаяпти. У кишининг жонкуярликлари ва ҳар бир машғулотни ўқувчиларга мукаммалроқ етказиб беришга интилишлари сабаб, сабоқларини астойдил ўзлаштиришга интилаяпман. Бу йил албатта курсант деган шарафли номга сазовор бўлиб, устозимизнинг ишончини оқлайман. Мақсадимга эришишда энг аввало у кишининг сабоқларига таянаман.

Устоз ўз меҳнатларининг самарасидан доимо қувонади. Шу боисдан ҳам довондан ошган чўққини кўзлар деганларидек, йилдан-йилга янада изланувчанлик, ижодкорлик руҳида ишлашни одат тусига айлантирган.

Ҳа, астойдил қилинган меҳнат албатта ўз самарасини беради.

Илҳомжон аканинг ўқувчилари «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақаларининг 2007 йилги баҳсларида вилоят чемпиони бўлди. Республика босқичида эса тўртинчи ўринни эгаллади.

Мазкур ўқув йилида у фаолият юритаётган коллеж чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани ўқитилиши бўйича вилоят миқёсидаги кўрик-танловнинг бош соврини ва «Энг яхши таълим муассасаси» номини қўлга киритди.

Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасидаги фидойилиги учун устоз Мудофаа вазирлиги, вилоят ва туман мудофаа ишлари бошқармаларининг қатор Фахрий ёрлиқлари ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланган.

– Халқимизда «Ёлғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам донги чиқмас», деган нақл бор, – дейди тажрибали ўқитувчи Отажонов. – Бизнинг мана шундай ютуқларни қўлга киритишимизда туман мудофаа ишлари бўлими офицерлари ва мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ходимлари билан яқиндан ҳамкорлигимиз катта ёрдам бераяпти. Бунинг учун улардан миннатдормиз.

Дарвоқе, айни кунларда коллежда спорт ва ҳарбий машғулотлар ўтказиладиган майдонлар замонга мослаштирилган ҳолда барпо этилмоқда. Ўйлаймизки, мана шундай замонавий майдонларда машғулот ўтиш дарс сифатини ошириш билан бирга ўқувчилар орасида фан бўйича етарлича билим ва кўникмага эга бўлган билимли ёшларнинг етишиб чиқишига хизмат қилади. Истеъфодаги капитан Илҳомжон Отажоновнинг бу эзгу мақсад йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилишида муваффақият тилаб қоламиз.

Асқарали МАМАТОВ.

СПОРТ

Трамполин

СОФИЯДАН ХУШХАБАР

Болгариянинг София шаҳрида батутда сакраш бўйича жаҳон кубоги баҳслари бўлиб ўтди. Унда ҳамюртимиз Екатерина Хилько муваффақият қозонди.

Марказий ҳарбий спорт клуби вакили, лейтенант Екатерина Хилько Пекинда ўтказилган Олимпиада ўйинларида совриндор бўлиб, юртимиз спорт мухлисларини ғоят хурсанд этган эди. Олимпиаданинг «бронза» медали соҳибаси ушбу муваффақияти билан чегараланиб қолмади, балки ўз устида ишлашда давом этди. Тинимсиз меҳнат, изланиш ўз самарасини берди. Ўтган ҳафтада у яна бир бор зафар қучди. Софияда ўтказилган жаҳон кубоги баҳсларида ҳакамлар ҳамюртимиз томонидан бажарилган машқларни энг юқори балл (38,2) билан баҳолашди ва лейтенант Е. Хилько жаҳон кубогининг олтин медалини қўлга киритди. Бугунги кунда спортнинг мазкур тури бўйича дунёда энг кучли спортчи саналаётган хитойлик Цзян Иги иккинчи, белоруссиялик трамполинчи Татьяна Петреня учинчи ўринни эгаллади.

Бокс

АРМИЯЧИЛАРНИНГ НАВБАТДАГИ ҒАЛАБАЛАРИ

Қўқон шаҳрида бокс бўйича халқаро мусобақа бўлиб ўтди. Сидней Львович Жаксон хотирасига бағишланган мазкур анъанавий мусобақада МҲСК вакиллари муваффақиятли қатнашишди.

Мусобақада тўртта мамлакат – Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон чарм қўлқоп усталари иштирок этдилар. Таъкидлаш жоизки, мазкур халқаро мусобақанинг бу йилгисида Ўзбекистон терма жамоаси иккинчи таркиб билан қатнашди. Асосий таркиб боксчиларига Туркияда ўтказилган нуфузли халқаро мусобақада қатнашганликлари ва ўзларининг жисмоний-руҳий ҳолатларини тиклаб олишлари учун таътил берилди.

Мусобақа июнь ойида Хитойда бўлиб ўтадиган Осиё чемпионати ва август ойида Италия пойтахти Римда ўтказиладиган жаҳон чемпионати олдидан мураббийларга терма жамоага номзод боксчиларни синовдан ўтказиш учун қулай имконият эди. Номзодлар шиддатли ва кескин руҳда кечган жангларда кутилгандан кўра яхшироқ натижа кўрсатиб, мураббийларимизни ҳам бироз ўйлантириб қўйишди. Жумладан, 51 кг. вазн тоифасида рингга чиққан МҲСК вакили Шаҳриёр Исоқов барча рақибларини мағлубиятга учратиб, биринчи ўринни қўлга киритди ва бу вазн тоифасида Ўзбекистон терма жамоасининг асосий боксчиси ҳисобланган Рафиқжон Султоновга муносиб рақобатчи эканлигини исботлади. Маълумки, Рафиқ икки ҳафта олдин Туркияда ўтказилган нуфузли халқаро мусобақадан «бронза» медали билан қайтган эди. МҲСК аъзолари бўлган икки боксчимиздан энди қайси бири Осиё чемпионатига боришини терма жамоа мураббийлари ҳал қилади.

Айнан шундай рақобат 75 кг. вазн тоифасида ҳам вужудга келди. Қизиғи, бу тоифадаги рақобатчилар ҳам МҲСК аъзоларидир. Шартнома бўйича хизмат оддий аскари Элшод Расулов Истанбулда ўтказилган халқаро мусобақадан «кумуш» медаль билан қайтган бўлса, унинг сафдоши Аҳрор Қурбонов Фарғонадаги халқаро мусобақа ғолиби бўлди. Бу ҳар икки боксчимизнинг бугунги кунда юқори спорт формасида эканлигидан далолат.

Шунингдек, мазкур мусобақада МҲСК аъзолари – 60 кг. вазн тоифасида рингга чиққан Камолиддин Аҳмедов ва 91 кг. вазнли боксчимиз Жасурбек Матчонов ҳам Россия, Қозоғистон ва Қирғизистондан келган барча рақибларини мағлубиятга учратиб, биринчи ўринни қўлга киритишди.



Боксчиларимиз шу кунларда Янгиобод ўқув базасида ўтказилаётган машғулотларда иштирок этиб, қитъа чемпионатига пухта ҳозирлик кўришмоқда. Тайёргарликнинг иккинчи босқичини 20–26 май кунлари Тошкент шаҳрида ўтказиш режалаштирилган. Ушбу машғулотлар терма жамоамиз мураббийларига Осиё чемпионатига борувчи боксчиларни танлаб олиш имконини беради.

Р. ЭРМУҲАММАД.

Футбол

ПЕШҚАДАМЛАР ЯНА ҒОЛИБ

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий чемпионатининг олий лигасида 8-тур учрашувлари бўлиб ўтди. Ушбу тур муросасизлиги билан мухлислар эътиборини қозонди – ўтказилган саккиз учрашувнинг барчасида дарвозалар ишғол этилди, учтасида йирик ҳисоб қайд этилди.

18-миллий чемпионатни шов-шувли тарзда бошлаган пойтахтнинг «Локомотив» ва олий лига янги вакили «Хоразм» жамоалари ўртасидаги учрашув қизиқарли ўтиши кутилган эди. Чунки улар ушбу тургача бир хил натижа кўрсатиб, тўплар нисбатига кўра бешинчи ва олтинчи ўринларни ўзаро баҳам кўриб туришганди. Пойтахтимизда ўтказилган ушбу баҳсда мезбонлар 20-дақиқадаёқ ҳисобни очиб (гол муаллифи А. Мальцев), ташаббусни ўз қўлларига олишди. Меҳмонларнинг дарвозани ишғол этиш учун қилган барча уринишлари эса самарасиз якунланди, аксинча, темирйўлчилар иккинчи бўлимнинг 10-дақиқасида рақиблари дарвозасига тўп киритиб, ғалабани мустаҳкамлади. Тўп муаллифи йил бошида «Бунёдкор» жамоасидан темирйўлчилар сафига келиб қўшилган Янис Манзукас бўлди.

Амалдаги чемпион – «Бунёдкор» жамоаси бу сафар Ғузорда «Шўртан» жамоасининг жиддий қаршилигига дуч келди. Учрашув тақдирини тошкентликларнинг машҳур легионери бразилиялик Ривалдо томонидан 62-дақиқада дарвозага киритилган ягона тўп ҳал қилди.

«Насаф» устидан қозонилган ғалабадан сўнг пешқадамни изма-из таъқиб этишга тушган «Пахтакор» жамоаси бу сафар Азамат Абдураимов устозлик қилаётган Самарқандниинг «Динамо» жамоасини йирик ҳисобда доғда қолдирди. Самарқандликлар дарвозасига киритилган барча тўртта голга терма жамоаларимиз аъзолари муаллифлик қилгани футбол мухлисларини хушнуд этди. Зайниддин Тожиев икки марта (10, 37-дақ.), Одил Аҳмедов (18) ва ёшлар терма жамоамиз ҳужумчиси Саньат Шихов (90) бир мартадан муваффақият қозонишди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Олмалиқ» – «Машъал» – 2:0 (З. Пиримов 19, Б. Ҳамидуллаев 35), «Андижон» – «Қизилқум» – 2:1 (В. Килишин 35, С. Мамадалиев 66, В. Шодиев 83), «Насаф» – «Сўғдиёна» – 3:0 (И. Шомуродов 14, Р. Қодиров 22, Ж. Жиямурадов 89-пен), «Бухоро» – «Нефтчи» – 1:2 (Л. Солиев 60, Алишер Холиқов 3, 27), «Навбаҳор» – «Металлург» – 3:0 (Д. Жабборов 18, М. Фозилов 66-пен, Н. Отақўзиев 90+3).

Ж. РАСУЛОВ.

НАТИЖАЛАР ТУРЛИЧА БЎЛДИ

Осиё чемпионлар лигаси мусобақаларининг гуруҳ босқичи ҳам ўз ниҳоясига етиб бормоқда. Куни-кеча ушбу нуфузли турнирда иштирок этаётган жамоалар 5-тур учрашувларини ўтказишди.

Ушбу турда Тошкентнинг «Бунёдкор» жамоаси гуруҳда пешқадамлик қилаётган Саудия Арабистонининг «Ал-Иттифоқ» жамоаси меҳмони бўлди. Ўйин тошкентликлар учун қийин кечиши олдиндан маълум эди. Бунинг биринчи сабаби гуруҳда биринчи ўринни эгаллаган жамоа кейинги босқич ўйинини ўз майдонида ўтказиш ҳуқуқини қўлга киритиши бўлса, иккинчи сабаби майдон эгалари Тошкентда ўтказилган учрашувдаги мағлубият аламини олиш учун ҳам ҳаракат қилишлари эди.

Учрашув кутилганидек кескин ва қизиқарли курашларга бой тарзда кечди. «Бунёдкор» футболчилари дастлабки дақиқаларданоқ устунликни қўлга олишга ҳаракат қилиб, бир қанча ҳужумларни амалга оширдилар. Меҳмонларнинг шундай ўйин тактикасини қўллашга мажбур эканликларини инобатга олган майдон эгалари асосан қарши ҳужумда ҳаракат қилишди ва бу охир-оқибат ўз натижасини берди. Мазкур баҳсда «Бунёдкор» ҳимоячилари рақиб ҳужумчиларининг тезкор ҳужумларини қайтаришда кўплаб хатоларга йўл қўйишди. Бундан самарали фойдаланган майдон эгалари рақиблар дарвозасига жавобсиз тўртта гол йўллашга муваффақ бўлишди ва муддатидан аввал гуруҳ ғолибига айланишди. Гарчи «Бунёдкор» йирик ҳисобда мағлубиятга учраган бўлса-да, ҳали футболчиларимизда гуруҳда иккинчи ўринни эгаллаб, кейинги босқичга чиқиш имконияти сақланиб турибди. Бу масала эса сўнгги 6-турда ҳал бўлади.

«А» гуруҳида пешқадамлик қилаётган «Пахтакор» футболчилари эса ушбу турда Бирлашган Араб амирликларининг «Ал-Аҳли» жамоасини қабул қилишди. Кейинги босқич масаласини ҳал қилиб қўйган футболчиларимиз бу ўйинда анча хотиржамлик билан ҳаракат қилишди. Меҳмонлар ҳам биринчи турдаги мағлубият аламини олишга уриниб кўришди, аммо техник ва тактик жиҳатдан устунроқ бўлган пахтакорчилар ўйин тизгинини қўлдан чиқаришмади ва 39-дақиқада З. Тожиев ҳамда 57-дақиқада А. Гейнрих томонидан киритилган голлар эвазига 2:0 ҳисобида муҳим ғалабага эришиб, гуруҳ пешқадамлигини сақлаб қолишди.

ОФК кубоги мусобақаларида иштирок этаётган Фарғонанинг «Нефтчи» клуби ушбу тур учрашувини ўз майдонида Ливаннинг «Ал-Аҳад» жамоасига қарши ўтказди ва 2:1 ҳисобидаги муҳим ғалабани қўлга киритиб, кейинги босқичга чиқиш имконини сақлаб қолди.

Гуруҳ босқичининг сўнгги тур учрашувлари 19-20 май кунлари ўтказилади. Унда «Бунёдкор» ўз майдонида «Ал-Шабаб» (БАА) жамоасини қабул қилса, «Пахтакор» сафарда Саудия Арабистонининг «Ал-Ҳилол», «Нефтчи» эса Яманнинг «Ал-Тилол» клуби меҳмони бўлади.

М. САЙДИВАЛИЕВ.

«Умид ниҳоллари»

КУЧЛИЛАР САРАЛАНМОҚДА

Шу кунларда Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳрида умумтаълим мактаб ўқувчилари ўртасидаги «Умид ниҳоллари–2009» мусобақасининг финал босқичига тайёргарлик ҳар томонлама авж олган бўлса, вилоятларда қуйи босқич баҳслари қизғин паллага кўтарилди.

Баркамол авлодни тарбиялашда улкан аҳамият касб этаётган «Умид ниҳоллари»нинг дастлабки босқичи, яъни шаҳар ва туман миқёсидаги баҳслари Жиззах вилоятида ҳам юқори савияда ташкил этилди. 174 минг нафардан ортиқ ўғил ва қизлар бевосита мусобақалар иштирокчисига айланди.

Яқинда финалга бериладиган йўлланма учун вилоят босқичи мусобақалари ҳам бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва туман босқичи баҳсларида ғолибликни қўлга киритган жамоалар қатнашди. Футбол, стол тенниси, қўл тўпи, баскетбол, кураш, сузиш, бадиий гимнастика ва бошқа спорт турлари бўйича қизғин ва муросасиз кечган баҳсларда Жиззах шаҳри жамоаси умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни қўлга киритди ва мамлакат босқичига йўлланма олди. Жиззах ва Пахтакор туманлари вакиллари ҳам беллашувларда муваффақиятли қатнашиб, совринли ўринларни эгаллашди.

Кумушбиби ЭРМАМАТОВА.

СПОРТ

«Шунқорлар» ҳарбий-спорт ўйинлари

РУҲИЙ ВА ЖИСМОНИЙ ЧИНИҚИШ МАКТАБИ

«Шунқорлар–2009» ҳарбий-спорт ўйинларининг якуний босқич – финал баҳслари эпчиллик, чаққонлик, мерганлик, шижоаткорлик, зеҳн-идрок бобидаги қизғин беллашувларга бой бўлди.

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларнинг 14 та ғолиб жамоасини жамлаган финал баҳслари уч кун давом этди. Жамоалар ҳарбий-спорт ўйинларининг 15 та шарти бўйича ўзаро беллашдилар. Бири-биридан қизиқарли ва ҳаяжонли кечган баҳслар мобайнида ҳарбий касбга меҳр қўйган 168 нафар сара ўғлон ўз коллежи, академик лицейининг шаъни, шарафи, шуҳрати учун кураш олиб боришди. Дилига туккан орзуси – эл-юрт корига ярайдиган комил инсон, Ватанга ва миллий истиқлол ғоясига садоқат руҳида тарбияланган юрт посбони бўлиб етишиш учун тинмай изланиш, интилиш, курашиш зарурлигини, чуқур билим, малака ва маҳоратга эга бўлиш кераклигини спорт майдонларидаги кескин беллашувлар жараёнида чуқурроқ, кенгроқ англашди.

– Келгусида ҳарбий касб эгаси, етук офицер бўлиш орзуим, – дейди Ғузор тумани саноат-транспорт касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Сарвар Ўроқов. – Бундай қарорга келишимга айнан «Шунқорлар» ҳарбий-спорт ўйинларида қатнашувим туртки берди. Туман ва вилоят босқичи мусобақалари мобайнида ҳарбий қисм ва сержантлар тайёрлаш мактабида бўлиб, ҳарбийларимизнинг ҳаёти, хизмат ва ўқиш учун яратилган шарт-шароитлари билан ҳам танишдик. Кўрганларимнинг барчаси менга манзур бўлди ва олган таассуротларим орзуимни янада алангалатди. Нафақат мен, балки жамоадошим Рамазон Юсупов ҳам шундай қарорга келди.

Дунёқараши шаклланиб, комиллик сари интилаётган ўспиринниинг қалб сўзларини тинглар эканман, ҳарбий-спорт ўйинлари бесамар кетмаётганлигига яна бир бор амин бўламан. 13 йилдан буён ўтказиб келинаётган «Шунқорлар» мусобақасидан кўзланган эзгу мақсадларнинг бири ҳам айнан шу – республикамиз ўқувчи-ёшларини Қуролли Кучлар сафларига тайёрлаш. Менинг ички туйғуларимни англагандек:

– Бугунги шунқорларнинг аксарияти шу истакда, – дея суҳбатга аралашади касб-ҳунар коллежининг чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани ўқитувчиси Нажмиддин Одинаев. – Бунга вилоятимизнинг 112 та касб-ҳунар коллежи ва 7 та академик лицейи қатнашган туман босқичи, округ сержантлар тайёрлаш мактабида бўлиб ўтган вилоят босқичи мусобақаларига ҳам шоҳид бўлдим. Шу ўринда, мусобақаларни ва маданий-маърифий тадбирларни ташкиллаштиришда жонбозлик кўрсатган округ сержантлар тайёрлаш мактаби вакили, офицер Олим Йўлдошевга ўз миннатдорлигимизни билдирмоқчиман. Бугун финал босқичида ҳарбий, ҳуқуқий билимлар шарти бўйича коллежимиз жамоаси юз фоизлик натижа кўрсатишида ана шундай ҳамкорларимизнинг ҳам ҳиссаси бор.

«Шунқорлар–2009» ҳарбий-спорт мусобақаларининг финал босқичи дастлабки кунида Наманган вилояти Учқўрғон педагогика касб-ҳунар коллежи жамоаси пешқадамлик қила бошлади. Биз эришилаётган бу муваффақиятлар билан қутлаб коллеж директори, педагогика фанлари номзоди Дилором Эсонбоевани суҳбатга тортдик.

– Уйда ўтиролмадим, – дейди у. – Спорт, беллашувлари жозибаси барчани бирдай ўзига жалб этади. Ҳар қандай спорт мухлиси жамоасининг ютуғидан қувонади, ғурурланади, муваффақиятсизлигидан озор чекади. Бизга жамоамиз либосларини тайёрлаб берган коллежимизнинг тикувчилик устахонаси ходимларидан тортиб, вилоятимиздаги 109 та ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими муассасаларининг жамоаларигача умид билан кўз тикиб туришибди. Буни 12 нафар шунқоримизга тушунтириш, уларни руҳлантириш, ғалаба сари чорлаш учун ҳам бугун уларнинг ёнидаман.

Дилором опанинг қўллаб-қувватлашлари зое кетмади – шунқорлари ишончни оқлаб, устозининг юзини ерга қаратмади. Тўртта йўналишда Учқўрғон туман педагогика касб-ҳунар коллежи жамоаси энг юқори натижа кўрсатди, ҳарбий, ҳуқуқий билимлар ва граната улоқтириш баҳсларида иккинчи, саф кўриги танловида учинчи бўлди. Барча шартлар бўйича 134,58 балл тўплаган наманганликлар умумжамоа ҳисобида Жиззах тумани маиший хизмат ва иқтисодиёт коллежи жамоаси билан бирга учинчи ўринни ўзаро баҳам кўришди.

Энг узоқ вақт давом этган ва қизиқарли кечган баҳслардан бири граната улоқтириш бўйича бўлди. Мазкур беллашувларда Фарғона вилоят Қувасой тумани саноат касб-ҳунар коллежи жамоаси умумий ҳисобда биринчи ўринни эгаллади. Шахсий кўрсаткичлар бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Амударё тумани Дўрмон касб-ҳунар коллежи жамоаси аъзоси Охунжон Абдуллаевга тенг келадиган топилмади. У 70 метр узоқликка граната улоқтирди.

– Беллашувлар жараёнида ёшларимизнинг шижоати, шиддати, ғолибликка интилишларини кўриб, улар сафига қўшилиб кетишдан ўзимни зўрға тийиб турибман, – дейди Самарқанд вилоят Пастдарғом тумани тиббиёт коллежи директори Азамат Ишназаров. – Бундай спорт мусобақалари соғлом турмуш тарзини шакллантиришда, ёшларнинг жисмонан соғлом бўлиб камолга етишишида катта аҳамиятга эга. Жамоамиз томонидан тайёрланиб келинган жанговар варақа, альбом ва вимпеллар ҳакамлар ҳайъати томонидан юқори баҳоланганда коллежимиз ўқувчи-ёшларининг чақноқ кўзларида, фахр ва ифтихорга тўла сўзларида буюк мақсадларга ундагувчи кучни сездим.

Умумий натижаларга кўра, иккинчи ўрин Тошкент вилояти Чирчиқ тумани ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи жамоасига насиб этди. «Шунқорлар–2009» ҳарбий-спорт ўйинлари ғолиби Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи жамоаси, деб эълон қилинди. «Шунқорлар» ҳарбий-спорт ўйинларининг тантанали ёпилиш маросимида сўзга чиққанлар бўлажак Ватан ҳимоячиларини руҳий ва жисмоний чиниқтиришнинг муҳим воситасига айланган ушбу мусобақага қизиқиш йил сайин ортиб бораётганини таъкидлашди.

Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек туманининг ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи жамоасига мусобақанинг кўчма кубоги ва биринчи даражали дипломи, медаллар, шунингдек иккинчи ва учинчи ўринни эгаллаган жамоалар ҳамда «Энг яхши мерган», «Энг аҳил жамоа», «Энг яхши мураббий» ва бошқа шу каби бир қатор номинациялар ғолибларига Фахрий ёрлиқ ва совғалар топширилди.

Майор Расул ЖУМАЕВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

МАДАНИЯТ

ТАНТАНАВОР МУСИҚА ИЖРОЧИЛАРИ

Ҳарбийлик ҳақида гап кетганда беихтиёр кўз олдингизга қадамлари шахдам, нигоҳлари ўткир, алп-қомат, жасур посбонлар, уларнинг эгнидаги ҳарбий либос, замонавий қурол-аслаҳа ва жанговар техника, шунингдек, ҳарбий оркестр келса ажаб эмас...

– Ҳарбий жамоалардаги тадбир ва маросимларни, ҳарбийча русумларни оркестр иштирокисиз тасаввур қилиш қийин, – дейди ҳарбий қисм клуби бошлиғи сержант Шамиль Умматов. – Ўйлашимча, ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги тантанавор мусиқа садоларига қулоқ тутган ҳар бир инсон улардан таъсирланади.

– Турли чолғу асбобларидан таралувчи садоларни бир тизимга солиш ва яхлит мусиқа шаклига келтириш, санъаткорлар тили билан айтганда, куйга ранг ва жило бериш албатта, мураккаб жараёндир, – дейди ҳарбий оркестр бошлиғи капитан Шавкатжон Тўлаев. – Қувонч билан айтиш мумкинки, жамоамизда бу борадаги ишлар тўғри йўлга қўйилган. Ҳусниддин Ҳақбердиев, Мутойир Якубов, Баҳодир Иброҳимов, Орзу Давронов, Жамшид Ҳайдаров, Акмал Усмонов, Шоҳрух Ҳотамов сингари тажрибали ҳарбий созандаларнинг янги куй яратишда, маданий тадбирларни ўтказишда беқиёс ҳиссалари бор.

Шу ўринда ҳарбий оркестр хонандаси кичик сержант Ёқубжон Қобилов хусусида қисқача тўхталиб ўтсак.

Қўшиқ ижрочилари ўртасида ўтказилувчи турли танловларда бир неча бор округ босқичининг ғолиби бўлган санъаткор ижод қилиш, изланиш ва энг асосийси, қўшиқчилик санъати сир-асрорларини ўрганишдан тўхтагани йўқ. У ўз қўшиқларида Ватан, она, оила, садоқат, меҳр-муҳаббат, поклик туйғуларни, мардлик ва жасурлик, қатъийлик каби фазилатларни улуғлайди.

Кўпчиликка яхши маълумки, Қуролли Кучларимизда анъанавий тарзда «Энг илғор мутахассис», «Энг илғор олий ҳарбий билим юрти», «Энг илғор ҳарбий қисм ошхонаси», «Энг илғор китобхон» сингари кўплаб танловлар ўтказилмоқда. Қувонарлиси, Мудофаа вазирлигига қарашли оркестр жамоаларининг ҳам ўз кўрик-танлови бор. Бу – ҳарбий оркестрларнинг «Мусиқа жанговар сафда» кўрик-танловидир.

Дарҳақиқат, ҳар қандай танлов ёки мусобақа соғлом муҳитда ўзаро рақобатлашиш, ўзини намойиш этиш ва тажриба алмашиш, кучлиларни аниқлаш ва ўз имкониятларини синовдан ўтказиш имконини беради. Шунинг учун ҳам кўплаб касб эгалари қаторида ҳарбий санъаткорлар, хусусан, оркестр жамоалари ўртасида мунтазам равишда ўтказилувчи танловлар ҳарбий оркестрлар ишида ўзига хос аҳамиятга эга.

– 2008 йилда Мудофаа вазирлигига қарашли ҳарбий оркестрлар ўтасида ўтказилган «Мусиқа жанговар сафда» кўрик-танловида фаол иштирок этдик, – дейди жамоа бошлиғи. – Айни кунларда эса оркестримиз Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан жойларда ўтказилаётган тадбирларда қатнашиб, кеча ва маросимларнинг янада файзли ва мароқли, тантанавор мусиқа садолари остида ўтишига хизмат қилмоқда.

Рўзимуҳаммад ЖАҲОНГИРОВ.
Баҳром АБДУРАҲИМОВ олган суратлар.

БИЛИМ ВА ЗАКОВАТ СИНОВИ

Ўлкамиздаги ҳар бир шаҳарнинг бир-бирига ўхшамайдиган, фақат ўзигагина хос бўлган тарихи бор. Бу шаҳарлар ўтмиши, тарихи уйғунлашувида эса бутун Ўзбекистоннинг шонли тарихи намоён бўлади. Демак, Ватан тарихи барчамиз учун муқаддас. Уни муқаддаслигича авлоддан-авлодга етказиш, авайлаш биз учун олий қадрият ҳисобланади.

Бу йил ана шундай шонли тарихга эга бўлган қадимий ва азим шаҳримиз Тошкентнинг 2200 йиллиги нишонланади. Айни кунларда барча жойларда ушбу байрам муносабати билан турли учрашувлар, маданий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. Жумладан, Қуролли Кучлар Марказий офицерлар саройида бўлиб ўтган беллашув ҳам ана шу қутлуғ санага бағишланди.

«Тошкент тариҳини ўрганамиз» деб номланган мазкур беллашув Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Республика маънавият тарғибот маркази Тошкент шаҳар бўлими, Юнусобод туман «Маҳалла» жамғармаси, «Оила маркази» билан ҳамкорликда ташкил қилинди. Унда Тошкент ахборот технологиялари университетининг «Шарқ дарвозаси», Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг «Бинкат», Тошкент молия институтининг «Шошкент» ҳамда Тошкент ахборот технологиялари университети Махсус факультети курсантларидан иборат «Темурийлар» жамоаси ўзаро куч синашдилар.

Викторина тарзида ўтказилган беллашувда асосан Тошкент шаҳрининг тарихига оид саволлар иштирокчилар эътиборига ҳавола этилди. Бир дақиқа муҳлат ажратилгани учун қатнашувчи гуруҳлар берилган саволларга иложи борича қисқа, аниқ ва лўнда жавоб беришга ҳаракат қилдилар. Жавобларнинг тўғри ёки нотўғрилиги Юнусобод туман «Оила маркази» раҳбари Адиба Камолова бошчилигидаги ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳолаб борилди.

Қизғин баҳс-мунозараларга бой бўлган ушбу беллашувда ҳар бир жамоа фаол иштирок этиб, шаҳримиз тарихига оид қанчалик билимга эга эканликларини намойиш қилдилар.

Беллашувда энг кўп балл тўплаган Тошкент молия институтининг «Шошкент» жамоаси 1-ўринни қўлга киритди.

Тадбир сўнгида ҳар бир иштирокчи жамоалар беллашув ташкилотчилари томонидан муносиб тақдирландилар.

– Бугунги тадбирдан кўзланган мақсад, – дейди биз билан суҳбатда Ўзбекистон тарихи давлат музейи раҳбари Жаннат Исмоилова. – Шаҳримизнинг муборак тўйини муносиб нишонлаш, ёшлар қалбида Ватан тарихига нисбатан ҳурмат ва эҳтиром туйғуларини шакллантириш ҳамда уларни бой тарихимиз билан яқиндан таништиришдан иборат.Тарих, ўтмиш, аждодлар ҳаёти ҳамма учун барча замонларда қизиқарли ва сирли бўлиб келган. Юртбошимиз айтганларидек: «Модомики ўз тарихини билган, ундан руҳий қувват оладиган халқни енгиб бўлмас экан, биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни ана шу тарихимиз билан қуроллантиришимиз зарур». Шундай экан, тарих, ўтмиш ҳақида етарлича билимга эга бўлиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Гулнора МУРОДОВА.

ВАТАНПАРВАР

Муассис – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги

Учредитель – Министерство обороны Республики Узбекистан

Бош муҳаррир вазифасини вақтинча бажарувчи майор А. САФАРОВ.
Шу сонга масъуллар: майорлар А. УСМОНОВ, А. КАМОЛОВ.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2008 йил 6 июнда 0535 рақами билан рўйхатга олинган. ISSN 2010-5541.

Таҳририят манзили: 100031, Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 21-уй.

«Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

МУАССИС КЕНГАШИ: Тоҳир ҲАМРОҚУЛОВ – кенгаш раиси, Рустам НОДИРОВ, Раҳимжон НУРНАЗАРОВ, Олим ҚЎЧҚОРОВ, Алишер МУИНОВ, Нурмуҳаммад МУЛЛАБОЕВ, Шуҳрат ТЎХТАЕВ, Абдусаттор ЭРГАШЕВ, Қурбон АМИНЖОНОВ, Олимжон ЗАНЖИРОВ.

Телефонлар: навбатчи – 256 09 81; обуна бўлими – 256 03 46. Факс: 256 17 98.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида Р. Исламбаев ва З. Хошимов томонидан саҳифаланди.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Газета жума куни чиқади. Адади 26000.

Нашр кўрсаткичи 114. Буюртма № J-7363.